

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви академияси
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси
хузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришини
мувоғиқлаштириши кўмитаси

Оммавий ахборот воситалари ва жамоатчилик назорати



«Akademiya»
Тошкент-2013

УЎК: 321.7(575.1)

КБК: 76.0

О-55

Оммавий ахборот воситалари
талири

А.Жалилов, А.Бегматов, У.Мұҳамадиев, Н.Бектемирова,
З.Хұжанисова, А Қамбаров; Оммавий ахборот воситалари ва
жамоатчилик назорати. Ўзбекистон Республикаси Президенти
құзуридаги Давлат бошқаруви академияси, ЎзР Вазирлар
Махкамаси құзуридаги Фан ва технологияларни
ривожластирипни мұнфикалантириш күмітаси. -Т: Akademiya
2013. - 125 б.

ISBN 978-9943-368-60-6

УЎК: 321.7(575.1)

КБК: 76.0

Тақризчилар:

Қ.А. Жұраев. – сиёсий фанлар доктори.

С.Т. Сайдолимов – сиёсий фанлар доктори.

Оммавий ахборот воситалари ва жамоатчилик назорати
мавзуси мамлакатимиз раҳбари томонидан 2010 йил
12 ноябрда эълон қилинган концепцияда илгари сурилган
«Жамоатчилик назорати түгрисида»ги Қонун ташаббуси асо-
сида тилга олинди. Мазкур монографияда фуқаролик жа-
мияти барпо этишда жамоатчилик назоратининг ўрни мил-
лий аңъаналар ва назарий тадқиқотлар негизида таҳлил
этілади. Дастрраб оммавий ахборот воситалари ҳодисаси на-
зарий қарашлар негизида ўрганилиб, қиёслаш баробарида
жамоатчилик назоратини амалга оширишда давлат сиёса-
тининг такомилига эътибор қаратиласы.

Монография талабалар, магистрант, аспирант ҳамда
умумтаълим мактаблари ўқитувчилари учун мўлжаллан-
ган.

10 42144

291

2013/48	Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MK
11902	

ISBN 978-9943-368-60-6

© «Akademiya», Тошкент, 2013.

Сўз боши

Жамоатчилик назоратини амалга ошириш Ўзбекистонда фуқаролик жамияти қуришнинг шартларидан бири ҳисобланади. Демократик тараққиёт нуқтаи назаридан жамоатчилик назоратини амалга оширишда оммавий ахборот воситаларининг роли ва ўрни бекиёс. Модомики, оммавий ахборот воситалари жамиятда кечайтган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни акс эттирад экан, телевидение, радио ва газеталар уларга нафақат баҳо беради, балки қайсиdir маънода халқнинг ҳукмита ҳавола этади. Оммавий ахборот воситалари баъзи муаммолар ва ҳодисалар борасида мунтазам чиқишлар уюштирган ҳолда, уларни умумхалқ мухокамасига олиб чиқади. Турли можароли масалалар, долзарб муаммоларни ечиш борасида ижтимоий бирликни уюштирган ҳолда, муаммони келтириб чиқарган омилларга барҳам беришга ҳаракат қиласи. Бошқача айтганда, оммавий ахборот воситалари ўз чиқишлари муаммога сабаб бўлган субъектларга қарши ижтимоий фикрни шакллантириб, уларни муаммони бартарафга этишга чорлайди.

Бундан ташқари, фуқаролар ҳам мавзу юзасидан ўз фикрларини мактублар, интервьюлар, мақолалар орқали ифода этишади. Кўпинча оммавий ахборот воситалари у ёки бу муаммонинг долзарблигини намоён этишда, уни бартараф этишга қаратилган умумманфаатни шакллантириш мақсадида, мамлакатдаги таниқли давлат арбоблари, олимлар, мутахассисларни жалб этади. Натиж

жада, баъзи умуммиллий аҳамиятга эга бўлган масалаларни бартараф этиш жараёнида ижтимоий бирликка асос яратилади. Бу эса ҳар қандай жамиятда жамоатчилик назоратининг қонуниятли асослари мавжудлигидан далолат беради. Айни вақтда, гарчи юқорида қайд этилган на-муналар жамоатчилик назорати ёки оммавий ахборот воситалари ёрдамида жамоатчилик назоратини тўлақонли акс эттирмаса-да, бундай мулоқот жамоатчилик назоратининг самарали механизми эканидан далолат беради.

Фуқаролик жамияти барпо этишни ўз олдига мақсад қилган ҳар қандай жамият инсон ҳукуқларини таъминлаш, демократик ислоҳотларни амалга ошириш, ижтимоий шериклик ҳамда жамоатчилик назоратини амалга ошириш йўлида ҳаракат қиласи. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан 2010 йил 12 ноябрда эълон қилинган "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"нинг учинчи бўлими бевосита ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлашга қаратилган бўлиб, унда давлатимиз раҳбари оммавий ахборот воситалари томонидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш борасида алоҳида таклифни илгари суради. Жумладан, Концепцияда оммавий ахборот воситаларининг давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик ва парламент назоратини таъминлаш, ҳокимият ва жамоатчилик ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатиш борасидаги ролини кучайтиришга қаратилган самарали ҳукуқий механизmlарни яратиш мақсадида "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги, "Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида"ги ва бошқа бир қатор қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш таклиф этилди.

Бунда, хусусан, давлат ва жамоат бирлашмалари ахборот хизматлари, медиа-тузилмалар ишини фаоллаштириш бўйича кенг кўламли чора-тадбирларни амалга

ошириш лозим. Оммавий ахборот воситаларининг ахборот олиш юзасидан мурожаатларини кўриб чиқиш муддатларини қисқартириш, ахборот олиш соҳасидаги қонунчилик талабларини бузганлик учун юридик ва мансабдор шахсларнинг маъмурий жавобгарлигини кучайтиришга қаратилган чора-тадбирларнинг ҳукуқий механизмлари устида иш олиб бориш зарур.

Шу билан бирга, сиёсий модернизация жараёнида тобора муҳим аҳамият касб этиб бораёттан замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан давлат ва жамият бошқаруви тизимида кенг фойдаланиш лозим. Бундан ташқари, Концепциянинг бешинчи бўлими "Фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш"га багишланган бўлиб, унда мамлакатимиз раҳбари томонидан фуқаролик жамияти қуришнинг концептуал асослари атрофлича таҳлил этилган. Мустақиллик даврида фуқаролик жамиятининг ҳукуқий асослари яратилиши билан бирга, янги қонунлар ҳам таклиф этилди. Жўмладан, фуқаролик жамияти институтларини янада ривожлантириш, амалга оширилаётган ислоҳотларнинг очиқ-ошкоралиги ва самарадорлигини таъминлаш, уларнинг ролини кучайтириш мақсадида "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги Қонун муҳим аҳамият касб этади. Бу қонунда ижтимоий-иктисодий ривожланиш дастурларини амалга ошириш, гуманитар муаммоларни ҳал этиш, мамлакат турли ижтимоий қатламларининг ҳукуқ ва эркинликлари, манфаатларини ҳимоя қилишда нодавлат нотижорат ташкилотларнинг давлат тузилмалари билан ўзаро муносабатларидаги аниқ чегараларни белгилаш ва ташкилий-ҳукуқий механизмларини такомиллаштиришни кўзда тутилиши даркор.

Бундан ташқари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамият, фуқаролик институтлари назоратини амалга оширишнинг тизимли ва самарали ҳукуқий механизмини яратилган "Ўзбекистон Респуб-

ликасида жамоатчилик назорати тўғрисида"ги Конун ҳам илгари сурилди. Конунда жамоатчилик назоратининг турлари, шакллари ва субъектлари, назорат предмети, уни амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмлари, шунингдек, мазкур соҳада амалдаги қонун ҳужжатларини ижро этмаганлиги учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги назарда тутилиши зарурлиги таъкидланган.

Шу билан бирга, Концепцияда инсон ҳуқуқлари соҳасида миллый ҳаракат дастурини ишлаб чиқиш ғояси ҳам илгари сурилган. Ушбу дастур, энг аввало, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органлари томонидан инсон ҳукуқ ва эркинликларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш, жамиятда инсон ҳуқуқлари бўйича маданиятни шакллантириш каби бошқа соҳаларга оид қонунларга риоя этилиши устидан жамоатчилик мониторингини олиб боришга қаратилган чора-тадбирларни ўзида мужассам этиши керак.

Мамлакат раҳбари томонидан илгари сурилган қонун ташаббуслари нуқтаи назаридан оммавий ахборот воситаларининг жамоатчилик назоратини ўрнатиш жараёнидаги муҳим аҳамиятини ҳисобга олиб, мазкур монографияда бу борада амалга оширилаётган давлат сиёсати тадқик этилади.

*A.A. Абдуваҳитов,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуриданги
Давлат бошқаруви академияси ректори*

Кириш

Бугунги кунда Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантириш йўлида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимизда фуқаролик жамиятининг муҳим омилларидан бири бўлган жамоатчилик назоратининг ҳукуқий асоси яратилмоқда. Ижтимоий шериклик ва жамоатчилик назорати борасида қонун ташаббуси илгари сурилгандан бўён ҳар икки қонуннинг лойиҳаси яратилди. Ижтимоий-сиёсий жараёнларга дахлдор бўлган барча давлат органлари ва идоралар, ўқув муассасалари, оммавий аҳборот воситалари, илмий ва таҳлилий марказлар мазкур қонуилар лойиҳаларини тайёрлашда ўз қимматли фикрлари билан иштирок этдилар. Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиша ҳориж тажрибаси ҳам ўрганилди ва ҳисобга олинди.

Айни вақтда, илмий жамоатчиликнинг бу ҳодисаларга чуқур ёндашган ҳолда ўз муносабатини бијдириши айни муддаодир. Зоро, қонун қабул қилингандан кейин мазкур ҳодисалар жамият томонидан қабул қилиниши, улар ҳаётда ўз ифодасини топиши даркор. Бунинг учун эса, фақатгина қонун қабул қилишнинг ўзи етарли эмас, албатта. Қолаверса, бундан кейин жамоатчилик назорати ҳамда ижтимоий шериклик олий ва ўрта маҳсус ўқув юртларининг ўқув дастурларидан ўрин олиши табиий. Шундай экан, олимлар, тадқиқотчилар ва мутахассислар ўз чиқишлиари, мақола ва китоблари билан жамоатчилигимизга жамоатчилик назорати ва ижтимоий шерикликнинг илмий-назарий ҳамда амалий жиҳатларини очиб

бериши, уларни ҳайтта татбиқ этишнинг усул ва воситаларини атрофлича ёритиб беришлари зарур.

Ўзбекистон тарихида мавжуд бўлган жамоатчилик назорати ва ижтимоий шериклик бугунги кундаги бозор муносабатлари шароитида ўзгача талқин ва тавсиф қилинишни талаб этади. Чунки, бизнинг минтақамиизда қадимги даврларда мавжуд бўлган анъанавий жамоатчилик назорати ва ижтимоий шериклик ўз мазмун-моҳиятига кўра анча содда бўлган ижтимоий-иктисодий формацияни ифода этган. Бутунги тараққиётимиз жаҳон ҳамжамиятининг ривожланган мамлакатлари билан тенглашаётган бир пайтда, фуқаролик жамиятига оид ҳодиса ва жараёнлар янги давр тақозосига кўра, таҳлил ва талқин этилиши максадга мувофиқ.

Жамоатчилик назорати ва оммавий ахборот воситаларини таҳлил этишга бағишлиланган мазкур монография Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси "Фуқаролик жамияти асослари" кафедрасида фаолият олиб бораётган олимлар ва мутахассисларнинг илмий ижоди маҳсулидир. У мамлакатимизда фуқаролик жамиятини барпо этишга бел боғлаган олимлар, тадқиқотчилар, талабалар ҳамда соҳа мутахассислари фаолиятида кўл келишпига умидвормиз.

Жамоатчилик назоратига назарий ёндашув

*Ахтам Жалилов,
сиёсий фанлар доктори*

Мамлакатимизда фуқаролик жамияти барпо этила-ётган бугунги кунда жамоатчилик назоратининг ўрни ниҳоятда юксаклиги туфайли Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”да жамоатчилик назорати тўғрисидаги конун лойиҳасини ишлаб чиқиш ташаббуси илгари сурилди. Бу ташаббус, аввало, мамлакатимиз ижтимоий-иктисодий ва сиёсий тараққиётининг янги босқичига қадам қўйганлиги, фуқаролик жамиятини ривожлантириш заруратидан келиб чиққанлигини кайд этиш лозим.

Маълумки, жамият манфаатларини эътибордан четда қолдириш, баъзи ҳолларда ўз ваколатларини суис-теъмол қилиш давлат органларига хос бўлиб, улар акса-рият ҳолларда ўз ҳокимиятини халқ билан баҳам кўрмас-ликни маъқул кўради. Бундай салбий ҳолатнинг узлуксиз давом этиши давлат институтининг асл моҳиятига путур етказади ва у бажарадиган ижтимоий вазифаларнинг ўзга-ришига олиб келади. Оқибатда, ҳокимиятни чеклаш, яъни уни назорат қилишга зарурат туғилади.

Давлат органлари фаолиятини назорат қилиш ижти-моий фаоллик билан боғлиқ. Фуқароларнинг ижтимоий жараёнларда иштирок этишининг табиий ва сунъий омил-лари мавжуд. Инсон ижтимоийлашув жараёнини боши-дан кечирар экан, унда табиий равишда сиёсий жараён-ларда иштирок этишга иштиёқ вужудга келади. Жамият-даги муаммоларнинг кўпайиши эса, ижтимоий фаол фу-

қароларни янада дадил бўлишга ундаиди, кундалик муаммоларни бартараф этган ҳолда умумхалқ аҳамиятига эга бўлган масалаларга зътибор қаратишга жалб этади. Давлат етакчилигида “юқоридан”, ҳалқ вакиллари иштирокисиз амалга ошириладиган демократлаштириш ҳамиша ҳам жамият манфаатларини ифодаламайди. Бундай амалиёт салбий оқибатларга, жумладан, фуқароларнинг инертлашувига, ўз ҳукуқ ва манфаатларини тўлиқ англамаслик, ижтимоий ҳаётда юзага келадиган муаммоларга қарши курашиш кўникмасининг шаклланмаслигига олиб келади. Давлат – жамият муносабатларида юзага кела-диган бундай мураккабликларни бартараф этишининг самарали институтларидан бири бўлган жамоатчилик назорати илмий-назарий ёндашувни талаб этади.

Ўзбекистон шароитида жамоатчилик назоратининг ўзига хос тарихий илдизлари мавжуд бўлиб, унда маҳалланинг роли ниҳоятда мухим бўлган. Жумладан, ижтимоийлик устувор бўлган жамиятлар қаторида ўзбек маҳалласи шароитида ҳам жамоанинг ҳар бир аъзоси томонидан амалга оширилган хатти-харакатга тезкорлик билан ижтимоий баҳо берилган. Маҳалла ҳаётига таъсири кўрсатувчи инсон фаолияти билан боғлиқ ҳар қандай ҳодисага жамият аъзолари томонидан ижобий ёки салбий муносабат билдирилган.

Ўзбек жамиятида қадимдан ўта самарали жамоатчилик назорати бўлганлигининг ўзига хос далиллари мавжуд. Бундай шарт-шароит қўйидаги омиллар таъсирида юзага келади. Биринчидан, миллий қадриятларнинг кучлилиги жамиятда горизонтал назоратни таъминлаб берган. Инсоф, диёнат сингари қадриятлар ўзбек жамиятида ҳанузгача кучли таъсирга эга бўлган қадриятлар қаторидадир. Жамият аъзоларига, ўз яқинларига нисбатан қилинган ҳар қандай салбий муносабат, адолатсизликка юқорида қайд этилган ана шу қадриятлар орқали баҳо берилган. Натижада, жамиятда ўзига хос ижтимоий назорат тизими шаклланган.

Иккинчидан, давлат ҳокимиятидаги мансабдор шахслар ва жамият ўртасидаги муносабатларда диний қадриятлар, иймон-эътиқодга бўлган алоҳида ҳурмат муҳим ўрин эгаллаган. Ҳокимият вакилларининг хатти-харакатига ҳалқ ана шу нуқтаи назардан баҳо берган. Давлат мансабдор шахслари эса оқсоқоллар ёрдамида ҳалқ кайфиятини доимо ўргангандан ўз хатти-харакатларини шунга мос равишда мувофиқлаштириб турган. Бошқача айтганда, гарчи қадимда ташкилий жиҳатдан бугунги мазмундаги жамоат ташкилотлари бўлмаса-да, ўзига хос жамоатчилик назорати институти мавжуд бўлиб, у ҳалқ орасидаги иқтисодий салоҳиятга эга бўлган шахслар, диний уламолар, миллий етакчилар, олимлар воситасида амалга оширилган.

Учинчидан, ўзбек жамиятида жамоатчилик назоратининг ўзига хос тарихий институти ҳам мавжуд бўлиб, унинг бирламчи фаолияти гарчи умумий овқатланиши ёки кўнгил ёзишга қаратилган бўлса-да, аслида у ижтимоий назорат вазифасини ҳам бажарган. Аниқроқ айтганда, оммавий ахборот воситалари ривожланмаган даврларда маҳалла марказларида жойлашган гузарлар ёки чойхоналар қайсиdir маънода жамоатчилик назорати институти ролини бажарган. Халқнинг турли қатламларидан иборат бундай институтларда жадал ахборот алмашинуви билан бир қаторда, маҳаллада рўй берган адолатсизлик, ислоҳотлар, оммавий маросимлар, ҳашарлар, соликлар, ижтимоий иллатлар, ҳокимият билан муносабатлар сингари муҳим масалалар очиқ муҳокама қилинган. Рўй берган салбий ҳодисалар қораланган, турли муаммоларни ҳал этиш юзасидан чиқарилган қарорлар ҳалқ ҳукмига кўйилган, ижобий ишлар эса, аксинча, кўллаб-қувватланган. Бу ерда қабул қилинган қарорлар ҳалқ етакчилари воситасида давлат органларига етказилган ва тегишли ислоҳотларга замин тайёрлаган.

Албатта, жойларда амалга оширилган жамоатчилик назорати маҳаллий аҳамиятга эга бўлиб, бу институт ор-

қали умуммиллий миқёсдаги жамоатчилик назоратини амалга ошириш мураккаб жараён. Зеро, бугунги кунда бозор муносабатлари жадал ривожланаётган бир шароитда ижтимоий муносабатлар мураккаб тус олиб, ўзгача қонуниятлар асосида амалга оширилаёттанини қайд этиш зарур. Бундай шароитда жамоатчилик назоратининг замонавий шакллари самарали ҳисобланади.

Энди мазкур ҳодисага илмий ёндашган ҳолда берилган таърифларга эътибор қаратиш ўриниلى. “Жамоатчилик назорати” тушунчаси Ўзбекистонда нашр этилаётган баъзи илмий адабиётлар ҳамда меъёрий-хуқукий хужжатларда умумий тарзда учрамоқда. Шунга қарамай, бевосита жамоатчилик назоратининг илмий-назарий асослари, унинг таърифи, ушбу тушунча назарий ёндашув асосида атрофлича ёритилган илмий мақолалар, адабиётларни учратиш қийин. Илмий адабиётларга назар ташланса, жамоатчилик назоратининг у ёки бу кўриниши назарий ёки эмпирик жиҳатдан таҳлил этилганлигига гувоҳ бўлиш мумкин.

Гарб олимларининг қарашларида жамоатчилик назорати аксарият ҳолларда бирор-бир соҳада амалга ошириладиган назоратни англатади. Жумладан, америкалик социолог Травис Хирски (Travis Hirschi) жамоатчилик назоратини, асосан, жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши кураш нуқтаи назаридан талқин қиласи. Унга кўра, ижтимоий сўровлар жамоатчилик назоратини шакллантиради ва аксилижтимоий характерга эга бўлган хатти-харакатларни тартибга солади .

Бошқа бир америкалик социолог Чарльз Кулей (Charles Horton Cooley) ҳам мазкур фикрни давом эттирган ҳолда, жамииятдаги иллатларни бартараф этишда жамоатчилик назорати муҳим ўрин тутиши, мавжуд хуқуқбузарликларнинг олдини олишда у самарали хизмат қилишини таъ-

Hirschi, T. Causes of delinquency. New Brunswick, N.J.: Transaction Publishers. 2002.

кидлайди. Бу ҳодиса жамиятда ўзига хос рақобат мухитини вужудга келтириши билан бирга, ўзига хос тарзда ижтимоий виждонни шакллантиришга ҳам хизмат қиласди.² Айни вақтда, жамоатчилик назоратини амалга оширишда давлатнинг роли ҳам жуда муҳимлигини эсда тутиш лозим. Гарчи асосий назорат объекти давлат бўлишига қарамасдан, давлат умуммиллий манфаат нуктаи назаридан жамоатчилик назоратига йўл бермаса, унинг самара бериши қийин. Қудратли миллий етакчилар раҳбарлик қилаётган баъзи мамлакатларда жамоатчилик назоратининг самарадорлигини таъминлайдиган омил айнан давлат раҳбариdir. Бу борада америкалик антрополог Рут Бенедикт (Ruth Benedict) шундай ёзади: “Якуний жамоатчилик назоратини кишиларнинг ўзларига ташлаб қўйишнинг ўзи кишиларга эркин ҳаёт кечиришлари учун кафолат бўла олмайди. Ўзларини эркин, демократик жамиятда ҳис этаётган, аммо кучли етакчи ёки қиролга эга бўлган жамиятлар барча фуқаролар учун умумий бўлган баъзи эркинликларни кафолатлашдек умумий хусусиятга эга”.³

Фарб олимларининг бошқа таърифларида жамоатчилик назорати ижтимоий ҳамкорликнинг асосий воситаси ҳисобланади. У ижтимоий вазиятни барқарорлаштириш учун хулқ-автор, инсонлараро муносабатлар ва тартиб-интизомни назорат қиласди.

Ҳар бир киши жамиятда яшар экан, мавжуд қоидалар ва қадриятларга бўйсуниш, меъёрларга амал қилишга мажбур. Айнан ана шу меъёрларнинг амал қилиши учун жамоатчилик назорати зарур, бу ижтимоийлашувни келтириб чиқариб, ижтимоий муносабатларни уйғулаптиради ва жамиятда бирликни юзага келтиришга хизмат қиласди. Жамиятда меъёрларнинг амал қилиши унинг аъзолари томонидан қабул қилинганлигини англаатади. Уларга

² Dictionary.Reference.Com

³ Benedict, R. /An Anthropologist at Work. Part 4, (1959). From a paper «Primitive Freedom», written in 1942.

амал қылмаганларни жамоатчилик назорати аниқлайды ва жавобгарлыкка тортади.

Мұмтоз сиёсатшунослардан Ж.Ж.Руссонинг тадқиқоттарига ассо slanilса, давлат ва жамият ўртасидаги назорат фақатгина ўзаро келишув ассосида амалға оширилиши мүмкін. Үнга күра, “жамиятда ижтимоий бирлікнинг шундай шаклини топиш керакки, у ҳар бир аъзонинг шахси ҳамда мулкини чегаралаш ва ҳимоялашға қодир, унинг ёрдамида оммага қўшилган ҳар бир киши факат ўз-ўзига бўйсуниши ва аввалгидек эркин бўлиб қолиши керак. Ижтимоий келишув бажарадиган асосий вазифа ана шундан иборат”¹.

Баъзи олимлар жамоатчилик назорати борасида суистельмолчиликка йўл қўйилишини мисол келтиришади. Жумладан, таниқли америкалик олим СХантингтон АҚШда қуролли кучлар устидан фуқаролик назорати ўрнатиш масаласида доимо Конгресс ва Президент ўртасидаги мунозарага эътибор қаратади. Президент жамоатчилик назоратини Президент назорати билан тенглаштиради ва Конгрессда аъзоларнинг кўплиги қуролли кучлар устидан ўрнатиладиган назоратнинг самарасизлигига олиб келишини рўкач қиласи. Конгресс эса, ўз навбатида, бу фикрга қарши чиқиб, Президент ҳарбий маслаҳатчиларга тобе эканлигини таъкидлаган ҳолда, ўзини Президентдан кўра халқча яқин “хис” этади ва жамоатчилик назоратини конгресс назорати билан тенглаштиради. Кўриниб турганидек, гап ҳокимиютни қуролли кучлар ва фуқаролар ўртасида тақсимлаш эмас, балки қонун чиқарувчи ва ижро ҳокимиюти ўртасида тақсимлаш устидаги кетмоқда.² АҚШда Қуролли кучлар жуда муҳим институт бўлган-

¹ Umar Farooq. What is Social Control Meaning Definition and Characteristics. Studylecturenotes.Com. Saturday, 10 March 2012.

² Руссо Ж.Ж. Об общественном договоре. Трактаты / Пер. с фр. - М.: «КАНОН-пресс», «Кучково поле», 1998. – С. 416.

³ Huntington S.P. The Soldier and the State: The Theory and Politics of Civil-Military Relations. Belknap/Harvard, Cambridge, 1985. – P. 30.

лиги туфайли уни назорат қилишда ҳокимият бўғинлари халқнинг иштирокисиз ўзаро мунозарага киришади. Гарчи халқ бу жараёндан тўлиқ бохабар қилинмаса-да, ушбу ҳолатда фуқаролар номидан иш кўрилади.

Ижтимоий вазиятдан келиб чиқсан ҳолда жамоатчилик назоратининг турли кўринишлари вужудга келади. Ривожланмаган жамиятларда эътиқод ёхуд анъаналар жамоатчилик назоратини таъминлаш учун етарлидир. Қишлоқ жойларда эътиқод, бидъат, меъёрлар, анъана ва удумлар жамоатчилик назоратини амалга оширишга хизмат қилса, замонавий жамиятда эса жамоатчилик назоратини амалга оширишда полиция, армия, университетлар, газета, радио ва бошқа фуқаролик институтларидан фойдаланилади.

Социологик нуқтаи назардан ёндашилганда, жамоатчилик назорати бевосита ва билвосита, ижобий ва салбий, куч ёки тавсия воситасида, англанган ёки англанмаган, расмий ёки норасмий, яратувчи ва бузгунчи, табиий ёки сунъий кўринишларда намоён бўлади.

Оила, қариндошлар ёки маҳалла томонидан тарбия кўринишида, у ёки бу салбий хатти-ҳаракатни қоралаш ёки аксинча, ижобий ахлоқ, интизомни эътироф этиш орқали амалга оширилган назорат бевосита назорат дейилади. Билвосита назорат деганда, жамият аъзолари, миллий, диний урф-одатлар, анъаналар ёрдамида амалга ошириладиган тарбиявий жараён назарда тутилади.

Жамоатчилик назорати ижобий ва салбий характерда намоён бўлиши мумкин. Ижобий кўринишдаги назорат жамият томонидан у ёки бу хатти-ҳаракатни тан олиш, улуғлаш, ташвиқ қилиш тарзида амалга оширилса, иккинчи тарафдан, салбий хатти-ҳаракатларни қоралаш, жазолаш, қаҳр-ғазаб кўринишида амалга ошириладиган назорат салбий характерда намоён бўлади.

Куч воситасида амалга ошириладиган жамоатчилик назорати деганда, жамоа аъзоларининг у ёки бу шахс ёки шахслар гурухининг ножӯя хатти-ҳаракатига турли тадбирлар

воситасида, масалан, маҳаллий ОАВдаги чиқиш ёки маҳалла йигилишларида мажбуран чек кўйилиши тушунилади. Тавсиявий жамоатчилик назорати деганда, бирор-бир ижтимоий фойдали анъаналик жамоа аъзолари орасида ташвикот қилиш ва жорий этиш назарда тутилади.

Англанган жамоатчилик назорати деб унинг жамият томонидан режа асосида, маълум муддат давомида амалга оширилишига айтилади. Жамиятда мавжуд урф-одатлар, миллий ёки диний анъаналар воситасида амалга ошириладиган назорат англанмаган жамоатчилик назорати дейилади.

Давлат институтлари томонидан қабул қилинган расмий меъёрлар воситасида амалга ошириладиган назорат жамоатчилик назоратининг расмий шакли бўлса, жамоа аъзолари ёки маҳалла етакчилари томонидан танқид, салбий ижтимоий фикрни шакллантириш орқали амалга ошириладиган фаолият норасмий назорат дейилади.

Ижтимоий ислохотларни амалга ошириш ва натижаларини турли тарбиявий воситалар ёрдамида тарғиб қилиш жараёнида жамоатчилик назоратининг конструктив моҳияти намоён бўлади. Цензуранинг турли усуllibari, пўписа билан амалга ошириладиган назорат бузгунчи кўринишига зга бўлади.

Сунъий назорат деганда, шахс ёки гурухнинг жамият аъзоларининг тавсиясисиз амалга оширадиган хатти-ҳаракати тушунилади. Бундай назорат ўз-ўзини назорат қилиш ҳам дейилади. Жамият томонидан мажбурий равища, кўркув ёки уят ҳиссини туйдириш орқали амалга ошириладиган назоратда унинг табиийлиги намоён бўлади.

Демак, жамоатчилик назорати ижтимоий муносабатларни тартиба солишида муҳим институт экан, мамлакатимиз раҳбари илгари сурган Концепция нуктаи назаридан давлат ҳокимияти устидан ўрнатиладиган жамоатчи-

⁷ Umar Farooq. <http://www.studylecturenotes.com/social-sciences/sociology/281-types-of-social-control/>

лик назоратига эътибор қаратиш муҳим аҳамиятга эга. Ҳокимият хатти-ҳаракатларини назорат қилиш қадимдан жамият тараққиётида муҳим ўрин тутиб, олимлар “қонунга эмас, балки зўравонлик таҳдидига таянган назоратсиз ҳокимиятдан хавфлироқ нарса йўқ” эканлитини таъкидлашади. Бундан ташқари, “жамиятнинг ҳокимият устидан назорат ўрнатишга қодирлиги фуқаролик жамиятининг белгисидир. Фақат ҳуқуқий шаклга эга бўлган назораттина ҳокимиятни ҳуқуққа бўйсундиради ва факат фуқаролик жамияти шароитидагина давлат “ҳуқуққа тебе” бўлиб, “ҳуқуқий давлат” мақомига эга бўлади.”¹⁰ Бундай фикрлар ҳуқуқий давлатчилик барпо этаётган Ўзбекистон Республикаси учун жамоатчилик назорати тўғрисида қонун қабул қилиши тўғрисидаги ташаббуснинг нақадар муҳимлигини намоён этади.


Давлат бошқаруви соҳасида жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг зарурлиги қадимги файласуфлар томонидан ҳам асослаб берилган. Раҳбарларнинг ҳалқ томонидан назорат қилиниши сиёсий барқарорлик ва давлат тараққиётининг омили эканлиги Арастунинг тадқиқотларида учрайди. Давлатни фуқаролар, давлат ҳамда мансабдорлар иттифоқи сифатида талқин қилган Ш.Монтескье, унинг ҳукуматсиз мавжуд бўла олмаслигини таъкидлайди. Унга кўра, қонунлар фуқароларнинг ҳукумат фаолиятини назорат қилишига имкон яратади.¹¹

Маълумки, шўро давридаги адабиётларда жамоатчилик назоратига оид тадқиқотлар ўта мафкуравийлашганлиги билан ажralиб турган. У пайтда жамоатчилик назорати “социалистик назорат”, “партия назорати”, “халқ назорати” деган атамалар билан ифодаланган.

¹⁰ Панарин А.С. Глобальное политическое прогнозирование. – М.: Статут, 2008. – С. 218.

¹¹ Лучин В.О. Конституционный строй России: основные политико-правовые характеристики // Право и политика. 2006. №10. – С. 27–31.

¹² Каранг: Зубарев С.М. Понятие и сущность общественного контроля за деятельностью государственных органов // Административное право и процесс. 2011. № 5. – С. 5.



Манбаларда берилган илмий таърифларга эътибор қаратсак, жамоатчилик назорати фуқаролик назорати деб ҳам юритилишига гувоҳ бўламиз. Фуқаролик назорати – нодавлат бирлашмалари ва алоҳида фуқаролар томонидан, давлат бошқаруви органлари ёки улардаги мансабдор шахслар томонидан инсон ҳукуқларининг поймол этилишини аниқлаш ва уларни олдини олиш, одамларни ана шундай суиистеъмолликлардан ҳимоялаш, шунингдек, ҳукуқ, давлат ва жамият бошқарувини такомиллаштириш ҳамда адолатни таъминлашни ифода этадиган фаолият¹¹.

Яна бир манбада “давлат бошқаруви соҳасида бирор-бир маҳсус вазифани бажариш жараёнида турли усуллар воситасида амалга ошириладиган умумий, кумулятив фаолият” давлатни назорат қилиш тарзида тушунилади¹². Ижтимоий бошқарув тизимларида назорат қайтма алоқанинг (feedback) муҳим шакли бўлиб, унинг ёрдамида давлат органлари мамлакатдаги ҳақиқий ҳолат, қарорларнинг бажарилиши ҳақида маълумотта эга бўлишади.¹³

Юқоридаги таърифларга асосланган ҳолда, ваколатли фуқаролик институтлари томонидан давлат ҳокимияти органлари фаолиятида қонунийликни таъминлаш мақсадида амалга ошириладиган ижтимоий назоратни давлат ҳокимияти устидан жамоатчилик назорати сифатида тушуниш мумкин. Яъни, жамоатчилик назорати фуқаролар ва фуқаролик жамияти ваколатли институтларининг тизимли фаолияти бўлиб, у давлат бошқарув органлари фаолиятининг меъёрий-ҳукуқий мезонларга мослигини белгилаш, юзага келган қонунбузарлик ҳолатларини давлатнинг тегишли органларига мурожаат қилиш орқали

¹¹ Гончаров А.А. Гражданский контроль над органами власти. – М.: Издательство “Весь Мир”, 2010. – С. 13.

¹² Чиркин В.Е. Государственное управление. – М.: Норма, 2007. – С.250.

¹³ Бахрах Д.Н. Административное право России. – М.: Норма, 2009. – С.712.

ёки жамоатчилик фикрита таянган ҳолда бартараф этишдан иборат.

Давлат органлари устидан амалга ошириладиган жамоатчилик назоратининг умумий жиҳатлари қўйидагилар:

- ҳокимият томонидан жорий этилмайди;
- ҳукуқий кўринишда ёки мажбурий хусусиятта эга эмас;
- давлат бошқаруви органларининг жамоатчилик назорати субъекти бўла олмайди;
- жамият ва фуқаролар номидан амалга оширилади¹⁴.

Жамоатчилик назоратининг ўзига хос жиҳатлари ҳам мавжуд:

биринчидан, жамоатчилик назорати жамият аъзоларининг манфаатлари ва эҳтиёжларини умумий ижтимоий иродага жисплаштирган ҳолда жамият ёки унинг алоҳида институтларига таъсир кўрсатиш шакли сифатида намоён бўлади;

иккинчидан, жамоатчилик назорати турли ижтимоий гуруҳлар манфаатини мувозанатлаш ва бу манфаатларнинг ўзаро тўқнашувига йўл қўймасликнинг асосий воситаси ҳисобланади;

учинчидан, энг долэарб масалаларни ҳал этишда жамиятнинг истак ва интилишларини бирлаштириш ҳамда мувофиқлаштиришнинг усули ҳисобланади;

тўртинчидан, жамоатчилик назорати ижтимоий меъёрларнинг бажарилишини кафолатлайди, қонунбузарликларни аниқлаб, уларни қоралашдан, то мажбурий чоралар қўллашни таъминлашгача бўлган фаолиятни амалга оширади;

бешинчидан, жамоатчилик назоратини амалга ошириш ҳар қандай жамиятга хос бўлган ваколат бўлиб, унинг асосий институтларидан бири ҳисобланади.¹⁵

¹⁴ Гриб В.В. Общественная палата Российской Федерации как орган общественного контроля // Юридический мир. 2010. N 3. – С. 10-16.

¹⁵ Гончаров В., Ковалева Л. Об институтах общественного контроля органов исполнительной власти в Российской Федерации // Власть. 2009. № 1. – С. 72.

А.А.Гончаровнинг «Давлат органлари устидан фуқаролик назорати» китобида давлат органлари устидан амалга ошириладиган жамоатчилик назорати фуқаролик назорати деб номланган ва унда қуидаги 11 асосий тамойил кўрсатилган:

1. *Ижтимоий бирлашмаларнинг эркинлиги.* Ижтимоий бирлашмалар фуқаролик назоратининг асосий субъекти бўлганлиги туфайли бу тамойил энг муҳим аҳамиятта эгадир. Фуқаролик назорати оммавий тусда ва пухта ташкилий асосга эга бўлган тақдирда самарали бўлади.

2. *Мустақиллик.* Фуқаролик назоратининг таъсирчанигини таъминлашнинг асосий шарти унинг мустақиллигидир. Фуқаролик назорати фақат ўз тамойилларига бўйсуниши, давлат органлари ҳамда бошқа таъсирлардан холи бўлиши зарур.

3. *Адолат.* Адолат фуқаролик назорати учун ҳам тамойил, ҳам мақсад, ҳам натижা бўлиши зарур. Адолат фуқаролик назоратини олиб бораёттан ҳар қандай субъектнинг ўзи учун ҳам, улар томонидан давлат органлари фаолиятини баҳолаш учун ҳам асосий мезон бўлиши зарур. Адолатнинг ўрнатилганлик даражаси фуқаролик назоратининг самарадорлигининг кўрсаткичи бўлиб хизмат килади. Фуқаролик назорати унинг субъектлари ва обьектларининг ирки, жинси, фуқаролиги, этник ва ижтимоий келиб чиқиши, мулкий ва бошқа ҳолатлари, мансаби, касб тури ва характеристи, яшаш жойи, тили, дини, сиёсий ва бошқа эътиқодидан қатъи назар, холислик билан амалга оширилади.

4. *Тўлиқлик.* Ўзаро алоқадорлик нуқтаи назаридан фуқаролик назорати барча бўғинларда давлат бошқаруви органлари фаолиятининг ҳамма соҳаларини қамраб олиши ва жамият ҳаётининг ҳар бир соҳасида мавжуд бўлиши зарур. Давлат бошқаруви органлари у ёки бу хатти-ҳаракатларига баҳо беришда исботлаш нуқтаи назаридан ҳам фуқаролик назорати тўлақонли бўлиши даркор.

5. Қулайлик. Фуқаролик назорати тизимида бўлишни истаган ҳар қандай шахс бундай имкониятга эга бўлиши керак. Ҳукуқлари поймол бўлган барча кишилар ва бошқаларнинг ҳукуқларини ҳимоялашга бел боғлаган ҳар қандай фуқаролар учун назорат қулай бўлиши зарур. Бунинг учун назорат аввало ахборот нуқтаи назаридан қулай бўлиши керак, шу туфайли мазкур тамойил ошкоралик ва оммавийлик билан чамбарчас боғлик. Фуқаролик назорати тизимида ортиқча расмиятчилик ва қоғозбозлик бўлмаслиги талаб этилади.

6. Объективлик. Фуқаролик назорати давлат бошқаруви органлари фаолиятини объектив баҳолаш ва жамият манфаатларига хизмат қилишга қаратилиши керак. Фуқаролик назоратини жамият манфаатларига зид келадиган хусусий манфаатларни рўёбга чиқариш куроли сифатида қўлланилишига йўл қўймаслик керак.

7. Исполнительлик. Фуқаролик назорати ҳаққоний фактлар ва испботлар асосида амалга оширилиши зарур. Давлат органи фаолиятининг ноконунийлиги ҳаққоний испботланиши керак. Бу тамойил тўлиқлик ва объективлик тамойиллари билан чамбарчас боғлик бўлиб, фуқаролик назорати учун тўлақонли испот талаб этилади.

8. Очиклик. Фуқаролик назорати субъектлари фаолияти очик характерга эга. Фуқаролик назорати субъектларининг ҳар қандай ҳаракати барча учун очик бўлиши зарур. Ёник кўринишдаги фуқаролик назоратига йўл қўйилмайди.

9. Оммавийлик. Назоратнинг ҳар қандай субъекти жамият манфаатлари йўлида ва жамият номидан фаолият юритади, шу туфайли фуқаролик назорати оммавий фаолият ҳисобланади.

10. Фуқаролик фаоллиги. Фуқаролик назоратининг изчиллиги ва самарадорлиги ушбу фаолиятни олиб бораётган субъектларнинг онглилиги ва фаоллигига боғлик. Фуқаролик онги қанчалик паст бўлса, давлат органлари томонидан манипуляция қилинишига кўпроқ мойил бўладилар ва аксинча. Жамиятдаги ҳар бир аъзо жамият би-

лан ўзининг чамбарчас боғлиқлигини ҳис этиши ва сиёсий ҳаётнинг фаол иштирокчиси бўлиши керак. Ҳар бир киши нафакат ўз фаолияти, балки ўзи яшаб турган мамлакатнинг давлат органлари фаолияти учун ҳам масъулият сезиши даркор.

11. *Динамиклик*. Фуқаролик назорати доимий ривожланиши ва янгиланишида. Унинг вазифалари, шакллари, усуллари, механизмлари аниқ шарт-шароитларга кўра ўзгариб туради. Жамоат назоратининг мавжуд тизими эскириши билан у янгиси билан алмапинади. Шундай қилиб, ташкилий шакллар ўзгариб борса-да, жамоатчилик назорати ижтимоий-сиёсий ҳодиса сифатида мавжуд бўлиб қолаверади. Фуқаролик назорати диалектик тамойилларга мос равишда қурилади, амалга оширилади ва ривожланади¹⁶.

Жамоатчилик назорати ижтимоий фаолиятнинг тури соҳаларида: оиласвий муносабатлар, маданият, анъаналар, ахлоқий муносабатлар, шунингдек, давлат ҳокимиятини шакллантириш ва амалга ошириш жараённада амал қилиши мумкин. Жамоатчилик назоратининг бундай тури кўп жиҳатлари билан бошқаларидан фарқ қиласди. Жумладан, жамоатчилик назорати ўз функционал вазифаси, амалга оширилиш шакли, ижтимоий-ҳукуқий табиати билан давлат назоратидан фарқ қиласди.

Ижро ҳокимияти устидан амалга ошириладиган жамоатчилик назорати муҳим аҳамиятга эга. Чунки мазкур назорат жамиятнинг ҳар бир аъзоси учун кундалик эҳтиёжларни қондиришдек зарур бўлиб, ҳокимият билан муносабатларда коррупция, қонунбузарлик ва адолатсизлик ҳукм сурган кўп сонли ходимларга эга бўлган кенг қамровли аппарат билан курашишга тўғри келади¹⁷.

Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти усти-

¹⁶ Гончаров А.А. Гражданский контроль над органами власти. – М.: Издательство “Весь Мир”, 2010. – С. 18-19.

¹⁷ Гончаров В., Ковалева Л. Об институтах общественного контроля органов исполнительной власти в Российской Федерации // Власть. 2009. № 1. – С. 72.

дан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг асосий институтлари сифатида қуидагиларни кўрсатиш мумкин:

· жамиятдаги турли ижтимоий, маданий қатламлар, гурухларнинг манфаатларини ифода этиш мақсадида ташкил этилган сиёсий партиялар;

· сайловларда у ёки бу номзодга овоз берадиган сайловчилар;

· касаба уюшмалари;

· нодавлат жамоат ташкилотлари ва бирлашмалари;

· маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари;

· Ўзбекистон Республикаси Конунчилик палатаси қошидаги Жамоат фонди;

· сайловга оид қонунларнинг бажарилишини назорат қилиш мақсадида жамоатчилик вакиллари сифатида сайловларда қатнашувчи кузатувчилар.

Ижтимоий тараққиётнинг умумий қонунияти жамият тараққиёти натижасида оддий халқ ва ҳокимият ўртасидаги бевосита алоқадорлик йўқолиб боришидан дарак беради. Агар оддий қишлоқда аҳолининг ҳар бир вакили қишлоқ оқсоқоли билан алоқа ўрнатишга имкони бўлса, шаҳарларда ижро ҳокимияти раҳбари билан бевосита мулоқот қилиш эҳтимоли ниҳоятда чекланган. Бундай ҳолатда давлат ва аҳоли ўртасида воситачилар вужудга келиб, улар бир тарафдан халқнинг хоҳиш-истакларини “юкори”га етказиш, бошқа тарафдан эса ҳокимият кўяётган талабларни халқка етказиш билан машгул бўлишади. Шу нуқтаи назардан, халқ ва ҳокимият ўртасидаги ўзаро алоқадорликнинг икки шакли мавжуд:

1. Кичик социал тизимларга хос бевосита алоқадорлик.

2. Ҳокимият ва жамият ўртасидаги ўзаро муносабатларни таъминловчи жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва ҳоказолар тарзидаги ўзига хос воситачилардан иборат билвосита алоқадорлик.

Агар оммавий ахборот воситалари ва жамоат ташкилотлари молиявий жиҳатдан давлатга бевосита боғлиқ бўлса, тобелик ҳолати юзага келади. Натижада, бундай

фуқаролик институтлари ҳокимиятни назорат қилишнинг тўлақонли воситаси даражасига кўтарила олмайди. Зоро, моддий маблағ билан таъминлайдиган ижро ҳокимиятини назорат қилишнинг ўзи жуда мураккаб бўлиб, бундай оммавий ахборот воситаларининг раҳбари ҳам ўзини қайсиридан маънода давлат мансабдоридек “ҳис” қиласди. Бу эса ўз-ўзидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш самарадорлигига путур етказади.

Мумтоз сиёсатшунослар фуқаролик соҳаси дастлаб Лондон, Париж ва Европанинг бошқа шаҳарларидағи клублар, салонлар, қаъвахоналарда вужудга кела бошлиганини қайд этишади. Айнан шундай жойларда сиёсий мавзуларда оммавий баҳс-мунозаралар олиб борилган бўлиб, улар айнан фуқаролик муносабатларининг дастлабки институционал шакллари ҳисобланади. Фуқаролик жамияти институтлари ўз табиатига кўра, ўз-ўзини бошқаришга асосланган бўлиб, уларнинг айнан ҳордик чиқариш ёки ўйинлар билан боғлиқ жойларда вужудга келганилиги бунга яққол мисол бўла олади.¹² Яъни бизда маҳалла гузарлари ва чойхоналар бўлса, Европада клублар жамоатчилик назоратини амалга ошириш институти бўлган. Бирок улар самарадорлиги нуқтаи назаридан бирбиридан фарқ қилган. Ю.Хабермас таъкидлаган Европадаги клубларда ўша даврда шаклланган индустрисал жамиятнинг мулкдорлари тўпланишган ва уларнинг давлатга нисбатан таъсири кучли бўлган. Марказий Осиёдаги гузарларда эса йирик ишлаб чиқарувчилар эмас, балки аграр жамиятнинг маҳалла аъзолари тўпланишган. Уларнинг давлат ҳокимиятини назорат қилиш ёки унга таъсир кўрсатиш қобилияти, албатта, заиф бўлган.

Жамоатчилик назорати органлари ўзларига бевосита берилган алоҳида ваколатта эга змас. Улар, одатда, давлат органлари орқали ёки ижтимоий фикрга таянган ҳолда

¹² Денежкин А. «Фактичность и значимость» Ю. Хабермаса: новые исследования демократического правового государства // Хабермас Ю. Демократия. Разум. Нравственность. – М., 1995. – С. 9.

ҳаракат қилишади. Бу жамоатчилик назорати субъектлари ҳам ҳуқуқий, ҳам ижтимоий назорат механизмларидан тенг маънода фойдаланишлари мумкинлигини ифода этади. Дастраслабки ҳолатда жамоатчилик назорати субъектлари давлат органлари ёки мансабдор шахслар томонидан йўл қўйилган қонунбузарлик аниқланган тақдирда ҳуқуқий механизмлардан фойдаланади. Хусусан, жабрланувчи тарафнинг конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат эттан ҳолда тегишли чоралар кўрилади.

Бошка ҳолатда давлат мансабдорлари фаолиятида аниқланган қонунбузарликка ижтимоий фикрга таянган ҳолда назорат таъсири ўтказилади ва тегишли чора кўришга мажбур этилади. Жамоатчилик назорати институтлари маънавий-ахлоқий меъёрлар негизига қурилган мазкур ижтимоий институтни қўллаган ҳолда ҳуқуқбузарликларни кенг оммага маълум қилиб, ҳуқуқбузарга нисбатан салбий муносабатни шакллантиради. Кўпинча, давлат томонидан кўрилган жазо чораларига нисбатан оммавий салбий муносабат, халқ ғазабининг таъсири кучли бўлади. Бундан ташқари, ҳокимиятдаги суистеъмолчиликнинг ошкор қилиниши нафақат халқнинг нафратини уйғотиши, балки олий мартабали шахслар (масалан, давлат раҳбари ёки ижро ҳокимияти раҳбари)нинг бу масалага аралашувига ҳам олиб келиши мумкин.

Давлат назорати ва жамоатчилик ўртасидаги ўзаро чамбарчас алоқадорлик назоратнинг бу икки тури бирбирининг ўрнини эгаллай олмаслигини кўрсатади, айни вактда, назоратнинг ягона мақсади йўлида ўзаро таъсиралишини таъминлайди. Ушбу алоқадорлик давлат ҳокимияти, унинг марказий идораси ва фуқаролар ўртасидаги низоларни аниқлашда мухим аҳамиятга эга. Давлат органлари ўз фаолиятида кўпинча жамоатчилик назорати субъектлари томонидан берилган маълумотлардан фойдаланса, жамоатчилик назорати ўз вазифасини давлатнинг тегишли органларига мурожаат этиши орқали бажаради. Давлат ва жамоатчилик назорати ўртасидаги ўзаро

ҳамжиҳатлик жамият ва ҳокимииятга давлат бошқаруви соҳасида мавжуд бўлган ва ечимини кутаётган зиддиятлар тўғрисида объектив маълумот олишга ҳамда уларнинг мақбул ечимини топишга хизмат қиласи. Бу эса фуқаролик жамияти ва демократик давлатчиликнинг эҳтиёжларига жавоб берадиган давлат органлари тизимини ривожлантиришнинг янги йўлларини излаб топиш ва мавжудларини такомиллаштиришга ёрдам беради.

Айни вактда, таъкидлаш керакки, жамоатчилик назорати институтининг шаклланиши жараёнида давлатнинг роли уларга кўмаклашиш даражасидан ортмаслиги керак. Жамоатчилик назорати айнан давлат институтига қаратилтганлигини унутмаслик керак, ушбу мутаносиблигнинг бузилиши мазкур институтнинг шаклланирилишида субъективликка йўл очади.

Давлат фуқаролик институтларининг ихтиёрий тарзда вужудга келиши жараёнига аралашса, уларнинг моддий-техник асослари ва мувофиқлаштириш вазифаларини белгилаб берса, уларни табиий равишда ўз назоратига олади. Бу эса уларнинг ихтиёрий шаклланиши борасида ги асосий негизига путур етказади. Шуни таъкидлаш керакки, жамоатчилик назоратини амалга оширадиган институтларнинг асосий мақсади давлат органлари фаолиятини факат танқидий нуқтаи назардан назорат қилишдангина иборат эмас. Фуқаролик институтларининг фаолияти уларнинг моҳиятан жипслиги ҳамда халққа норасмий таъсир кўрсатиш қобилияти туфайли давлатга кўмак беришга ҳам қаратилган.

Жамоатчилик назоратини мезон нуқтаи назаридан ўрганиш мухим. Бу мезонлар куйидаги кўринишларда бўлади: *тизим доирасида, тизимлараро миқёсда, сиёсий назорат ва жамоатчилик назорати*. Сиёсатшунослик фанида, одатда, давлатнинг назоратчилик функциясига алоҳида ургу берилмайди. Демократик давлатларда ҳокимиият уч бўғинга бўлинганлиги туфайли улар бир-бирини мувозанатда ушлаб, қайсиdir маънода “жиловлаб туриши”

назоратни амалга ошириш сифатида кўрсатилади¹⁰. Аслини олганда, демократик давлатларда халқ сайловлар жараёнини кузатиш давомида ҳамда бошқа жамоавий шаклдаги фаолиятида сайлаб қўйилган давлат органлари фаолиятига баҳо беради. Айни вақтда, шуни ҳам таъкидлаш керакки, бундай шаклдаги жамоатчилик назорати ривожланган баъзи мамлакатларга хос бўлиб, аксари ят мамлакатларда сиёсий тизим ҳукмрон давлат ва халқ тобе тарзидаги анъанавий муносабатларга асосланган. Гарчи бундай иерархиявий муносабатларга асосланган бўлсада, ушбу мамлакатларда ҳам сиёсий ҳокимиётнинг легитимлиги таъминланган. Бундай ҳолатда, назорат сиёсий бўғинлар ўртасида тақсимланмаган жамоатчилик назорати шаклида ҳам эмас, балки прокуратура институтни орқали амалга оширилади.

Назоратни амалга оширишда баъзи ҳолларда прокуратуранинг мавқеи масаласи ҳуқуқшунослар, сиёсатшунослар, социологлар ва файласуфларнинг, шунингдек, сиёсий арбобларнинг турли баҳс-мунозараларига ҳам сабаб бўлади. Айрим тадқиқчилар маҳаллий ва ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятини тадқиқ қиласар экан, давлат назоратини ижтимоий жараёнларни бошқаришдаги энг муҳим омил сифатида кўрсатишади¹¹. Бошқа манбаларда ҳам қонунларнинг бажарилишини таъминлашда давлат назорати энт самарали институт сифатида қайд этилган¹².

Маълумки, кичик ташкилотларда лавозим йўриқномалари тузилади ва унга кўра, қонун-қоидаларга қандай риоя этилаётгани бевосита раҳбар томонидан назорат қилинади. Ташкилот мураккаблашиб боргани сари бажа-

¹⁰ Автономов А.С. Правовая онтология политики. К построению системы понятий. - М.: ООО «Фирма Инфограф», 1999 г., – С. 271.

¹¹ Зародин В.В. Государственный контроль как фактор социальной организации : Автореф. дис. на соиск. учен. степ. к.соцiol.н. : Спец. 22.00.08 - Саратов, 1999. - 15 с. В.В. Зародин, В.Б. Самсонов. Социальные инновации: организация и контроль – Саратов. Изд-во СГУ, 1999. – С. 207.

¹² К.В. Марков. Государственный контроль / . - М. : Известия, 2004. – С. 402.

риладиган вазифалар кўпайиб боради ва назоратни амалга оширишга ихтисослашган махсус бўлим(лар) ташкил этишга эҳтиёж туғилади. Ижро ҳокимиятига оид вазирлик, қўмита сингари турли идораларни ўз ичига олган давлат бошқаруви ҳақида гап кетганда, ҳар бир вазирлик доирасидаги назорат бўлимларидан ташқари прокуратура сингари мустақил назорат тузилмаларини ташкил этишга эҳтиёж туғилади. Прокуратура қонунларнинг бажарилишини таъминлар экан, кучли тартибга асосланган назорат тизимини жорий этади. Прокуратурадек мустаҳкам ва мустақил назорат тизими мавжуд бўлишига қарамай, жамоатчилик назорати сингари муқобил институтларга эҳтиёж сезилаётган экан, демак, прокуратуранинг ўз вазифасини қонун доирасида тўлиқ ёки самарали ташкил эта олмаётганлиги намоён бўлади.

Инсон ҳукуклари бўйича вакил, яъни Омбудсман институти ҳам прокуратурадан ташқари мустақил мақомга эга бўлган яна бир назорат институти сифатида ташкил этилган. Халқаро демократик амалиётдан кириб келган бу институт ҳам фуқароларнинг мурожаатларига мувофиқ мустақил равишда давлат фаолиятини назорат қиласи. Фарбий Европа тажрибасига кўра, бир мамлакат ҳудудида Омбудсман институти пойтахтда ҳамда ҳудудларда, маҳаллий парламентлар томонидан тайинланган ҳолда, бир нечта бўлиши ҳам мумкин. Бу институт ҳам гарчи назоратни амалга ошиrsa-да, прокуратурадан фарқли ўларок, Омбудсман институтида марказ – ҳудуд тарзидаги тузилма мавжуд эмас. Бундан ташқари, кўптина мамлакатларда Омбудсман институти фуқаролик институтлари билан мустаҳкам алоқа ўрнатганлиги туфайли маъмурий ислоҳотларни амалга ошириш, коррупцияга қарши кураш, катор мамлакатларда давлат хизматчисининг ахлоқий қиёфасини яратиш борасида самарали фаолият олиб борган²².

²² Сунгиров А.Ю. Институт Омбудсмана: эволюция традиций и современная практика (опыт сравнительного анализа). – СПб.: Норма, 2005. – С. 384.

Сиёсий назорат ўзаро рақобатлашувчи сиёсий партиялар ўртасида амалга оширилади. Бунда амалдаги сиёсий партияниң ўз фаолияти даврида электоратга берган ваъдаларини бажариши бошқа сиёсий партиялар томонидан мунтазам кузатилади ва танқид остига олинади. Назоратнинг кўпгина демократик давлатларга хос бўлган бу шакли ўзига хос тарзда ижтимоий тараққиётни таъминлайди. Ўзбекистон шароитида сиёсий назоратнинг ушбу шакли ҳанузга қадар тараққий топганича йўқ. Сайловларда ғалаба қозонган сиёсий партия ёки коалиция ҳукуматни шакллантира бошлаган пайтда сиёсий назорат ҳам ўз самародлигини тўлиқ намоён этади.

Энди назоратнинг жамоатчилик назоратидан иборат энг самарали бўлган шакли ҳақида тўхталиш мақсадга мувофиқ. Гарчи бу институт илмий адабиётларда кўп учрамай, илмий тадқиқотлар предметига айланган бўлмаса-да, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан жамоатчилик назорати борасида қонунчилик ташабbusи илгари сурилди. МДХ мамлакатлари сиёсий ҳаётида ҳам бу институт ўз ўрнини топганича йўқ. Россия Федерацияси, Озарбайжонда айрим соҳаларда жамоатчилик назорати амалга оширилмоқда. Баъзи мутахассислар фикрига кўра, жамоатчилик назорати маълум бир идора доирасида амалга оширилган тақдирда самарали бўлиши мумкин. Жумладан, Нотижорий ҳукуқ ҳалқаро шўъбаси директори Д.Милославскаянинг эътирофига кўра, бундай институт Россия Мудофаа вазирлиги қошида “Аскарлар оналари кенгаши” тарзида ташкил этилган. Оналар мамлакатнинг турли бурчакларида рўй бераётган ҳукуқбузарликлар борасида бевосита вазирга ўз вақтида маълумот етказаётганлиги туфайли кўпчилик ҳарбий қисмларда кенг авж олган “дедовшина” ҳодисасига қарши самарали кураш олиб борилмоқда.

Бундан ташқари, Озарбайжон Адлия вазирлиги қошида ҳибсхоналардаги қонунбузарликларга қарши кураш бўйича худди шундай фуқаролик институти самарали фаолият

олиб бормоқда.²³ Бундай амалиёт жамоатчилик назоратининг самарали эканини намоён этиши билан бирга, мамлакат ижтимоий-сиёсий тараққиётида унинг зарурлигини англатади. Шу нуктаи назардан, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан илгари сурилган Концепциядан ўрин олган жамоатчилик назорати институти ўз вактидаги ташаббус бўлиб, уни илмий жиҳатдан ўрганиш, илмий тадқиқотларнинг мавзусига айлантириш муҳим аҳамиятта эга. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, жамоатчилик назоратининг самарадорлигини оширишда оммавий ахборот воситалари муҳим ўрин тутади, ўз ўрнида, оммавий ахборот воситаларининг ўзи ҳам жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг энг мақбул институти сифатида намоён бўлади. Мамлакатимизда фуқаролик жамияти барпо этилаётган бугунги кунда оммавий ахборот воситаларининг мақсади ва вазифаларини жамоатчилик назоратини амалга ошириш нуктаи назаридан илмий жиҳатдан ўрганиш талаб этилмоқда.

²³ Д.Милославская. Настоящее и будущее законодательного регулирования общественного контроля в России. / “Давлатни демократлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш шароитларида жамоатчилик назоратини амалга оширишда фуқаролик институтлари иштирокининг самарали механизмлари: Ўзбекистон ва хорижий давлатлар тажрибаси” номли халқаро илмий-амалий конференция материалларидан, 2012 йил 14-15 сентябрь.

Жамоатчилик назорати, ижтимоий шериклик ва оммавий ахборот воситалари

Абдуллахажон Бегматов,
ф.ф.д., профессор

Ижтимоий шериклик ва жамоат назорати кенг кулоч ёйиши учун уларнинг оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик қилишлари тақозо этилади. Ижтимоий шериклик ҳам, жамоатчилик назорати ҳам ОАВга катта эҳтиёж сезади. ОАВ эса ижтимоий эҳтиёжларни қондириш учун яратилган. Бундай ҳолат ОАВнинг моҳияти ва вазифалари билан бөғлиқ. Бундан ташқари, ижтимоий шериклик ва жамоат назорати фаолиятнинг шундай турики, улар катта миқдордаги одамлар ўртасида ахборот алмашинувини тақозо қиласиди. Бундай ахборот алмашинуви эса оммавий ахборот воситалари ёрдамидагина амалга ошиши мумкин.

Ижтимоий шериклик ва жамоат назорати бошқа ижтимоий ҳодисаларга нисбатан субъектлар ўртасида мунтазам алоқа ўрнатишга, фаолият натижаларини кенг халқ оммасига етказишга, демак, ОАВга кўпроқ зарурат ва эҳтиёж сезади. Масалан, иқтисод ҳам оммавий ахборот воситалари ёрдамида тез ва самарали ривожланиши мумкин. Лекин у оммавий ахборот воситалари йўқ даврда ҳам мавжуд бўлган ва ривожланган. Ижтимоий шериклик ва жамоат назорати вужудга келишининг ўзи ҳам оммавий ахборот воситалари, хусусан, газета ва журнallлар нашр этиш ривожланган давр – XX асрнинг биринчя ярмига тўғри келади. Бу ҳол тасодифий эмас. Оммавий ахборот воситалари ривожланмаган даврда ижтимоий шериклик

ҳам, жамоат назорати ҳам ривожланиши мумкин эмас эди.

Оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик қилиш ижтимоий шерикликнинг ҳамда жамоат назоратининг моҳияти билан боғлиқ. Ижтимоий шерикликнинг моҳияти ва мақсади катта гурухлар фаолияти билан боғлиқ. Унинг моҳияти ва мақсадини катта гурухнинг барча аъзолари, ҳеч бўлмаганда, уларнинг кўпчилиги билиши ва бу мақсадларга қай даражада эришилаётганидан мунтазам хабардор бўлиб туришлари зарур. Бунга эса оммавий ахборот воситаларисиз эришиб бўлмайди.

“Ижтимоий шериклик” бирикмаси таркибидаги “ижтимоий” сўзининг ўзи ҳам мазкур жараёнда катта миқдордаги одамлар иштирок этишига ишора қилмоқда. “Жамоат назорати” бирикмаси таркибидаги биринчи сўз ҳам бу жараённи кўпчилик амалга оширишини билдирамоқда. Кўриниб турибдики, ҳар икки ҳодиса ҳам жамоавий характеристерга эга бўлиб, кўп сонли одамларнинг иштирокини тақозо этади. Ижтимоий шериклик ҳам, жамоат назорати ҳам белгиланган мақсад, фаолият воситалари, шакл ва усулларини кўп миқдордаги одамлар англашини назарда тутади. Бу эса ўша одамларнинг ўзаро ахборот алмашинувини талаб қиласи. Бундай ахборот алмашинувуни эса оммавий ахборот воситалари таъминлайди.

Ижтимоий шерикликнинг ҳам, жамоат назоратининг ҳам мақсади жамоавий характерга эга экан, бу мақсадларни катта ҳудудларда, бир-биридан олис масофада яшовчи одамлар англаб етишлари, ўз фаолиятини ана шу умумий мақсадга йўналтиришларида ОАВнинг ахборотни тарқатиш орқали одамларни уюштириш функцияси ёрдам беради.

ОАВ билан ижтимоий шериклик ва жамоат назорати ўртасидаги алокадорликда умумий жиҳатлар билан бир қаторда ўзига хос хусусиятлар ҳам мавжуд. Мана шу ўзига хосликни ўрганиш улар ўртасидаги умумийликни тўлароқ англашга ёрдам беради.

Фуқаролик жамияти институтлари тармоғи кенгайиб, мустаҳкамланиб боргани сари ижтимоий шериклик ва жамоатчилик назорати ҳам кучайиб боради. Президент Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида” масала худди шундай тартибда кўйилган: “Бундай ташкилотларнинг обрўси ошиб, мустаҳкамланиб боргани сари фуқаролик жамияти институтларининг давлат ва ҳокимият тузилмалари фаолияти устидан таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги роли жамиятимизда тобора ортиб бормоқда. Бугунги кунда жамоатчилик ва фуқаролик назорати институти жамиятнинг давлат билан ўзаро самарали алоқасини таъминлаш, одамларнинг кайфиятини, мамлакатда кечеётган ўзгаришларга муносабатини аниқлашнинг мұхим воситаларидан бирига айланмокда”¹.

Мамлакатимизда таракқиётнинг демократик йўли танлангани, пролетариат диктатураси ва социалистик революция йўлидан воз кечилгани кун тартибига ижтимоий шериклик масаласини кўндаланг кўйди. Мазкур шароитда ижтимоий шериклик ҳамда жамоатчилик назорати биринчи даражали аҳамият касб этиб, мазкур ҳодисаларни атрофлича ва чуқур ўрганиш тақозо этилади.

Концепция эълон қилингандан кейин ижтимоий шериклик матбуот ва бошқа оммавий ахборот воситаларида марказий ўринлардан бирини эгаллади. Бундай ҳолнинг табиийлиги шундаки, фуқаролик жамияти институтлари миқдор жиҳатдан кўпайгани сари улар ва ҳокимиятлар ўртасида, шунингдек, ўзаро ижтимоий шериклик муносабатлари қарор топмас экан, фуқаролик жамиятини ривожлантириш муаммолигича қолаверади.

Ижтимоий шериклик назарияси Farb олимлари томо-

1 Каримов И. А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2010, 39-бет.

нидан пролетариат диктатураси ва социалистик революция назариясига муқобил назария сифатида ишлаб чиқилди. Farb мамлакатларидағи мулкдор синфлар собиқ Иттифоқ ва бошқа социалистик мамлакатлардаги ҳодисаларни кузатишар экан, 20-йилларнинг охири ҳамда 30-йиллар давомидаги қатағон ва тазийиқларни күриб даҳшатга тушишди. Шүролар тузуми мулкдорларнинг бошига солған күнлар ўзларининг ҳам бошига тушиши мумкинлигидан ваҳимага тушган farblik мулкдорлар жамиятшунос олимларга ривожланишнинг социалистик революция ва пролетариат диктатурасига муқобил бўлган йўлини топишга буюртма беришади.

Мулкдорлар буюртмаси муваффақиятли бажарилди, тараққиётнинг инновацион йўли ижтимоий шериклик назарияси қашф этилди Зоро, ижтимоий шериклик йўлида илк қадамларни қўйиш, шерикликнинг дастлабки шаклларини қўллашга ҳаётнинг ўзи мажбур қилаётган эди.

Farb мамлакатлари аҳолиси собиқ Иттифоқдаги хунрезликларни кўриб даҳшатга тушишган бўлса, мамлакатимиз аҳолиси ана ўша даҳшатларнинг барчасини ўз бошидан ўтказди. Бу даҳшатлар халқимиз онгида бир умрга муҳрланиб қолди. Бироқ ўтган асрнинг 90-йилларида мустақил ҳаётта кириб келган авлод бу даҳшатлардан яхши хабардор эмас, улар ҳақида фақат катталарнинг хотира ва ҳикоялари орқали билар эдилар. Шу сабабли ўша даврлар ҳақидаги ҳақиқатни ёшларга етказиш зарурати туғилди. Мана шу вазифани бажаришда Президент И.А.Каримовнинг “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” китоби катта роль ўйнади. Бу китоб ёшлар онгида пролетариат диктатураси ва социалистик революция ҳамда собиқ шўролар тузумига нисбатан адекват муносабатни шакллантириш, шу орқали ижтимоий шериклик аҳамиятини тушуниш учун муҳим манба вазифасини бажарди.

Ижтимоий шериклик тамойилини мамлакатимиз ҳаётига янада чуқур сингдириш кўп жиҳатдан оммавий

ахборот воситаларига, уларда фаолият юритаётган журналистларимизнинг маҳоратига, эски стереотиплар қоли-пидан чиқа билишига боғлиқ. Бу ўринда шуни ҳам таъкидлаш жоизки, ижтимоий шериклик ғояларини аҳоли орасида кенг тарғиб қилиш учун журналист маҳоратидан ташқари, шу тамойилнинг моҳияти, ҳокимият органлари билан нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасидаги, шунингдек, иш берувчилар билан ишчи ва хизматчилар ўртасидаги муносабатларнинг хусусиятларини чукур билиш ҳам талаб этилади.

Ижтимоий муҳит бир қатор соҳалардан иборат. Ана шу соҳалар ўртасидаги ўзаро муносабатлар йўналиши, даражаси ва жипслик кўп жиҳатдан оммавий ахборот воситалари фаолиятига боғлиқ. Шунинг учун ҳам ОАВ ходимларининг касбий маҳорати ва компетентлигини ижтимоий муҳит, жумладан, ижтимоий шериклик ривожланшининг муҳим шартларидан бири деб баҳолаш лозим бўлади.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида ёқ Президент Ислом Каримов томонидан "Кучли давлатдан - кучли жамият сари" шиори ўртага ташлантан эди. Ўша пайтларда бизни танқид қилувчилар орасида "кучли давлат фуқароларнинг ҳукуқларини чеклайди", деювчилар ҳам топилди. Айни пайтда МДҲга кирувчи мамлакатлардан кўпчилигининг ўтган аср 90-йилларидағи ҳаёти агарда кучли давлат бўлмаса, жамиятда ижтимоий анархия ҳукмрон бўлиб қолишини кўрсатди. Танқидчиларимиз емирилиб кетган маъмурий-буйруқбозлик тизимидан кучли давлатни четлаб, бир сакраб, фуқаролик жамиятига ўтишини тарғиб қилишди. Амалда эса маъмурий-буйруқбозлик тизимидан кучли давлатни четлаб, биратўла фуқаролик жамиятига ўтиш учун ҳаракат қилганларнинг сакраши олдинга эмас, орқага қаратилган бўлади.

Ўзбекистон тажрибаси давлат ва жамиятнинг ўзаро масъулиятли муносабатлари, давлат ва жамият манфатларининг мувозанатига асосланган жамиятни шакллан-

тириш, фуқароларнинг демократик эркинликларини таъминлашнинг дастлабки босқичларида кучли давлат зарурлигини кўрсатди. Айни пайтда, фуқаролик жамияти сари интилиш жараёнида давлат фуқаролик жамияти институтлари фаолиятига ва улар билан ҳамкорлик қилишга эҳтиёж сезади.

МДҲга аъзо ва аъзо бўлмаган бир қатор давлатлар тажрибасининг кўрсатишича, фуқаролик жамияти институтларининг етарли ривожланмаганлиги корпоратив худбинликнинг кучайиши, ҳокимият билан бизнеснинг тил бириктиришига олиб келади. Ривожланишнинг мана шундай номақбул йўлига ўтиб қолишининг олдини олишда оммавий ахборот воситаларининг дадилллиги ва моҳирлиги мухим роль ўйнайди. Чунки ОАВ ижтимоий ҳаёт шаффоғлигини таъминлашга хизмат қиласр экан, номақбул ҳодисаларни дастлабки босқичларида ёқ бартараф этиш учун шароит яратади.

Мамлакатимиз ҳаётига татбиқ қилинган ижтимоий-иктисадий тараққиётнинг ўзбек модели фақат ривожланиш суръатларининг ўсиштагина хизмат қилиб қолмай, мамлакатда ижобий маънавий-руҳий иқлим яратилишига, аҳолининг турли қатлам ва табақалари ўртасида ижобий муносабатлар ўрнатилишига, нодавлат нотижорат ташкилотлар билан ҳокимият органлари ва ОАВ ўртасида шериклик муносабатлари шаклланишига ҳам хизмат қилди.

Мамлакатимизда ижтимоий шериклик муносабатларини ҳаётга татбиқ этишдаги ўзига хосликлардан бири шундаки, бир қатор МДҲга аъзо мамлакатларда бозор муносабатларига ўтиш жараёнида фалаж қилиб даъволаш усули кўйланди, яъни сакраб ўтиш йўли тутилди. Улар бир нарсани ҳисобга олишмадики, бундай сакраш муваффакият билан тутаган тақдирда ҳам, фалаж ҳолита тушган одамларнинг ижтимоий шериклик муносабатларининг моҳиятини тушунишга вакти ҳам, ҳоли ҳам бўлмайди. Бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш эса шерикликнинг моҳиятини тушуниш, англаб этиш учун вакт ҳам, имконият ҳам яратади. Шунинг учун мамлакатимизда ҳокимият

органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасида ижтимоий шерикликка ўтиш учун асос ижтимоий таранглик ва катализмаларсиз амалга оширилди. Таракқиётизмнинг айнан мана шундай тинч ва осойишта йўлдан боришида ОАВнинг роли бенихоя катта. Чунки бир сакраб бозор муносабатларига ўтиш мумкинлиги ҳақидаги хом хаёллар баъзи одамларимиз онгига ҳам таъсир ўтказган эди. Шундай шароитда фалаж қилиб даволаш усулининг хавфли жиҳатлари ва бозор муносабатларига аста-секинлик билан ўтишнинг афзалликларини кенг омма онгига етказиш жуда муҳим аҳамият касб этаётган эди Ана шу муҳим вазифани бажаришда ОАВ жуда муҳим роль ўйнайди. ОАВни эркинлаштириш, мустақил матбуот органлари, радио ва телевидение органлари ролини янада ошириш бўйича мамлакат раҳбарияти томонидан ўтказилган тадбирлар синергетик самара берди ва белгилантан мақсадга эришиш учун имконият яратди.

Мамлакатимизда бозор муносабатларига ўтишда қўлланган усульнинг ўзига хослиги шундаки, ҳокимият органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги шериклик аввал бошданоқ ўзаро ишонч ва ҳамжиҳатликка асосланган. Шунга кўра, бозор муносабатларига ўтишнинг дастлабки даврлариданоқ давлат НИТларни қўллаб-кузватлай бошлади. Бундан ташқари, давлат фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ва бир қатор мустақил ОАВнинг шаклланиши учун амалий ёрдам кўрсатди.

Фарб мамлакатларидағи бозор муносабатларига ўтиш ҳақидаги назарияларда давлат трипартизм тизимида ўтказиладиган музокараларда воситачилик функциясини бажаради, деб таъкидланади. Бундай назарияларга кўра, давлат музокаралар жараёнида пассив кузатувчи бўлиши керак. Ўзбекистонда трипартизм тизимидағи музокараларда давлат кузатувчилик билангина чекланмайди. Ҳозирги кунда у ана шу музокараларнинг ташкилотчиси ҳамdir. Бу фикримизни, аввало, давлат ҳокимияти органлари ижтимоий шериклик ҳақидаги ҳуқуқий-меъёрий хужжатларни қабул қилиши ҳам тасдиқлайди.

Фарб мамлакатларида бундай ҳужжатлар ижтимоий меҳнат тизимида низолар пайдо бўла бошлаганида эмас, балки улар кучайиб, ижтимоий барқарорликка хавф сола бошлаганидан кейин қабул қилинган. Бизнинг мамлакатимизда эса бундай ҳужжатлар мазкур низолар кучайганда эмас, балки улар ҳали вужудга келмасдан аввал қабул қилинди. Чунки давлат ана шундай низоларнинг олдини олишига биринчи даражали аҳамият берди. Ушбу жараёнда ўзбек моделининг давлат бош ислоҳотчи экани ҳақидаги тамойили жуда муҳим роль ўйнади. Чунки, давлат ислоҳотлар жараёни учун зарур бўладиган ҳуқуқий-меъёрий базани олдиндан тайёрлаб олди. Фалаж қилиб даволаш усули қўлланганда эса бундай қилишнинг иложи йўқ эди. Шунинг учун ҳам бошқа мамлакатларда тартибсиз ўтган жараён мамлакатимизда тартибли ўтказилди.

Мамлакатимизда давлат бош ислоҳотчи бўлгани учун ҳам ижтимоий шерикликка ўтиш жараёнининг бошидаёқ ҳуқуқий меъёrlар тайёрланганини инкор этмоқчи бўлган “дўстларимиз” ҳанузгача Ўзбекистонда ижтимоий шериклик тўғрисида қонун қабул қилинган эмас, деб бизни тандид қилмоқчи бўлишади. Бунга жавобан шуни эслатиш лозимки, Фарб мамлакатларидаги “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги қонунларда баён қилинган қоидаларнинг кўпчилиги бизнинг қатор қонунларимиз ва бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларимизда ўз аксини топган. Масалан, ижтимоий шерикликнинг асосини жамоавий музокара ва жамоа шартномалари ташкил этади.

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилда қабул қилинган “Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуннинг 9-моддасида шундай дейилади: “Агар касаба уюшмалари жамоа шартномаси, битими тузишни таклиф қилса, маъмурият, мулкдор ёки улар вакил қилган бошқарув идораси бу ҳақда музокаралар олиб бориши шарт.”

² Ўзбекистон Республикасининг “Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 2002 й. 1-сон.

Ушбу Қонун бундан 20 йил аввал қабул қилинганини яна бир бор эслатиб қўймоқчимиз. Мазкур Қонун ва мустақиллик йилларида фуқаролик жамияти институтларининг ролини оширишга қаратилган 200дан ортиқ меъёрий хужжатлар ижтимоий шерикликни ҳаётга татбиқ қилиш учун хукукий асос ҳисобланади.

Мамлакатимизда ижтимоий шерикликни ҳаётга муваффақиятли татбиқ қилинишига хизмат қилган омиллардан бири мазкур қонунлар қабул қилинишдан аввал кенг муҳокамадан ўtkазилишидир. Масалан, "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги Қонун лойиҳаси Парламентимиз, Касаба уюшмалари Федерацияси, Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари мустакил уюшмаси сайтларига қўйилди, фуқароларимиз у билан танишиб, фикр-мулоҳазаларини баён қилишмоқда. Шу ўринда электрон оммавий ахборот воситаларининг мамлакатимиз ҳаётидаги роли ўсиб бораёттани кўзга ташланмоқда.

ОАВ ролининг бундай ўсиб бориши, бир томондан, ижтимоий шерикликнинг кенг ёйилишига хизмат қилса, иккинчи томондан, жамоатчилик назоратини кучайтиришга ёрдам беради. Шунинг учун ҳам Президент Концепциясида мазкур масалага алоҳида ургу берилди.

Концепцияда давлат ҳокимияти органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлар ўртасидаги, шунингдек, уларнинг хукукий асослари ва оммавий ахборот воситалари билан муносабатларига катта эътибор қаратилади. Ушбу муҳим хужжатда шундай дейилади: "...ган таҳририятларга ҳокимият органлари ва маъмурий тузилмалар томонидан бўлайтган маълум даражадаги босимларни бартараф қилиш билан боғлиқ муаммоли масалаларни ҳал этиш ҳақида бормоқда."

Нодавлат оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, уларнинг ахборот соҳасини демократлаштиришда фаол иштирокини таъминлашга қаратилган кент қамровли институционал ислоҳотлар амалга оширилди.

Ўша манба. 28-бет.

Нодавлат оммавий ахборот воситаларини қўллаб-куватлаш, уларнинг моддий-техник базаси ва кадрлар са-лохијатини мустаҳкамлаш мақсадида бир қанча жамоат ташкилотлари ташкил қилинди. Ўз таркибида 100 дан ортиқ электрон оммавий ахборот воситасини бирлаштирган Нодавлат электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-куватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди шулар жумласидан.

Давлат ҳокимияти органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати ўрнатиш жараёнида оммавий ахборот воситаларининг ролини оширишга қаратилган тадбирлар бугундан бошлангани йўқ. Оммавий ахборот воситалари ролини оширишга қаратилган ҳуқуқий-меъёрий базани яратишга мустақилликнинг дастлабки йилларида нок киришилган эди. Масалан, 1997 йилда қабул қилинган “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги Қонуннинг 9-моддасида шундай дейилади: “Таҳририят ходими мурожаатлардан ёки бошқа манбалардан ўзига маълум бўлган ёхуд ўзи гувоҳ бўлган муайян воқеа, ҳолат юзасидан журналистик текширув ўтказишга, фактларни, гувоҳлик кўрсатмаларини тўплашда аудио ва видеотехникадан фойдаланишга ҳақли.”¹

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 3 июлдаги “Матбуот ва ахборот соҳасида бошқарувни та-комиллаштириш тўғрисида”ги Фармонига мувофик, Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот кўмитаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигига айлантирилиб, ушбу давлат идораси зиммасига “оммавий ахборот воситаларининг мустақил фаолиятига доир конституцияий ҳуқуқлар ва қонунчиликнинг сўзсиз бажарилиши, сўз ва матбуот эркинлиги кафолатланиши мониторингини олиб бориш” вазифаси юклатилди. Мазкур ҳужжатлар омма-

¹ Тўртинчи ҳокимият. – Т.: Мехнат, 2003. 9-бет.

вий ахборот воситаларининг жамият ҳаётидаги ролини ошириш учун тегишли хуқуқий-меъёрий база яратишга қаратилган эди.

Мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари, жумладан, нодавлат ОАВга берилаётган алоҳида эътиборни шундан ҳам билса бўладики, фақат кейинги 10 йилнинг ўзида босма оммавий ахборот воситалари сони 1,5 баробар, электрон оммавий ахборот воситалари сони эса 7 баробар кўпайиб, бугунги кунда уларнинг умумий сони қарийб 1200 тага етди. Мавжуд барча телеканалларнинг қарийб 53 фоизи, радиоканалларнинг эса 85 фоизи нодавлат оммавий ахборот воситалари ҳисобланади.

Мустақил ОАВ сонининг ўсиши ва мавқеининг мустаҳкамланиши жамоатчилик назоратини кучайтиришнинг муҳим шартидир. Шу нуқтаи назардан мамлакатимизда жамоатчилик назоратини кучайтириш учун имкониятлар ортиб бораётганига ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Жамоатчилик назоратининг самарадорлиги кўп жиҳатдан фуқароларнинг ахборот соҳасидаги хукуқ ва эркинликларига боғлиқ Президент Концепциясида муҳим бир масалага алоҳида эътибор қаратилади: “... гап оммавий ахборот воситалари ва давлат ҳокимияти органлари ўртасидаги муносабатларнинг устувор жиҳатларини тўғри белгилаш, жумладан, оммавий ахборот воситалари фаолияти устидан назорат қилишнинг иктиносидай механизmlарини, ахборот манбаларининг ёпиқлигини, шунингдек, таҳририятларга ҳокимият органлари ва маъмурий тузилмалар томонидан бўлаётган маълум даражадаги босимларни бартараф қилиш билан боғлиқ муаммоли масалаларни ҳал этиш ҳақида бормоқда.” Концепцияда мазкур муаммони ҳал этиш йўллари ҳам кўрсатиб берилади:

“Шу боисдан қўйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш ўта долзарб аҳамият касб этмоқда:

Биринчи. «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида» Қонун қабул қилиш зарур. Бу, ўз навбатида, фуқароларнинг ахборот соҳаси-

даги конституциявий ҳуқуқини янада кенгрөң амалта ошириш имкониятини яратиб бериш билан бирга, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг қабул қилинаётган қарорлар сифатини ошириш борасидаги масъулиятини ҳам кўп жижатдан кучайтирган бўлур эди.

Ушбу қонун давлат ҳокимияти органлари фаолияти ҳақида жамоатчиликни хабардор қилиб бориш тартибларини аниқ белгилаб бериши, ахолининг, жамоат бирлашмаларининг давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинаётган қарорлар, авваламбор, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари билан боғлиқ қарорлар ҳақида ахборотлардан кенг хабардор бўлиб боришини таъминлаши лозим.

Иккинчи. Демократлаштириш жараёнларида аҳамияти тобора ортиб бораётган ахборот коммуникациялари соҳасининг энг муҳим тармоқларидан бири бўлган телерадио тизимини ривожлантиришга қаратилган «Телерадиоэшиттиришлар тўғрисида» Қонун қабул қилиш ҳақида таклиф киритилмоқда.

Маълумки, ҳозирги вақтда ушбу соҳадаги фаолият оммавий ахборот воситалари, радиочастота спектри, телекоммуникациялар, ахборотлаштириш тўғрисидаги қонунларнинг муайян моддалари билан тартибга солиб келинмоқда.

Шу билан бирга, телерадиоэшиттиришлар соҳасини мустақил қудратли индустрiya сифатида қайта ташкил этиш, телерадиоэшиттиришларнинг янги шакл ва турларининг пайдо бўлиши телерадиодастурларни тайёрлаш ва узатиш жараёнида юзага келадиган муносабатларни тизимли ва кенг кўламли равиша тартибга соладиган яхлит қонунни кучга киритиш заруратини туғдирмоқда.

Учинчи. Оммавий ахборот воситалари эркинлиги ва мустақиллигини янада мустаҳкамлаш муаллифлик ҳуқуқлари ва интеллектуал мулкни ишончли ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий кафолатлари ва механизmlарини кучайтириш, ахборот соҳасига бозор механизмларини жорий қилиш билан бевосита боғлиқдир.

Ушбу вазифани амалга ошириш учун «Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида», «Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-куватлаш кафолатлари тўғрисида»ги қонунларни қабул қилиш таклиф этилади.

Тўртинчи. Оммавий ахборот воситаларининг давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик ва парламент назоратини таъминлаш, ҳокимият ва жамоатчилик ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатиш борасидаги ролини кучайтиришга қаратилган самарали ҳуқуқий механизmlарни яратиш мақсадида «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида», «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги ва бошқа бир қатор қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш таклиф этилади.

Бунда, хусусан, давлат ва жамоат бирлашмалари ахборот хизматлари, медиа-тузилмалар ишини фаоллашибдириш бўйича кенг қўламли чора-тадбирларни кўзда тутиш лозим. Оммавий ахборот воситаларининг ахборот олиш юзасидан мурожаатларини кўриб чиқиш муддатларини қўисқартириш, ахборот олиш соҳасидаги қонунчилик талабларини бузганлик учун юридик ва мансабдор шахсларнинг маъмурий жавобгарлигини кучайтириш ва бошқа чора-тадбирларни таъминлашга қаратилган ҳуқуқий механизmlар устида иш олиб бориш зарур».

Президент Концепцияда ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятини кучайтириш, уларнинг давлат ҳокимияти органлари фаолияти устидан назорат олиб бориш фаолиятини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратган: “Маҳаллани аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-куватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оиласий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш, шунингдек, унинг давлат бошқарув органлари фаолияти

Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. -Т.: Ўзбекистон, 2010, 29-30 бетлар.

устидан жамоатчилик назорати олиб бориш тизимидағи вазифаларини янада көнгайтиришга жицдий эътибор қартиш лозим.”⁶

“Ижтимоий шериклик түгрисида”ги ва “Жамоатчилик назорати түгрисида”ги қонун лойиҳаларининг бир пайтда муҳокамага чиқарилгани бежиз эмас. Улар ўзаро узвий боғлиқ ва мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги босқи-чида энг долзарб масалалардан бирига айланди. Мазкур қонуңларнинг лойиҳалари кенг халқ оммасига оммавий ахборот воситалари орқали етказиб берилди. Бу қонун-лар қабул қилинганидан кейин эса уларни мамлакатимиз ҳаётига татбиқ қилишда ҳам оммавий ахборот воситала-рининг роли бекиёс.

⁶ Ўша манба. 42-бет.

Жамоатчилик назорати – фуқаролик жамиятининг муҳим институти

Улугбек Мұхаммадиев,
сиёсий фанлар номзоди

Жамоатчилик назорати жаҳон демократик ҳамжамияти томонидан фуқаролик жамиятининг энг муҳим институтларидан бири сифатида эътироф этилади. Жамоатчилик назорати институтининг мавжудлиги давлат ҳокимијати ва бошқаруви тизими органларининг фаолиятини яна-да такомиллаштиришга, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини давлат органлари, мансабдор шахсларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатларидан ҳимоя қилиш механизмининг самарадорлигини оширишга кўмаклашади.

XX аср ўрталарига келиб, жамоатчилик назоратидан фуқаролик жамияти давлат органлари, мансабдор шахслар фаолияти устидан назорат қилишнинг шакли сифатида фойдаланиш амалиёти бир қатор хорижий мамлакатлар, жумладан, АҚШ ва Европа давлатларида кенг ривож топди.

Аҳамиятли томони шундаки, мазкур мамлакатларда жамоатчилик назоратининг, асосан, қуйидаги турларига алоҳида эътибор қаратилмоқда:

– давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш. Унга кўра, ҳар бир фуқаро давлат органининг ҳужжатлари билан бемалол танишиши мумкин, фуқароларнинг мурожаатлари дарҳол кўриб чиқилиши ва унга зудлик билан жавоб берилиши лозим;

– журналистик суриштирув. Жамоатчилик назоратининг мазкур тури катта самара бермоқда. Қолаверса, ҳозирги кунда журналистик суриштирув олиб боришга ихтисослашган журналистлар ҳамжамияти шаклланган;

- давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариши органларига юбориладиган петициялар;
 - давлат ва жамият ишларида фуқароларнинг бевосита иштирок этиши. Жамоатчилик назоратининг мазкур тури, асосан, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариши органларининг фаолияти орқали, фуқаролар йигини ва мажлислиари, ошкоравий эшитувлар каби шаклларда амалга оширилади;
 - жамоатчилик назоратини шакллантирувчи ва сиёсий элитага таъсир этувчи илмий-тадқиқот, публицистик ва адабий асарларни чоп этишдан иборат. XX асрнинг охиридан Фарбий Европада илмий экспертиза ҳамда тадқиқот шаклида амалга оширилаётган ва ижтимоий аудит деб номланган жамоатчилик назоратининг ушбу турига катта эътибор қаратилмоқда;
 - қонун лойиҳалари ва давлат ҳаётига оид муҳим масалаларни ошкора муҳокама этиш;
 - ҳалқ қонунчилик ташаббуси. Жамоатчилик назоратининг мазкур турига кўра фуқаролар қонун лойиҳасини тегишли субъектларга тавсия этиш хукуқига эгадирлар.
- Маълумки, жамоатчилик назорати мамлакатимизда ўз тарихий илдизларига эга. Чунончи, у азал-азалдан маҳаллалар, оқсоқоллар кенгashi кўринишида амал қилиб келган. Жумладан, ҳар бир оиласда ота-оналарнинг онтига фарзандлари тарбиясига бефарқ бўлмаслик, огоҳ бўлиш каби фазилатлар сингдирилган ва жамоатчилик назоратини амалга оширишда фарзандларнинг масъулияти маълум бир меъёрлар билан белгилаб берилган. Ёши улур кексаларимизнинг айтишича, азал-азалдан бирор-бир маҳаллага нотаниш киши ёки меҳмон кириб келса, унга “Кимсиз?”, “Қаердансиз?”, “Қандай юмуш билан маҳалламиизда юрибсиз?” каби саволлар берилган ва бу жамоатчилик назоратининг бир шакли сифатида намоён бўлган.
- Айни чогда мустақиллик йилларида жамоатчилик назоратига фуқаролик жамиятни барпо этишнинг муҳим институти сифатида алоҳида эътибор берилмоқда. Хусусан,

мамлакатимиизда жамоатчилик назорати институтининг концептуал қоидалари, асослари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг асарлари ва нутқларида баён қилиб берилган.

Давлат ҳокимиияти органлари фаолияти устидан кучли жамоатчилик назоратининг мавжудлiti фуқаролик жамияти барпо этишнинг муҳим шартларидан биридир. Бинобарин, фуқароларнинг фаоллиги, ижтимоий ҳодисаларга бефарқ бўлмаслиги ҳамда ҳар бир давлат хизматчисининг ўз фаолиятини жамоатчилик назорати остида эканлигини чуқур ҳис этиши фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида муҳим аҳамият касб этади. Юртбошимиз шундай деб таъкидлайди: “Шуни унутмайликки, биз давлатнинг назорат функцияларини қанча кучайтирсак, назорат билан шуғулланувчи давлат тузилмалари ва органларини қанча кўпайтирсак, амалдорларнинг зўравонлиги ва коррупция щунча авж олаверади. Шунинг учун биз жамоатчилик назоратини, давлат фаолияти, шу жумладан, унинг куч ишлатувчи тузилмалари фаолияти устидан ҳам жамият назоратини ҳар томонлама кучайтиришга алоҳида эътибор қаратишимииз лозим. Бу масалада бундан бошка мукобил йўл йўқ”.

Фуқаролик жамиятия институтлари томонидан амалга ошириладиган жамоатчилик назорати, авваламбор, жамоат ташкилотлари – сиёсий партиялар, маҳаллий ўз ўзини бошқариш органлари, касаба уюшмалари, нодавлат нотижорат институтлар, истеъмолчилар уюшмалиари фаолиятининг муҳим йўналиши ҳисобланади. Бинобарин, ҳокимият органларининг жамоат ташкилотлари орқали ҳалқ билан мулокоти демократияни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Зоро, ҳокимият органлари ҳалқча ўз сиёсати ва ҳаракатларини тушунтириши, унинг олдида ҳисоб бериши лозим.

¹ Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11-ж. – Т.: Ўзбекистон, 2003. 28-29-бет.

Жамоатчилик назорати жамиятда ижтимоий адолат қарор топиши учун шахс, жамият ва давлат ўртасидаги алоқаларда мувозанат, тенглик, ўзаро масъулият ва жа-вобгарликка хизмат қилувчи асосий омил ҳисобланади. Мазкур институт инсоннинг ҳукуқ ва эркинликлари на-факат давлат томонидан кафолатланганини, балки дав-лат органлари фаолиятида уларнинг устувор аҳамиятга эгалигини таъминлайди ва бунда жамоатчилик назорати-нинг мавжудлиги сиёсий ҳокимиятнинг том маънода ҳалқ қўлида бўлишининг кўрсаткичи ҳисобланади.

Жамоатчилик назоратининг мазмун-моҳиятини қуи-даги йўналишлар асосида тавсифлаш мумкин:

- ҳокимият органлари фаолиятининг доимий тизимли мониторингини олиб бориш;
- ижтимоий муҳим бўлган қарорларни қабул қилишда жамоатчиликнинг иштироки;
- ҳокимият органлари ҳузурида назорат комиссияла-ри, жамоатчилик кенгашларининг ташкил этилиши ва бошқалар.

Фуқаролик жамияти институтлари жамоат назорати-ни амалга оширишга қаратилган фаолиятлари орқали дав-латга нисбатан ўзига хос таъсир кучи яратадилар. Бир сўз билан айтганда, жамоат ташкилотлари сиёсий ва иж-тимоий жараёнлар, давлат ва жамият қурилиши масала-лари ҳамда қабул қилиниши назарда тутилаётган қонун лойиҳалари ва ҳукумат карорларига ўз муносабатларини билдириш орқали жамоатчилик назоратини амалга оши-радилар.

Жамоатчилик назоратини янада самарали ташкил этиш кўп жиҳатдан нодавлат жамият тузилмалари ва уюшма-лари, фуқаролик жамияти институтларига боғлиқ, бу-нинг учун эса ана шу тузилмаларнинг мустақиллигини амалда таъминлаш, уларнинг ривожланишига кенг имко-ниятлар яратиш ҳамда фаоллигини оширишга кўмакла-шиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-куватлашнинг таш-килий ва ҳукуқий механизmlарини мукаммал ишлаб чи-

киш ўта долзарб масала. Фуқаролик жамияти институтлари томонидан амалга ошириладиган жамоатчилик назорати инсоннинг ҳукуқ ва эркинликлари нафакат давлат томонидан кафолатланганлигини, балки давлат органлари фаолиятида уларнинг устувор бўлишини ҳам муайян даражада таъминлайди.

Жамоат ташкилотлари орқали олиб бориладиган жамоат назоратининг хусусиятлари куйидаги тамойилларда намоён бўлади:

- жамият ва шахс манфаатларининг устунлиги;
- бундай жамоатчилик назоратининг кенг қамровлиги, яъни у ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳалари ва соҳаларида амалга оширилиши;
- унинг оммавийлиги, яъни ҳар бир фуқаро ва фуқаролар гурухида бундай назоратда истисносиз иштирок эта олиш имкониятининг мавжудлиги;
- унинг ошкоралиги, яъни уни амалга ошириш жараёни ҳам, унинг натижалари ҳам барча учун очик ва бу назоратнинг омманинг нигоҳи ҳамда кузатувида амалга оширилиши;
- назоратни амалга оширишнинг ихтиёрийлиги ва беғаразлик асосида бўлиши;
- уни амалга ошириш жараёнида давлат органлари, мансабдор шахслар, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига бевосита арадашмаслик.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда фаолият юритаётган беш мингдан зиёд жамоат ташкилотлари юқоридаги ҳукукий асосларга таянган ҳолда ижтимоий ҳаётнинг турли йўналишлари асосида муайян даражада жамоатчилик назоратини амалга ошириш жараёнига ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар. Бу борада давлатимиз раҳбари таъкидлаб ўтганидек: “Биз ноҳукумат ва жамоат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ўрни ва аҳамиятини кучайтиришга катта эътибор бермоқдамиз. Нодавлат ва жамоат тузилмаларининг, биринчи навбатда, демократик қадриятлар, одам-

ларнинг ҳукуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, давлат ҳокимиияти органлари ва ҳукуқ-тартибот идоралари фаолияти устидан тўрачилик ва коррупцияга қарши курашнинг самарали воситаси бўлган жамоатчилик назоратини кучайтиришдаги ўрни ортиб бораёттанини кўриб турибмиз”².

Мамлакатимизда жамоатчилик назорати институти янги шаклланаётган, ривожланаётган замонавий институтлар сирасига киради. Мустақиллик даври юртимизда жамоатчилик назоратининг бирламчи асосларини яратиш даври бўлди. Сўз ва фикр эркинлигига кенг йўл очилди, ташаббускорликни қўллаб-қувватлаш механизmlари яратилди. Ўзбекистонда турли жамоат бирлашмалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш механизмини тартибга солувчи муайян норматив-ҳукуқий база шакллантирилди ва жамоат назоратини амалга ошириш шакллари қарор топди. Масалан, жамоатчилик назоратининг турли шакллари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айrim моддаларида мустаҳкамлаб қўйилган. Хусусан, Асосий Қонунимизнинг 2-моддасига кўра, “Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида маъсулдирлар”. Конституциянинг 35-моддасида “Ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳукуқига эга. Аризалар, таклифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши шарт” эканлиги белгилаб қўйилган. Жамоатчилик назоратининг турли жиҳатлари жами 2 та конституциявий қонун, 33 та қонун, 5 та кодексда, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукуматининг бир қатор қарорларида, шунингдек, бир қанча идоравий хужжатларда мустаҳкамланган.

² Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11-ж. –Т.: Ўзбекистон, 2003. 87-бет.

2010 йил 12 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатаси ва Сенатининг кўшма мажлисида “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси”ни тақдим этди. Мазкур Концепциядаги гоялар юртимизда “Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари” тамойилига асосланган ислоҳотларни изчил давом эттиришда бутунлай янги босқич бошланганидан далолат беради. Унда юртимизда бугунгача қўлга киритилган ютуқларни мустаҳкамлаш ҳамда ривожланган демократик давлатлар қаторидан ўрин эгаллашдек буюк мақсаднинг ҳукуқий асослари белгилаб берилган.

Мазкур Концепцияда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамият, фуқаролик институтлари назоратини амалга оширишнинг тизимли ва самарали ҳукуқий механизмини яратиш учун “Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонун қабул қилиш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди. Қонунда жамоатчилик назоратининг турлари, шакллари ва субъектлари, назорат предмети, уни амалга оширишнинг ҳукуқий механизмлари, шунингдек, мазкур соҳада амалдаги қонун ҳужжатларини ижро этмагани учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги шартларини белгилаш назарда тутилган¹.

Юқорида таъкидланган норматив-ҳукуқий ҳужжатларда жамоатчилик назоратининг у ёки бу жиҳатлари ўз ифодасини топган бўлса-да, Юрбошимиз ушбу фаолиятни тартибга солиш учун алоҳида қонун қабул қилинishi лозимлигига жамоатчилик эътиборини қаратди. Ҳозирги кунда “Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш, унинг

¹ Каримов И.А. Демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. – Т.: Узбекистон, 2011. 96-бет.

илмий-назарий асослари, хорижий тажрибани чукур тадқиқ этиш соҳа вакиллари, зиёлилар, парламентимиз олдида турган долзарб вазифалардан биридир. Негаки, жамиятимиз ривожланиб, юқори босқичларга кўтаришлани сари давлатнинг бир қатор вазифалари, шу жумладан, назорат вазифаси ҳам тобора камайиб, у ўз ўрнини жамоат ва нодавлат ташкилотларига, фуқаролар уюшмаларига бериши ва бу жараён тўхтовсиз давом этиши зарур. Мана шу йўлни ҳукуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш борасидаги ўзимиз танлаган, мустақиллик йиллари тажрибамиизда синалган ягона тўғри йўл деб айтишига асосларимиз етарли.

Жамоатчилик назоратининг мавжудлиги – демократик ҳукуқий давлат ва фуқаролик жамияти тараққиётининг муҳим шарти. Айнан жамоатчилик назорати орқали фуқаролар ва жамоат тузилмалари жамият ҳаётидаги муаммолар ечимини топишга эришадилар. Демак, жамоатчилик назорати институтини қайсиdir маънода жамият ҳаётидаги камчиликларни бартараф этиш, муаммоларнинг ечимини топиш, давлат ва жамиятни ривожлантириш, фуқаролик жамияти барпо этишининг муҳим усули сифатида баҳолаш мумкин.

Олдимиздаги муҳим масала – “Жамоатчилик назоратини амалга оширишда фуқаролик жамияти институтларининг иштироки, роли ва ўрни қандай бўлиши лозим?” – деган саволга жавоб топишдан иборат. Жамоатчилик назорати ўз мазмунига кўра жамоат бирлашмалари, яъни ўзини ўзи бошқариш органлари, сиёсий партиялар, ижтимоий ҳаракатлар, касаба уюшмалари, ижтимоий фондлар, федерациялар, нодавлат ОАВ каби фуқаролик жамияти институтлари томонидан амалга ошириладиган назорат шаклидир. Демак, мазкур демократик жараённинг асосий субъектлари нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқаролик жамияти институтлари ҳисобланади. Шу билан бирга, жамоатчилик назоратини амалга оширишда фуқаролик жамияти институтлари энг асосий ўринни эгаллайди.

Фуқаролик жамияти институтлари орасидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш борасида катта имкониятга эга бўлган ва ушбу имкониятдан самарали фойдаланаётгандарини қўйидагича тасаввур этиш мумкин:

Оммавий ахборот воситалари. Мазкур серкирра институт тарифбот-ташвиқот ва тушунтириш ишларини амалга оширишда, жойларда мавжуд муаммоларни таҳлил қилиш ва ёритиш орқали уларни бартараф этишга эришиш борасида катта имкониятга эга. Ҳозирда мамлакатимизда 1200 та босма ва электрон оммавий ахборот воситалари фаолият олиб бормоқда. Айниқса, уларнинг нодавлат секторига тегишли қисми жамоатчилик назоратини амалга оширишда фаоллик кўрсатмоқда. Масалан, сўнгги вакътларда оммавий ахборот воситалари орқали давлат ва назорат органлари фаолиятидаги айрим камчилик ва нуқсонларни рўй-рост айтиш, мамлакатимиз ҳудудидаги ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларига оид муаммоларни таҳлилий жиҳатдан ёритишга бағишлиланган кўрсатув ва эшиттиришлар, шунингдек, мақола ва очерклар сони ортиб бормоқда. Буни амалдаги жамоатчилик назоратининг аниқ ифодаси сифатида баҳолаш мумкин.

Концепцияда асосий ўрин эгаллаган фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва ривожланиши, энг аввало, инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва уларни кафолатлаш билан ҳамоҳангидир. Бугунги кунда эса Ўзбекистонда инсон ва унинг манфаатлари олий қадрият сифатида тан олиниб, инсон манфаатлари улугланишига қаратилган ислоҳотлар изчил олиб борилмоқда. Мана шу туб ислоҳотларни амалга оширишда фуқаролик жамияти институтининг ажралмас қисми бўлган миллий оммавий ахборот воситаларининг давлат ҳокимиюти ва бошқаруви органлари устидан жамоатчилик назоратини таъминлаш бўйича фаол иштирок этиши муҳим аҳамиятга эга. Мамлакатимиз Президенти Концепциянинг учинчи йўналишида “Давлат ҳокимиюти ва бошқаруви органлари фаолиятининг

очиқлиги түғрисида»ги Конунни қабул қилиш зарурлигига алоҳида ажамият қаратди.

Истиқлолимизнинг ўтган йигирма бир йили мобайнида мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари ўзига хос тадрижий тараққиёт йўлини босиб ўтиб, бугунги кунда ҳукукий-демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятиning ажралмас қисмита, озод ва ҳур ҳалқимизнинг холис овози-ю сўзига айланди. Мамлакатимизда ОАВ эркинлиги даражасининг муҳим кўрсаткичларидан бири бу – ахборот соҳасининг изчил ва эркин тараққиёти ҳамда ҳар бир фуқаронинг ҳеч қандай тўсиқ ва монеликсиз ахборот олиш ва ундан фойдаланиши учун зарур шароитни таъминловчи ҳукукий майдоннинг мавжудлиги. Шу билан бир қаторда, бугунги кунда барча давлат органлари ўз веб-сайтларига эга ва ҳар ким улар орқали ўзи учун зарур бўлган маълумот, у ёки бу идоранинг фаолияти түғрисида ахборот олиш, расмий материаллар билан танишиш имконияти мавжуд. Вазирлик ва идора, маҳаллий давлат органлари, муассасаларининг матбуот хизматлари, уларнинг Интернетдаги веб-сайтлари орқали интерактив давлат хизматлари кўрсатиш 2002 йилга нисбатан 2,8 бараварга ошди. Давлат органлари веб-сайтларидан ташқари бошқа веб-сайтларнинг сони ҳам ошиб бораётганлигини алоҳида таъкидлаш зарур. Хусусан, “Uz” домени зонасидаги веб-сайтлар сони 2002 йилда 587 та бўлса, бугунга келиб 12 мингтага етган. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий, социал-иктисодий ислоҳотлар түғрисидаги ахборотнинг нафақат фуқароларимизга, балки хорижий мамлакатларга етказиб берилишига ҳам хизмат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида қилинган маърузада таъкидланганидек, “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги түғрисида»ги Конуннинг қабул қилиниши фуқароларнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳукуқини янада кенгроқ амалга ошириш

имкониятини яратиб бериши билан бирга, давлат ҳокимиюти ва бошқаруви органлари томонидан қабул қилинаётган қарорлар сифатини ошириш борасидаги масъулиятини ҳам янада кучайтиради.

Дарҳақиқат, Қонуннинг асосий вазифаси сифатида, давлат ҳокимиюти ва бошқарув органлари устидан жамоатчилик назоратини таъминлаш мақсадида, оммавий ахборот воситалари, биринчи ўринда, аҳоли ва кенг жамоатчиликни Олий Мажлис палаталари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажхаби, маҳаллий ҳокимликлар томонидан қабул қилинаётган қонунлар ва қарорлар, авваламбор, фуқароларнинг ҳукуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари билан боғлиқ қарорлар ҳақидаги ахборотлардан кенг хабардор бўлиб боришини таъминлаш назарда тутилмоқда. Қонун лойиҳасида давлат ҳокимиюти ва бошқаруви органлари фаолияти очиқлигининг асосий принциплари сифатида белгилаш учун таклиф этилаётган ахборотнинг очиқлиги ва ошкоралиги, тезкорлиги ҳамда ҳаққонийлигидан келиб чиқиб, мазкур органлар фаолияти ҳақида жамоатчиликни атрофлича хабардор қилиб бориш, ахборотни ошкор қилиш (эълон қилиш) тартиблари ва манбаларини аниқ кўрсатиб қўйиш муҳим аҳамият касб этади. Чунки демократик ҳамда очиқ жамиятда давлат бошқаруви аҳолининг бевосита ва билвосита иштирокида амалга оширилади. Зоро, шундагина фуқаролар мамлакатда қандай карор ва дастурлар қабул қилинаётгани, уларнинг қай йўсинда бажарилаётганилиги, масъул ва мансабдор шахслар ўз вазифаларини нечоғлик адо этаётганлитини очиқ-ойдин билиш, керак бўлса, мазкур жараёнларга ўз муносабатларини билдириши мумкин бўлади.

“Давлат ҳокимиюти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Қонун, энг аввало, давлат идоралари билан бирга, фуқаролик жамияти институтлари тизимида алоҳида ўрин згаллаган оммавий ахборот воситаларининг ўзаро ҳамкорлигини назарда тутади. Яъни,

жамият ҳаётининг турли йўналишларига оид қабул қилинаётган ҳуқуқий-меъерий ҳужжатлар, истиқболли дастурлар, лойиҳаларни амалга ошириш, журналистлар томонидан ахборот олиш, тўплап ва тарқатиш борасида қонунчилик механизмларини такомиллаштириш, фуқароларни давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисида холис, тезкор ва тўла-тўкис хабардор қилиш, давлат ва жамоат ташкилотлари ахборот хизматлари ишининг такомиллашиши, фуқароларнинг давлат ва жамият қурилиши жараёнида фаол иштирокини таъминлашга хизмат қилиб, бу органлар устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишда барча зарур шароитларни яратиб беради. Шу билан бирга, оммавий ахборот воситалари давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари устидан жамоатчилик назоратини таъминлаш жараёнида турли қарашга эга бўлган ҳар бир шахсни бир мақсад йўлида, яъни Ватан равнақи, Юрт тинчлиги ва Халқ фаровонлигига эришиш йўлида масъулият ҳиссини шакллантиради.

Ўзини ўзи бошқариш органлари. Мамлакатимизда ҳозирги кунда 10 мингта яқин ўзини ўзи бошқариш органлари фаолият олиб бормоқда. Демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида давлат бошқаруви органларининг жойларда фуқароларнинг долзарб масалаларини ҳал қилиш борасидаги фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш тизимида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари роли кучайиб бормоқда. Бунда давлат бошқаруви органларининг жойларда фуқароларнинг долзарб масалаларини ҳал қилиш борасидаги фаолиятида қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш тизимида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг роли кучайиб бормоқда. Жамият ва давлатни ривожлантиришнинг ҳозирги босқичида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш институти - маҳалла фаолиятининг таш-

килий асосларини янада такомиллаштириш, унинг вазифаларини көнтайтириш ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан яқин ҳамкорлигини таъминлаш алоҳида долзарблик касб этмоқда.

Маҳалла жамоатчилик назоратини амалга оширишда ўзига хос ўрин эгаллайди. У ердаги ҳар бир ҳаракат ҳалқининг, жамоанинг назоратида. Маҳалла оқсоқоллари ўз худудида мавжуд муаммоларни яхши тушунади ва уларни бартараф этишда ўзини масъул деб билади. Ҳар бир давлат ташкилоти маҳалла билан ҳамкорлик қилишга, уларнинг ёрдамига таянишга мажбур эканлигини бугун ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда. Ҳозирги кунда маҳалла томонидан амалга оширилаётган жамоатчилик назоратига назар ташласак, у ерда кўплаб муаммолар ўз ечимини тоғаётганинг гувоҳи бўламиз. Бундан ташқари, маҳалла фаоллари давлат ва назорат органлари томонидан амалга оширилаётган тадбирларнинг инсон ҳуқуқларига ҳамоҳанглигини аниқлаш ва унга баҳо бериш жараёнида давлат ва жамият бошқарувида фаол иштирок этмоқдалар. Шунингдек, улар фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш йўлида алоҳида жонбозлик кўрсатмоқдалар.

Бугунги кунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тегишли худудда ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш, савдо ва майший хизмат кўрсатиш корхоналари ишини ташкил этиш, савдо қоидалари ва фуқароларга хизмат кўрсатиш маданиятига риоя этиш, аҳоли пунктлари, сув таъминоти манбалари, уй-жойлар, мактаблар ва бошқа таълим муассасаларининг санитария ҳамда экологик ҳолати билан боғлиқ соҳаларда жамоатчилик назоратини амалга оширишда муайян тажриба тўтлаганлар. Улар ёнғин хавфсизлиги талаблари, чорва моллари бекишининг ветеринария қоидалари, уй-жойлар қуриш ҳамда турар жой атрофларини ораста сақлашга риоя этилишини таъминлаш устидан жамоатчилик назоратини амалга ошироқдалар, коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари,

хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари билан биргаликда фуқаролар томонидан коммунал хизматлар ҳақи ҳамда мажбурий бадаллар ўз вақтида тўланиб, ҳисобкитоблар банк муассасалари орқали амалга оширилишини ташкил этиб, назорат қилмоқдалар, тегишли худудда жамоат тартибини сақлаш, шу жумладан, фуқароларнинг келиши ҳамда кетишини ҳисобга олишни ташкил этиш, ўсмиirlар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш, вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоялашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ёрдам бермоқдалар. Бу маҳалланинг жамоатчилик назоратини амалга оширишда ўрни ва нуфузи юксаклитини, маҳалла халқни, жамоани бошқариппда энг ноёб институт эканлигини яна бир бор намоён этади.

Сиёсий партиялар. Барчамизга маълумки, ҳозирги кунда мамлакатимиз сиёсий майдонида 4 та сиёсий партия фаолият олиб бормоқда. Сўнгти йилларда сиёсий партиялар ўзларини мамлакатимиздаги иқтисодий-ижтимоий, маданий-маънавий, сиёсий-ҳуқуқий соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг нафақат қўллаб-куватловчилари, балки энг фаол иштирокчиси сифатида намоён этмоқдалар. Улар давлат дастурларини амалга оширишда алоҳида фаоллик кўрсатмоқдалар. Сиёсий партиялар, шунингдек, жамоатчилик назоратини амалга ошириш борасида ҳам алоҳида нуфузга эга. Ҳар бир партия, биринчи навбатда, мақсад ҳамда вазифаларидан келиб чиқкан ҳолда, ўз электорати манфаатларини ҳимоялаш учун жамоатчилик назоратини амалга оширади.

Хусусан, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг сайловолди платформасида сиёсий соҳага оид устувор вазифалар қаторида “давлат органларининг жамият ҳамда давлат қурилишининг барча соҳаларида, энг аввало, таълим, фан, маданият ва шу каби бошқа соҳалардаги фаолияти устидан жамоат назорати масалаларини тартибга солувчи қонунчилик асосларини такомиллаштириш” вазифаси белгилаб қўйилган.

Ижтимоий ҳаракатлар. Мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида ҳозирда бир нечта ижтимоий ҳаракатлар фаолият олиб бормоқда. Уларнинг энг фаоллари сифатида биз Ўзбекистон Экологик ҳаракати ва “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатини кўрсатишимиш мумкин. Улар ҳам ўз мақсадларидан келиб чиқсан ҳолда жамоатчилик назоратини амалга оширадилар. Масалан, Ўзбекистон Экологик ҳаракати табиат ва атроф муҳитга етказилаётган турли кўринищдаги заарли таъсирларнинг олдини олишга қаратилган экологик назоратни амалга ошириб келмоқда. Ёки “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ёшларнинг билим ва маҳоратини юксалтиришда, уларнинг қобилиятини рӯёбга чиқаришда самарали фаолият олиб бормоқда. Улар томонидан ёшларга оид давлат сиёсатининг амалга оширилиши, мазкур йўналишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолияти устидан жамоатчилик назоратининг ташкил этилганлигини кўриш мумкин.

Бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлар. Турли ижтимоий фонdlар, аёллар бирлашмалари, ҳайрия жамғармалари фаолиятида ҳам жамоатчилик назоратининг айрим шаклларини учратиш мумкин. Биргина, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятига эътибор қаратсак, мазкур жамоат ташкилоти томонидан жойларда аёлларнинг ҳукуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида амалга оширилаётган самарали тадбирларни кузатиш мумкин. Давлатимиз томонидан аёлларга яратилган ҳукуқ ва имкониятларни, шарт-шароитларни жойларда қай даражада амалга татбиқ этилиши, бу сиёсатга маҳаллий ҳокимият органларининг муносабати доимий кузатилиб, ўрганиб келинади. Бу ҳам жамоатчилик назоратининг ёрқин исфодасидир.

Умуман, бугунги кунда мамлакатимизда жамоатчилик назоратини амалга оширишда фуқаролик жамиятининг турли институтлари асосий куч сифатида майдонга чиқмоқда. Лекин бу жамоатчилик назорати бир бутун меҳа-

низм сифатида фаол ишламоқда дегани эмас, албатта. Бу соҳада айрим муаммолар ва ўз ечимини кутаётган камчиликлар ҳам мавжуд Хусусан, жамоатчилик назоратини тўғри талқин этиш ва ундан самарали фойдаланиш жараёнида билим, ахборот, малака, тажриба ҳамда лозим даражада амалиёт этишмаслиги барчамизга сир эмас.

Жамоатчилик назоратини шакллантирувчи яна бир муҳим асос – унинг мазмун-моҳияти ва ижтимоий аҳамияти ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлиш. Шунингдек, жамоатчилик назорати ҳар бир шахсдан фаол фуқаролик позициясини, сиёсий-ҳуқуқий фаоллик, юксак ташаббускорлик, юрт тақдири ва ривожига масъуллик ҳамда даждорлик ҳиссини талаб этади. Ушбу омилларни шакллантириш борасида ҳам амалий ишларни кучайтиришимиз лозим. Хусусан, ушбу йўналишда фуқаролик жамияти институтларининг масъуллигини ошириш керак. Улар жамоатчилик назоратини ўз фаолият йўналишларидан бири сифатида ҳис этиши, дастур ва низомларида акс эттириши ва бу йўлда доимий ҳаракатда бўлиши лозим. Мазкур масалалар тўлиқ шакллантирилса, ўйлаймизки, фуқаролик жамияти институтларининг бу борадаги фаолияти янада такомилга етган бўлар эди. Фикримизча, жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш, фуқаролик жамияти институтларининг бу борадаги фаолиятини янада юксалтириш учун бир қатор масалаларни ҳал этиш лозим.

Хусусан, жамоатчилик назоратининг ҳуқуқий механизmlарини янада такомиллаштириш, унда “шахс-жамият-давлат” манфаатлари уйгунлиги ва жамоатчилик назорати обьекти доира ва чегараларини аниқ белгилаш; фуқаролик жамияти институтлари томонидан амалга ошириладиган жамоатчилик назоратининг аниқ шакллари ва усуулларини ишлаб чиқиш; жамоатчилик назоратини амалга оширишини самарали ташкил этиш учун давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигининг ҳуқуқий механизmlарини такомиллаштириш ҳамда бу жараёнда

фуқаролик жамияти институтларининг кенг иштирокини таъминлаш; жамоатчилик назоратини юксалтиришда оммавий ахборот воситалари ролини ошириш; жамоатчилик назоратини шакллантиришнинг йўналишлари ва истиқболларини аниқлаш мақсадида халқаро ҳамда миллий доирадаги конференциялар, давра сұхбатлари ўтказиш ва илмий тадқиқот ишларини амалга ошириш, ривожланган мамлакатларнинг бу йўналишдаги тажрибалиридан самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Юртбошимиз томонидан илгари сурилган Концепцияда қайд этилганидек, жамоатчилик назоратининг турлари, шаклларини белгилаб олиш айни заруратдир. Қонун лойиҳасида асосий тушунчаларни изоҳлаш, жамоатчилик назоратининг предмети, унда фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек, бундай назоратни амалга оширишда давлат ҳокимияти ва мансабдор шахслар ҳуқуқини ҳимоялаш, жамоатчилик назоратини амалга ошириш талаб ва қоидаларини аниқ белгилаш мақсадга мувофиқ. Зоро, жамоат назорати давлат хизматчилари ёки органларининг Конституция ва қонунларга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига даҳлдор ҳужжатларга риоя этилишини жамоатчилик тартибида ўрганишни на-зарда тутади.

Шу билан бирга, қонуннинг амал қилиш доирасини аниқ белгилаш муҳим аҳамиятга эга. Мисол учун, ушбу қонун солик, валюта, банк, сугурта, транспорт, ҳаракат ҳавфсизлиги, экология, санитария-гигиена, божхона, ҳуқуқтартибот идоралари фаолияти бўйича жамоатчилик назоратини амалга ошириш муносабатларини қамраб олиши зарур. Айни пайтда, қонун билан жамоатчилик назоратини юритувчи асосий тузилмаларни белгилаб қўйиш талаб этилади. Хусусан, юртимизнинг кўзга кўринган давлат ва жамоат арбоблари, олимлар, ижтимоий-сиёсий ташкилотлар, жамият ҳаётида муҳим ўринга эга бўлган муассаса, корхона ва ташкилот раҳбарларидан иборат бўлган ягона мустақил тузилмани ташкил этиш муҳим

аҳамиятга зга. Шу билан бирга, жамоатчилик назоратини амалга ошириш, уни расмийлаштириш, жамоатчилик назорати натижаларини муҳокама қилиш, назорат жараённида аниқланган камчилик ва хатоларни бартараф этиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар кўриш механизмини мустаҳкамлаш талаб этилади.

Бир сўз билан айтганда, Президентимиз томонидан иллари сурилган “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”да белгиланган “Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тұғрисида”ги Қонуниң қабул қилишнинг аҳамияти бекиёс. Зоро, ушбу ҳужжат “Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари” тамойилининг қарор топишида муҳим қадам бўлади.

Оммавий ахборот воситалари: назария ва амалиёт

*Наргиза Бектемирова,
“Фуқаролик жамияти асослари”
кафедраси катта ўқитувчиси*

Оммавий ахборот воситалари ва унинг ёрдамчи ресурслари (реклама, пиар ва б.) замонавий дунёning энг муҳим институтига айланиб бормоқда.

Мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари бўйича шу кунга қадар олиб борилган тадқиқотларда ушбу соҳадаги асосий назарий йўналишларнинг таснифи кузатилмайди. Оммавий ахборот воситаларини таърифлашда турли терминларнинг қўлланилиши ҳанузгача ягона терминологик аппаратнинг шаклланмаганлигидан далолат беради. Коммуникация, ахборот коммуникациялари, оммавий ахборот воситалари, масс-медиа, журналистика деганда нима тушунилади? Аксарият ҳолларда тадқиқотчилар томонидан бир хил ҳодисаларга турлича таъриф берилганлигини кузатиш мумкин.

Шу ўринда ОАВга оид назарияларни таснифлашда тадқиқотчилар бир қатор социологик назарияларга, хусусан, институционал назария, ижтимоий тизимлар назарияси, ижтимоий соҳалар назариясига мурожаат қилишлари ўринлиdir.

Фарб мамлакатларида шу кунга қадар олиб борилган оммавий ахборот воситалари соҳасидаги изланишларнинг барчаси ушбу феноменнинг биз – ахборот истеъмолчиларига таъсири нақадар кучли эканлитики намоён этади.

Аксарият медиа тадқиқотчилари учун, оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги умумий тушунчага кўра, бу ижтимоий институт ижтимоий ҳаётнинг турли соҳалари билан (ижтимоий соҳа, сиёsat, иқтисодиёт, маданият,

шахсий ҳаёт ва б.) ўзаро боғлиқ соҳа бўлса, бошқа кенг тарқалган назарий ёндашув оммавий ахборот воситаларини алоҳида индустрия сифатида эътироф этади.

“Ахборот” сўзининг лугавий маъносини аниқлаш учун хабар ва ахбор сўзини қиёслаш лозим. Бу сўзларнинг ҳар иккиси ҳам арабча, хабар – “маълумот етказиш”, “маълумот бериш”; ахбор эса хабар сўзининг кўплиги; -от – араб тилида исмга қўшилиб кўплик ҳосил қилувчи қўшимча. Ўзбек тилида хабар ҳам, ахборот ҳам бирликда, “хабар” маъносини англатиш учун қўлланади.

Бир гурух ўзбек файласуфлари ва тарихчилари томонидан “ахборот” сўзига берилган изоҳга ҳам мурожаат қиласак. Унга кўра, “ахборот – бу тайёрланган маълумотлардан бирор нарса (жараён, ҳодиса) тўғрисида аниқликни ошириш мақсадида фойдаланган маълумотлар. Ахборот – истеъмол учун тайёрланган теварак-атроф (манбалар)-дан олинган маълумотлар. Ахборот воқеа ва ҳодисалар ҳақидаги истеъмолдаги маълумотларни беради. Ҳодиса ва воқеалар мазмун-моҳиятини очиб беради”¹.

Россиялик файласуф олим В.Д.Попов эса ахборотга (информация) ижтимоий-фалсафий нуқтаи назардан – синтезлаштирилган ҳолда изоҳ беради: “Кенг маънодаги ахборот бу – жамият борлиги ва унинг онгига мавжуд далилларни турли кўринишда акс этишининг натижасидир. Тор (функционал, ижтимоий) маънода эса ахборот – социум (жамият) ҳаётининг кўпкірраллиги акс этирилган айланымаси (циркуляция), хабар тарзида узатилиши демакдир”².

Оммавий ахборот воситаларининг илмий тадқиқот предметига айланишини яна шу билан изоҳлаш мумкинки, иқтисодиётнинг ривожланган ва даромадли соҳаси си-

¹ Менглиев Б., Холиёров Ў. Она тили. – Т.: Янги аср авлоди, 2009. 47-б.

² Мамадалиев Ш., Эрназаров Р. ва б. Демократия. Изоҳли лугат. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг Академияси, 2012. 9-10-б.

³ Информационная политика. Учебник. Под ред. В.П.Попова. – М.: РАГС, 2003. 35-б.

фатида оммавий ахборот воситалари индустрияси тараққиёт қонуниятларини ўрганиши мухимдир.

Қайд этиш лозимки, ОАВ бўйича тадқиқотлар замонавий массмедиа* табиатининг мураккаблигини аниқлаб беради. Бу эса, ўз навбатида, назарий ёндашувларнинг кўпайишига сабаб бўлмоқда.

Оммавий ахборот воситалари бўйича назарий ёндашувларни умумлаштиришда ахборот назарияси тадқиқотчиси, голландиялик социолог Д.Мак-Кузайлга мурожаат қиласиз. Олим оммавий ахборот воситаларини икки асос бўйича ўрганишни таклиф қиласи. Биринчиси, уларнинг жамиятдаги ўрни, улар ўртасидаги ўзаро муносабатлар ва таъсир қилиш йўлларини англаб етиш билан боғлиқ. Шу аснода Д.Мак-Кузайл медиага йўналтирилган (*media-oriented*) ва ижтимоий йўналтирилган ёндашувларга асосланувчи концепцияларни иккита йирик гуруҳга ажратади. Медиага йўналтирилган назариялар оммавий ахборот воситаларининг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тизимлар доирасида улкан автономиясини назарда тутади. Бунда ОАВ ҳам ахборот воситалари тизимида, ҳам жамиятда рўй берадиган ўзгаришларнинг ягона манбаси сифатида намоён бўлади. Ижтимоий йўналтирилган ёндашувда эса, аксинча, медиатизимдан юқори бўлган жараёнлар устувор бўлади. Мазкур жараёнлар жамиятдаги ўзгаришларга сабаб бўлган ҳолда, оммавий ахборот воситаларини қайта шакллантирувчи омил сифатида намоён бўлади.

Оммавий ахборот воситаларини ўрганиш жараёнида мавжуд ёндашувларни ажратиш учун маънавий ва моддий омилларнинг ўзаро келишувини аниқлаш зарурияти пайдо бўлади. Маданий ёндашув оммавий ахборот воси-

*Муаллиф томонидан “оммавий ахборот воситалари” ва “массмедиа, ахборот” ва “информация” тушунчалари синоним тарзда кўлланилимокда.

Мак-Кузайл Д. Свобода печати никогда не была застывшим понятием // Вестник Московского университета. Серия “Журналистика”, 1995, № 2.

таларининг таркибини, улар томонидан тарғиб қилинадиган “ғоя”, “қадрият” каби тушунчаларни назарда тутади ОАВ бўйича материалистик ёндашувга асосланган тадқиқотлар эса шахсий мулк тузилмаси ва муносабатларини ўрганиш, оммавий ахборот воситаларининг бозор иқтисодиёти шароитидаги фаолияти ва ривожланишига эътибор қаратади.

Оммавий ахборот воситалари фаолиятини ўрганишда иқтисодий-сиёсий ёндашув бугунги кунда илғор, бирламчилярдан ҳисобланади. Бу ёндашув глобал ахборот оқимиштинг номутаносибликларини ўрганишга қаратилган бир қатор ишларни ўз ичига олади. 1960 йилларда ёқ мазкур изланишлар оммавий ахборот воситалари сиёсий иқтисодиётини ривожлантириш зарурлигини ифодалаган.

80-йилларда информацион империализм тўғрисидаги баҳслар ва янги ахборот тартиботининг тараққиёти юзасидан ЮНЕСКОнинг коммуникация муаммоларини тадқиқ этиш бўйича Шон Мак Брайд Кўмитаси томонидан илгари сурилган таклифларда, энг аввало, ахборот ва коммуникацияларнинг мамлакатлар, минтақа ва қитъалар ўртасида нотекис ваadolatsiz тақсимланганлигига эътибор қаратилган.

Бу борада италиялик олим Антонио Грамши нинг фикри ҳам қизиқ. Унинг қайд этишича, оммавий ахборот воситаларининг асосий вазифаси инкорпорация жараёнита, яъни жамиятнинг барча тузилмаларига доминант гурухларнинг ўзини, даставвал, иқтисодий манфаатларини бутун жамият манфаатлари сифатида илгари суришда кўл келадиган дунёқарашнинг асосий бўғинларини шакллантириш билан боғлиқ.

Франкфурт мактаби намояндадарининг тадқиқотлари

McBride S. et al. Many Voices, One World. Report by the International Commission for the Study of Communication Problems. Paris: UNESCO; London: Rowman & Littlefield Publishers, Inc, USA, 2004.

Strinati D. An Introduction to Theories of Popular Culture, Routledge, London. 1995.

оммавий ахборот воситаларига бозор муносабатларининг таъсирини таҳлил қилинишига турткى берди. Хусусан, Т. Адорно ва М. Хоркхаймернинг “Маърифат диалектикаси” (1974) китобида “Маданият индустрияси: маърифат оммавий афюн” номли бўлими оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва ролига бағишланган бўлиб, унда оммавий ахборот воситалари маданият индустриясига, унинг ташкил этилиш босқичидан бошлаб, то оммавий ишлаб чиқилиши ва маданият материалларини тарқатиш босқичларида кент жалб этилганлиги батафсил кўриб чиқлади . ОАВнинг ўз иктисадий самарадорлигини ошириш йўлидаги фаолиятининг ушбу икки олим томонидан ифодаланиши кишида қизикиш уйғостади. Жумладан, кишиларда мавжуд аҳамиятга молик ижтимоий-маданий соҳадаги фарқни мумкин қадар камайтириш ва шу билан мебдиа аудиториясида суст фаоллик ва конформизм каби хусусиятларни ривожлантириш оммавий ахборот воситаларининг асосий вазифасидир, дейди улар.

«Маърифат диалектикаси» китобида Теодор Адорно “массмедиа” тушунчасини таърифлар экан, буни у тўғридан-тўғри оммавий ахборот воситалари оммавий аудиториясининг ривожланиши билан белгилайди. Т. Адорнонинг фикрича, мазкур терминнинг дастлабки маъноси оммавий аудиториянинг муайян бир субъект сифатида намоён бўлиши билан боғлиқ ОАВ фаолияти эса айнан мана шу субъектнинг талаб ва эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган бўлади. Лекин, аслини олганда, аудитория ўзи хоҳлаганини эмас, балки рекламачилар томонидан таклиф қилинаётган маҳсулотни деярли сўзсиз қабул қилувчи объектга айланиб қолаётганининг гувоҳи бўлмоқдамиз.

Умуман олганда, бугунги бозор муносабатлари шароитида оммавий ахборот воситаларида ҳам тобора бозорлашув омиллари қузатилмоқда. Натижада, оммавий ахбо-

Adorno T. W., Horkheimer M. Dialectic of Enlightenment. Trans/ Edmund Jephcott. Stanford: Stanford UP, 2002.

рот воситалари сиёсий иқтисодиётнинг асослари *mediaeconomics* соҳасига чиқа бошлайди. Негаки, эндиликда, таъс ОАВ иқтисодиётининг муҳим иқтисодий белгиси – реклама берувчилар билан муносабатлар ҳақида бормоқда. Капитализмнинг бирламчи интилиши даромадни кўпайтиришга йўналтирилган. Бозор медиаиктисодиёти шароитида эса, бу интилиши аудиториянинг кўпайиши эвазигагина амалга оширилиши мумкин.

Америкалик тадқиқотчи Даллас У. Смайл 1970 йил охирида биринчилардан бўлиб, оммавий ахборот воситаларининг асосий маҳсули айнан аудитория (*audience commodity*) деган фикрни илгари сурган Унинг фикрича, массмедиа “медиакомпаниялар аудиторияси”ни шакллантириб, ундан музайян бир тузилма ҳосил қилиб, реклама берувчиларга тақдим этиши билан юзага келади. Натижада, оммавий ахборот воситаларининг бундан кейинги бош вазифаси – аудиторияни жалб қилишдан иборат бўлиб қолади Демакки, аудиторияни жалб қилиш билан боғлиқ иш (*audience labor*) оммавий ахборот воситаларининг асосий, бирламчи маҳсулидир. Д.Смайлнинг сиёсий иқтисодиёт концепциясига кўра, шу тарика жамиятда оммавий ахборот воситалари, аудитория ва реклама берувчилар “кўринмас учлиги” (*invisible triangle*) вужудга келади.

Ушбу оммавий ахборот воситалари индустриясини ўрганишда британиялик олим Николас Гарнэмнинг танқидий сиёсий иқтисодиёт концепциясига ҳам эътибор қаратиш лозим. У ўз ишида ОАВ ва ҳокимият ўртасидаги ўзаро муносабатга алоҳида эътибор қаратади. Бунда у медиатизмларнинг ҳокимият томонидан жамиятнинг ҳукмрон тузилмаларини сақлаб қолиш йўлида кўлланишига ургу беради².

Н.Гарнэм оммавий маданиятнинг тарқалиш хусусият-

² Smythe, D.W. (1981). «Communications: Blindspot of Economics». In Melody, W.H., Salter, L., and Heyer, P. (Eds.). *Culture, Communication and Dependency: The Tradition of H.A. Innis*. Norwood, NJ: Ablex.

Garnham N. The Mass Media, Cultural Identity, and the Public Sphere in the Modern World/ *Public Culture Journal*. Vol.5, 1995.

ларини тушунтирар экан, унинг иқтисодий қайта ишлаб чиқилиши жараёнини қайд этади. Унга кўра, бир томондан, ОАВ моддий ишлаб чиқариш шакли бўлса, иккинчи томондан, мафкуравий фаолият, курашдир.

Америкалик олимлар П.Голдинг ва Г.Мэрдок¹⁰ томонидан илгари сурилган радикал сиёсий иқтисодиёт концепцияси эса медиа саноатнинг умумий (holistic) ва тарихий ёндашувларига асосланади. Мазкур концепция иқтисодиётнинг турли йўналишдаги ёндашувларини бирлаштиради. Шуниси эътиборлики, концепция ўз иқтисодий контекстига умумжамоа неъматлари, тенглик, адолат каби медиа саноатнинг муҳим номоддий тушунчаларини ҳам жамлаб олади.

Аксарият бошқа муаллифлар сингари П. Голдинг ва Г.Мэрдок ҳам оммавий ахборот воситаларининг кишиларнинг (айнан ОАВ аудиториясининг) охир-оқибат дунёни ва воқелик ҳамда ҳодисаларни англаб етишига кўмак берувчи муайян шакллар ва маъно-моҳиятларни ишлаб чиқишга йўналтирилган саноатлашган индустряяга айланниб бораётганини таъкидлайдилар.

Мазкур мавзунинг ёритилишига немис етакчи экспертилари - Э.Херманн ва Н.Хомскиларнинг “Розиликни вужудга келтириш. Массмедиа сиёсий иқтисодиёти” номли асари ўз ҳиссасини қўшди. Хусусан, муаллифлар ҳар қандай жамиятда шундай шароит юзага келадики, уларда бойликлар ва ҳокимиётнинг нотекис тақсимоти оммавий ахборот воситаларида иқтисодий шароитлар орқали амалга оширилади, деб таъкидлайдилар. Шу ўринда олимлар “ташвиқот модели” тушунчасини қўллайдилар, унга кўра, у муайян механизм бўлиб, унда пул ва ҳокимиёт оммавий ахборот воситаларига келиб тушаётган янгиликлар учун фильтрлар ташкил этади, норозилик кайфиятини четга чиқариб ташлайди, ҳокимиётга ҳамда хукмрон тижорат тузилмаларига ўз хабарларини тўсиқсиз етказиш

¹⁰ Golding P., Murdoch G. Culture, Communications and Political Economy. In: Curran J., Gurevitch M. (eds.) Mass Media and Society. L.: Edward Arnold, 1991.

га имкон яратади¹¹. Мазкур “ташвиқот модели” назариясида жамоатчилик назорати түгрисида ҳам фикр юритилади. Үнга кўра, ушбу назорат тури давлат раҳбарлари, давлат бошқарувига асосланган жамиятлар томонидан мафкуравий ишларни кенг кўламда олиб бориш, муайянояларни жамиятда (айнан оммавий ахборот воситалари орқали – Н.Б.) тарғиб этишни (indoctrination) ўзида акс эттирувчи усул сифатида намоён бўлади¹².

Бозор иқтисодиёти шароитида оммавий ахборот воситалари тизими фаолиятини мазкур икки олим гарчи танқидий нуқтаи назарда баҳоласалар-да, шу билан бирга, сиёсий иқтисодиётнинг бош муаммоларига эътиборни қаратиш орқали медиа тадқиқотчилари ҳамда журналистлар учун келгусида қизиқарли изланишлар олиб боришлари учун замин яратдилар.

Қолаверса, Интернетнинг оммавий ахборот воситалари назариясида туттган ўринини мукаммал ўрганиш йўлга қўйилмаганлиги мазкур соҳа мутахассислари учун алоҳида аҳамият касб этади, шубҳасиз.

Албатта, назариялар оммавий ахборот воситалари феноменининг сабаб ва натижаларини тамомила, ортиқча мулоҳазасиз тушунтириб берувчи универсал қонунлар эмас.

Амалиётда, Интернет бугунги оммавий ахборот воситаларининг бош манбаи, кези келганда, қуролига айланаб қолмоқда.

Шу билан бирга, оммавий ахборот воситаларининг нейтрал кузатувчидан тобора фаол сиёсий институтга айланаб бораётганлигини ҳам кузатишмиз мумкин. Фарбда ОАВ, айниқса, сайловлар даврида, тамоман ягона, энг фаол иштирокчига, жамоатчилик фикрини шакллантиришида асосий кучга айланаб қолган.

¹¹ Herman E. S., Chomsky N. Manufacturing Consent: The Political Economy of Mass Media. N.Y.: Pantheon Books, 1988.

¹² Ўша манба.

Бизнинг минтақамиз воқеликлари мисолида олиб қаралғанда ҳам ОАВ, хусусан, Интернетнинг таъсир этиш кучи тобора ортиб бормоқда. Қайд этиш керакки, бутун дунё оммавий ахборот воситалари, энг аввало, ўз миллий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда иш юритади. Шундай экан, мамлакатимизда ушбу йўналишда, айниқса, бугунги жаҳондаги геосиёсий вазиятни ҳисобга олиб, мавжуд ресурсларни жамлаган ҳолда фаолият олиб борилиши мақсадга мувофиқ. Мазкур йўналишда талабга жавоб бермайдиган ахборот сиёсати натижасида давлатимиз информацион хуруждан енгилиши кузатилмоқда. Хусусан, бу қўшни Тожикистон оммавий ахборот воситаларининг катта улдабуронлик билан Рогун ГЭСининг курилиши билан боғлиқ олиб бораётган ахборот сиёсатида яққол намоён бўлмоқда. Бунга амин бўлиш учун ушбу лойиха атрофида ихтисослашган тоҷик Интернет ресурсларининг фаолиятини ўрганиш кифоя. Уларда тарқатилаётган хорижий (!) тиллардаги ҳабарларнинг муайян Farb мамлакатлари аудиториясига аниқ мақсад билан йўналтирилаётганлигини кузатиш мумкин.

Қолаверса, мамлакатимизга яқин бўлган бошқа давлатларда, гарчи уларда ксенофобия кайфияти тараққий этаётган бўлса-да, уларнинг оммавий ахборот воситаларида этничизм ва ҳатто очиқ расизмга йўналтирилган маҳсус кўрсатувлар, эшиттиришлар доимий равишда ўрин олган. Бундай ҳолатларнинг ҳатто ривожланган Farbий Европа мамлакатларида ҳам кузатилиши юқоридаги фикримизни тасдиқлади. Ҳар бир давлат оммавий ахборот воситалари ўз миллий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда амалиёт юритади. Ҳатто “9/11” воқеалари юз берган вақтда, Америка Кўшма Штатлари радио ва телевидениесига “вазият ружига” тўғри келмайдиган 150 га яқин қўшиқларни эшиттирмаслик тўғрисида маҳсус топширик берилган ва у амалга оширилган¹¹. Эътибор беринг, турли “демократия-

¹¹ Информационная политика. Учебник. Под ред. В.П. Попова. - М.: РАГС, 2003. 56-б.

га, сўз эркинлигига зид ҳолат" қабилидаги популистик мулоҳазалар юритилганича йўқ.

Америкада оммавий ахборот воситаларининг тарғибот машинаси юқори даражада аниқ мақсадда ишлайди. Хар бир канал, газета ёки журналда таҳрирчидан ташқари, албатта, маҳсус мутахассис – *gatekeeper* фаолият юритади. Айнан у ўз аудиторияси нимани ўқиши, кўриши ёхуд нимани эшлиши кераклигини белгилайди.

Буларни айтишимиздан мақсад – маҳаллий оммавий ахборот воситаларининг нафакат ички, балки ташки мухитда ҳам тарғибот-ташвиқот ишларини янада кучлироқ ва доимий равишда фаоллаштириб, жаҳонда ривож то-паётган ва атрофимизда шакллантирилаётган ахборот монополиясига тегишли жавоб бера олиши замонавий ОАВ амалиётининг долзарб вазифаларидан бири эканлигига эътибор қаратиш. Истиқболда эса минтақавий, сўнг жаҳон медиатизимига улкан ҳисса қўша оладиган оммавий ахборот воситаларини шакллантириш ҳам шулар жумласидандир.

Гарчи ахборот сиёсати алоҳида мавзу бўлса ҳам, давлатимиз учун мазкур жараён фуқаролик жамиятининг кучли воситаси ва ривожланишининг бош омилларидан эканини қайд этиш лозим. Энг асосийси, ахборот сиёсати давлат ва фуқаролик жамияти, ҳокимият ва халқ ўтрасидаги конструктив муҳокаманинг энг муҳим мавзусидир.

Умуман олганда, истиқболда оммавий ахборот воситаларига қизиқиш тобора ошиши ва унинг замонавий жамиятдаги роли янада фаоллашуви кузатилади.

Дарҳақиқат, оммавий ахборот воситаларининг жамият олдидаги масъулияти ҳам, ҳеч шубҳасиз, ошиб боради. Шу ўринда, кенг қамровлилиги эвазига фуқароларнинг бирдамлигини шакллантиришда фаол иштирок этувчи мазкур феномен томошабинга аниқ информацион ва психологик йўналишларни тақдим этиш имкониятига эга бўлиб қолади.

Бошқа бир тадқиқотчи Джордж Гербнер ўзининг ом-

мавий ахборот воситаларининг культивация назарияси (*cultivation theory*)¹⁴ да телевидениенинг бутун жаҳон тўғрисидаги умумий қарашлар, қатъий ишонч бериш ро-лига катта ургу беради. Унга қўшимча тарзда американлик экспертлар Паттерсон ва Мак-Клюэр томонидан ишлаб чиқилган *кун тартибини белгилаш назарияси* (*agenda setting theory*) бу борада ўзид кетади. Мазкур назария медианинг ўз аудиторияси ҳиссиятлари таркибини белги-лаб олиш таъсир кучини ифодалайди¹⁵. Олимлар, омма-вий ахборот воситалари тизимида энг катта муваффаки-ятга кишиларга нимани ўйлашни (*what to think*) таклиф этганлар эмас, балки нима ҳақида ўйлаш (*what to think about*) кераклигини ўргатганларгина эришадилар, дейи-шади.

Шу ўринда айтиш жоизки, ахборот коммуникацияла-рининг таъсир этиши кучи авж олган бир паллада, жами-ятда ҳали-ҳануз “телевизорда, радиода айтишди, демак ҳақ гап” қабилидаги фикр-мулоҳазалар бор экан, жами-ятнинг энг заиф гурӯҳи – ёшларнинг фуқаролик позиция-сини шакллантиришда оммавий ахборот воситалари, те-левидение ва Интернетнинг ўрни бекиёс бўлиб қолмоқда.

Бу соҳада американлик медиа тадқиқотчилари бундан ўн йил мукаддам ишлаб чиқкан “рагбат – натижа” моде-ли (*stimulus-response model*)¹⁶ фикримизни тасдиқлайди. Моделга кўра, медиа институтлар ниҳоят даражада куч-ли ижтимоий институтлар, медиа истеъмолчилари (*media consumers*) эса ўта содда ва таъсирга осонгина тушиб қолув-чилардир. Бундай мулоҳазага бир қатор, ҳатто кундалик ҳаётда учрайдиган вазиятлар сабабчи, дейди олимлар. Жумладан, американлик соҳа танқидчилари “The Deer Hunter” (“Кийик овчиси”) фильмни томошасидан сўнг 29 нафар американлик рус рулеткасини ўйнагани (фильмда

¹⁴ Black J., Bryant J. Introduction to Mass Communication. 3rd Edition, 1992.

¹⁵ Ўша манба.

¹⁶ Ўша манба.

мазкур ўйин эпизоди мавжуд - Н.Б.) натижасида оламдан ўтганлиги, Batman ёки Superman каби кийиниб олган бир қатор болалар томдан ўзларини отганлиги натижасида ҳаётдан кўз юмғанликлари каби нохуш ҳодисаларга айнан замонавий ОАВ, хусусан, телевидение ва Интернетни тўғридан-тўғри айблашмоқда. Америкалик тадқиқотчи, машҳур психолог Альберт Бандура ҳам ахборот коммуникацияларини тадқиқ этишда энг кенг қўлланилувчи назариялардан бири – *ижтимоий биллим назарияси* (social learning theory)да массмедианинг таъсир кучини айнан болалар мисолида ўрганиб чиқади. Мазкур назарияга кўра, ахборот воситалари китобхонларни, томошабиннинг ўзига сезиларсиз равишда “тарбиялайди”¹⁷. Олиб борилган тадқиқотларга кўра, болалар телевидение орқали кўрган тажовузкорликни ўрганибгина қолмай, уни амалда қўллашта мойилликлари кучли бўлади. Болалар ва ўсмирларнинг просоциал ҳатти-ҳаракатлари (prosocial behaviors)ни айнан массмедиа дастурларини томоша қилганликларидан сўнг моделлаштиришга интилишлари ҳам кузатилган¹⁸.

Албатта, бу модель, назария юз берәётган нохушликларнинг асл сабабларини изоҳламайди, унда кишини ўйлантирувчи мулоҳазалар ҳам йўқ эмас. Негаки, ахборот воситалари жамиятда тинчлик ва тажовузкорликка қарши маданиятни шакллантириш кучига эга бўлса-да, бугуннинг воқелиги бунинг аксини, яъни ОАВ барча йўналишлари орқали уруш ва зўравонлик тарғиб этилаётганлигининг гувоҳи бўлмоқдамиз.

Умуман олганда, бугунги массмедиага оид тадқиқотларда оммавий ахборот воситалари феноменининг ўзини,

¹⁷ Black J., Bryant J. Introduction to Mass Communication. 3rd Edition, 1992. 50-б.

¹⁸ Ўша манба.

якка кўриб чиқиш эмас, балки унинг аудиторияси ёки аудитория ва медиа ўртасидаги ўзаро муносабат ва таъсирига эътибор кучаймоқда. Кўриб чиқилган ушбу назариялар ахборот истеъмолчилари(аудитория)нинг медиа мухитни чуқур англаш ва шу орқали улар томонидан ўзлари хоҳламаган тарзда, онгсиз равища батамом назорат қилинишларининг олдини олишга кўмаклашади.

Ҳозирда ОАВ жамиятга “тайёр” қадриятларни, ўзини тутиш моделларини таклиф қилмоқда. Мазкур моделлар эса, ўз навбатида, жамиятни бирлаштириши, ижтимоий тарагликни самарали ечиши ёҳуд салбий ҳиссиётларни вужудга келтириши мумкин.

Шундай экан, оммавий ахборот воситаларининг хуқукий доирадан четта чиқмаган ҳолда фаолият юритиши, айниқса, бугунги кунда ўта долзарбdir. Бундай ҳолат оммавий ахборот воситаларининг фойдаси ва зарари, унинг ривожланиш истиқболи юзасидан томошабинлар, ёшлар ва уларниг ота-оналари, журналистлар, реклама берувчилик, ўқитувчи ва олимларниг фикрларини доимий равища кузатиб боришни талаб қиласди. Яъни, мамлакатимизда ҳакиқий, кенг қамровли жамоат назоратининг ўрнатилиши бугунниг долзарб вазифаси бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов оммавий ахборот воситаларининг жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти ҳақида фикр юритар экан, жумладан қуйидагиларни таъкидлаб ўтган: “Мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий барқарорлик жамоатчилик фикрининг ҳолатига етарли даражада боғлиқ бўлиб, уни шакллантиришда бошка бир ижтимоий институттга – оммавий ахборот воситаларига мухим ўрин берилади. Оммавий ахборот воситалари мамлакатда юз бераётган жараёнларга турлича қарашларни эркин ва холис ифодалашга қодир бўлиши, ҳокимият билан жамоат ўртасидаги холис воситачи бўлиши зарур”¹¹.

¹¹ Каримов И.А. Ҳавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-ж.
-Т.: Ўзбекистон, 1998. 154-б.

Таъкидлаш жоизки, оммавий ахборот воситалари ташкилий-хукуқий базасининг такомиллашуви уларнинг сифат даражасини орттиришга қаратилган. Сўнгти ўн ийл мобайнида босма оммавий ахборот воситаларининг сони 1,5 баробар, электрон оммавий ахборот воситаларининг сони эса 7 баробар кўпайиб, бугунги кунда уларнинг умумий сони қарийб 1200 тага етди. Мавжуд телеканалларнинг қарийб 53 фоизи, радиоканалларнинг эса 85 фоизи нодавлат оммавий ахборот воситалари ҳисобланади. Оммавий ахборот воситалари Ўзбекистонда яшайдиган миллат ва элатларнинг 7 та тилида фаолият олиб боради, шунингдек, босма материаллар ва телекўрсатувлар инглиз тилида ҳам тарқатилмоқда.⁵¹

Дарҳақиқат, бугун оммавий ахборот воситалари замонавий жамиятни жамлаб туришда, уни бирлаштиришда муҳим роль ўйнамоқда.

Умуман олганда, бу комплекс феномен бизнинг атроф муҳитимизни, ўй-қарашларимизни истиқболда белгилашта қодир. Медиа бизнинг қундалик тартиботимиз, нимани муҳокама қилишимиз, нима ҳақида ўйлашимизгача бўлган ҳолатларни белгилаш кучига эга; жамият ичида, сиёсий тизимда ижтимоийлашувимиизда кўмаклашади, ҳатто турли йўллар билан воқеликларни борлигича қабул қилиш ёки улардан четлашиш кабиларга ҳам ёрдам беради.

Бугун бутун дунё мунтазам равишда медиа инқилоби даврини бошидан кечирмоқда. Бунда гап массмедиа соҳасидаги кескин технологик ўзгаришлар ҳақидагина бораётгани йўқ. Асосий масала оммавий ахборот воситаларининг ижтимоий роли ўзгараётганлигидadir. Агар ОАВ ўн ийл илгари жамиятда юз бераётган ҳодисаларни акс эт-

⁵¹ Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруzasи // Ўзбекистон Республикаси Сенатининг расмий сайти: <http://www.senat.uz/uz/news/2010/president-islam-karimovs-report-at-the-session-12-11-2010.html>

тирган бўлса, эндиликда, бу соҳанинг ўзи ўзгараётганлиги кузатилмоқда ва мана шу ўзтариш замирида бутун жаҳон тараққиёти тенденцияларини кўришимиз мумкин. Умумлаштириб айтганда, эндиликда оммавий ахборот воситалари ижтимоий жараёнларни намоён этмайди, уларнинг ўзи ушбу жараённинг бош элементи бўлиб қолди.

Замонавий босма оммавий ахборот воситалари ёки радиоларнинг мумкин қадар қисқа ва энг асосийси кўзга ташланадиган маълумотларга берилиб кетаётганлигининг ҳам гувоҳи бўлишимиз мумкин. Бунинг сабаби сифатида ахборотнинг тарқатилиши, манзилигача етказилишидаги тезликнинг ошиши, ўқувчи-китобхоннинг, тингловчининг катта ҳажмдаги маълумотларни “ҳазм қила олмаслиги”, муаллиф фикри кетидан ултурмаётганлиги кабиларни кўрсатиш мумкин.

Оммавий ахборот воситаларининг аксарияти ўқувчини “ортиқча маълумот билан юклаш”ни четлаб ўтади. Натижада, қисқа, таҳлилсиз, кишини мушоҳадага мажбур қилмайдиган “қайнок” хабарлар босма ахборот воситаларининг асосий маҳсули бўлиб қолаётганлигига амин бўлмоқдамиз.

Тўғри, ахборотнинг ҳаддан ортиқ сингдирилиши натижасида ўқувчининг у ёки бу маълумот ёки хабарни қабул қилиши ҳам ўзгаради. Аммо бунга ён босиш қанчалик ўринли эканлиги алоҳида масала. Бу борада мазкур соҳа мутахассисларининг ўз аудиториясини аниқ-равшан аниқлаб, уларни чуқур ўрганиб, манзилли хабар тарқатишга мослашишлари мақсадга мувофиқдир.

Умуман олганда, радио, телевидение, газета ва журнallарнинг фаолиятдан тўхтаб қолиши ўнлаб йиллар давомида башорат қилинган. Янги ахборот технологияларининг тараққиёти заминида бу каби фикрлар яна ҳам кенг тарқалади. Қайд этиш керакки, газета ва журналларни Интернетда ўқиш ривожланмоқда. Анъанавий ахборот воситалари олдида “келгусида қандай қилиб, пул топиш мумкин”, деган табиий савол туғилмоқда.

Шубҳасиз, янги форматлар ишлаб чиқилиши давом этади. Шундай экан, ҳозирданоқ босма ахборот воситалари ўз электрон версияларини шакллантиришга киришишлари, мультимедиатизация томон ҳаракатланишлари, истиқболда уларнинг ўз манфаатларига жавоб бера олиши мумкин. Айни вақтда, ҳам матн, ҳам расмлар, аудио ва видеога эга янгича битта етук маҳсулот бугун янгилик эмас, яқин келажакда у замон талабига айланиши ҳеч гап эмас.

Оммавий ахборот воситалари бугунги кун амалиётида учраётган яна бир тенденция бу – «қалбаки» журналистиканинг ривожланаётганлигидир. Яъни, ижтимоий тармоқлар авж олаётган асрда анъанавий оммавий ахборотлар билан бугун ҳар қандай Интернет фойдаланувчиси рақобатлашиши мумкин.

Илгари у ёки бу ахборотни тарқатишда профессионал журналистлар монополияга эга эди. Газета ва журналлар, телевидение ва радио маълумотни ўз мухбирларидан қабул қилиб, уни ихтисослашган эксперталар таҳлил қилганидан сўнг маҳсус каналлар орқали тарқатар эдилар.

Оддий киши маълумотни на олиши, на тарқатиши мумкин эди. Тўғрироғи, бунинг иложи йўқ эди. Журналист ахборот истеъмолчиси ва маълумот ўртасида воситачи эди. Юқорида айтганимиздек, Интернетнинг пайдо бўлиши, кейинчалик ижтимоий тармоқларнинг кенг тарқалиши, телекоммуникациялар соҳасида улкан тараққиёт – буларнинг бариси дунёни гўёки бошдан сёёқка ағдарди.

Эндиликда Интернетга кириш имкониятига эга ҳар қандай киши ўзининг шахсий Интернет журналини очиши мумкин. Блоггерлар кундан-кунга (Интернет-кузатувчилари (follower) кўпайиши ҳисобига) анъанавий ОАВ билан tengma-teng фаолият юритмоқда. Яъни, улар ахборот соҳасида янгича кун тартибини шакллантиришга ҳам киришишмоқда. Араб дунёси ва Фарбий Европада бир йилдан ортиқ вақт мобайнида давом этаётган ва кундан-кунга

авж олаётган ҳодисалар айнан кент оммага, ташқи таъсирга мойил бўлган ёшларга тўғридан-тўғри, баъзан очиқча тажовузкор ҳолда, яъни тўхтовсиз, қайта-қайта тақрорланадиган хабарлар (post) орқали мурожаат қилиш имкониятига эга блогтерларнинг маҳсулидир.

Юқорида қайд этганимиздек, ахборот хуружи даврида турли усууллар, шу жумладан, турлича талқин усули кенг кўлланмоқда. Сўнгти воқеалар мисолида ушбу феноменинг авж олишини кузатиш қийин эмас. Хусусан, араб инқилобларининг ғарбий оммавий ахборот воситалари томонидан ёритилишига эътибор қаратсак. Ушбу жараёнда ғарбий медиа асосий гапни фақатгина битта томонга – қўзғолончиларга тақдим этди, яъни фақатгина уларнинг позицияси тарғиб этилмоқда, улар томонидан кўрилаётган талафотларгина ёритилмоқда. Сурия президенти Башар Асаднинг энг яқин сафдоши – республика гвардиясининг генерали Манаф Тласнинг мамлакатдан қочгани тўғрисидаги хабарлар ғарбий, хусусан, Америка оммавий ахборот воситалари томонидан тинмай берилган. Лекин унинг кўп вакт ўтмай ватанига “тўсатдан” қайтиб келиши худди шу медиа вакилларининг эътиборидан четда қолганлигини кўриш мумкин.

Шундай қилиб, бугун ахборот истеъмолчилари янги муаммога дуч келмоқда. Бу оддий холисликнинг мавжуд эмаслиги. Истеъмолчилар “тоза” шаклдаги, фақатгина далилларга асосланган ёки муаллиф нуқтаи назари акс этган маълумотларга муҳтоҷ эмас. Жамиятда чуқур маъноли, ҳақиқий сифатга эга бўлган эҳтиёж кучаймоқда. Яъни, гап ахборот ғавғоси, ҳиссиётлар, кераксиз маълумотлардан холи ахборотга эҳтиёж кучаяётганлиги ҳақида кетмоқда.

Оммавий ахборот воситаларининг замонавий амалиёти билан боғлиқ яна бир ўта долзарб муаммо мавжуд. Бугунги кунда телевидение ва радио бўладими, босма ахборот воситалари, кино, мусиқа олами бўладими – барчаси бераётган маҳсулотларининг сифати ва савияси жа-

миятни аста-секинлик билан деградация сари боришига замин яратади.

Эрмак учун тайёрланган дастурлар бугуннинг ёшлари томоша қиласидиган Farb ва бошқа оммавий ахборот воситаларининг барча жабҳаларида кузатилмоқда. Бундан ярим аср аввал канадалик машҳур файласуф Маршалл Маклюэн ўзининг «Understanding Media: The Extensions of Man» («Медианинг англаш») асарида: «Демократик эркинликлар кўп жиҳатдан кишиларнинг сиёсатда юз бераётган воқеаларнинг улар ҳаётига таъсир қилишини англаш билан эмас, балки соchlаридаги қазғоқ, ичак юришиши муаммолари, касалманд милклар, ортиқча вазн ва қон айланиши кабилар уларнинг хаёлларини машғул этаётганлиги билан изоҳланади»²¹, деган ярим киноя, ҳажвия тарзида айтилган сўзлари бугуннинг даҳшатли ҳақиқатига айланиб қолмоқда.

Хулоса ўрнида, соғлом мантиққа асосланиб, яқин келажакда медиа бозорида энг юқори профессионал журналистик андазаларга жавоб бера оладиган, мукаммал ижтимоий воқеликда жамиятимизнинг бош таянчи бўлмиш – ёшларга ўринли йўналиш кўрсата оладиган, замонанинг ва шиддат билан ўзгараётган борликнинг доимий дол зарб саволларига жавоб бера оладиган, жамият олдидаги маъсулиятни батамом ҳис қилган ҳолда фаолият юритадиган оммавий ахборот воситаларининг ҳукмронлиги ўрнатилишига ишонч билдириб қоламиз.

²¹ McLuhan M. Understanding Media: The Extensions of Man. 1964.

Ўзбекистонда оммавий ахборот воситалари фаолиятининг ҳукуқий асослари ва жамоатчилик назорати

Ақмал Қамбаров,

**“Фуқаролик жамияти асослари” кафедраси
бош методисти**

Ўзбекистонда ахборот соҳасини ривожлантириш демократик ҳукуқий давлат қуриш ва эркин фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим омили ҳисобланади.

Шу боис, ҳозирда оммавий ахборот воситаларини эркинлаштириш, уларнинг фаолиятига умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқ меъёrlари ва демократик андазаларни жорий этиш орқали ўзига хос механизмни шакллантириш масалаларига фикр ва ахборот эркинлигини таъминлаш, мамлакатни модернизация қилиш, демократлаштириш ва шу билан бирга, жамоатчилик назоратини ўрнатишнинг муҳим шарти сифатида қаралмоқда.

Истиқололга эришганимиздан кейинги йигирма йиллик давр мобайнида мамлакат ва жамият ҳаётида кенг кўламли янгиланишлар рўй берди. Бошқа соҳаларда бўлгани каби, ОАВ фаолиятида ҳам туб ўзгаришлар амалга оширилиб, уларнинг мамлакатимиздаги фаолияти қисқа давр ичидаги демократик қадриятлар асосида бутунлай янгидан ташкил этилди. Биринчи навбатда, соҳанинг ҳукуқий базасига эътибор қаратилди ҳамда ахборот ва сўз эркинлиги бош қомусимиз – Конституцияда мустаҳкамлаб қўйилди. Шу билан бирга, бу борада мустаҳкам қонуний асосларни яратиш максадида ривожланган давлатлар тажрибасини ўрганишга катта эътибор берилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2011. 29-ва 67-моддалар.

Инсон ҳукуқлари халқаро умумжағон декларацияси, Фуқаровий ва сиёсий ҳукуқлар тұғрисидаги халқаро пакт, Ўзбекистон Республикасининг халқаро ташкилоттар ва бошқа давлатлар билан ахборот сиёсатига доир тузған битим ва шартномалари бугунги кунда оммавий ахборот воситаларининг халқаро ҳуқуқий асослари ҳисобланади. Мазкур ҳуқуқий ҳужжатлар ахборотни излаш, олиш, тарқатиши жараёнлари ва оммавий ахборот воситалари фаолиятини бевосита ёки билвосита тартибга со-лувчи нормалардир.

Юртимизды ОАВлар соҳасидаги қонунчиллик тарихига эътибор берадиган бұлсак, мустақиллігимизнинг ilk йилларидаёқ, яъни 1991 йилнинг 14 июнида Ўзбекистон Республикасининг «Оммавий ахборот воситалари тұғрисида»-ги Қонуни қабул қилинди.² 1997 йил 26 декабрда эса «Оммавий ахборот воситалари тұғрисида»ги янги Қонун жорий этилгач, дастлабкиси ўз кучини йўқотди.³ 2007 йилнинг 15 январидан эса «Оммавий ахборот воситалари тұғрисида»ги Қонунта киритилған тузатишлар кучга кирди ва тұлиқ амал қила бошлади. Бундан кўриниб турибидики, оммавий ахборот воситалари соҳасидаги қонунлар юкорида келтирилған ҳамда бошқа умумэътироф этилған халқаро ҳуқуқий ҳужжатларни назарда туттан ҳолда та-комиллаштириб борилмоқда.

Хозирда умумий қонунлар (Ўзбекистон Республикаси Конституцияси), кодекслар (Фуқаролик, Жиноят кодекслари) ҳамда оммавий ахборот воситалари фаолиятига бевосита алоқадор бўлган маҳсус ҳуқуқий ҳужжатлар

² Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси расмий сайти: http://www.lex.uz/Pages/GetAct.aspx?lact_id=139006

³ Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси расмий сайти: http://www.lex.uz/Pages/GetAct.aspx?lact_id=1106870

⁴ Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси расмий сайти: http://www.lex.uz/Pages/GetAct.aspx?lact_id=1106870&search_text=

(ОАВ, реклама тўғрисидаги қонунлар), Ўзбекистон Республикаси Президентгининг фармон ва қарорлари, хукумат қарорлари, Адлия вазирлиги томонидан белгилантан тартибда рўйхатдан ўтказилган идоравий мөъерий хужжатлар ОАВ фаолиятини тартибга солишнинг ҳуқуқий негизи ҳисобланади.

Юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, юз берётган жараёнлар шунчалик тез ва кенг қамровни ташкил этдики, бугунга келиб амалга оширилаётган ўзгаришлар ва қабул қилинаётган қонунлар яна кўп йилларга хизмат қилиши учун айримларини қайта ишлаш, баъзиларига эса ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, янгиларини қабул қилиш зарурлиги аён бўлиб қолди.

Ўзбекистон Республикасининг “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида” ва “Ноширлик фаолияти тўғрисида”ги қонунларига мувофиқ ҳамда мамлакат ижтимоий ҳаётини демократлаштириш ва эркинлаштириш шароитида республика аҳолисининг ахборотга бўлган талаб-эҳтиёжларини янада тўликроқ қондириш, оммавий ахборот воситалари, ноширлик ишлари ва матбаачиликни кенг кўламда ривожлантиришга қўмаклашиш, ахборот жизматларининг замонавий бозорини шакллантириш мақсадида 2002 йилнинг 3 июлида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-3103-сонли «Матбуот ва ахборот соҳасида бошқарувни такомиллаштириш тўғрисида» ги Фармони эълон қилиниб, Ўзбекистон давлат матбуот қўмитаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги этиб қайта ташкил этилди. Бу ҳам, ўз навбатида, юқоридаги узоқ муддатли мақсадни кўзлаб амалга оширилган вазифалардан бири бўлди.

2005 йил 28 январдаги Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида ОАВни мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг давомий қисми си-

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси расмий сайти: http://www.lex.uz/Pages/GetAct.aspx?act_id=156830

фатида ривожлантиришга доир вазифалар давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилди ОАВни ривожлантиришнинг янги босқичига киришилди. Давлатимиз раҳбари томонидан ахборот соҳасини ислоҳ этиш бўйича чоратадбирларнинг асл моҳияти фуқаролик жамиятини барпо этишда оммавий ахборот воситаларининг мустақил институт сифатида шаклланиши, сиёсий ҳокимият ва фуқаролар ўртасидаги муносабатларни тартибга солишда очиқлик ҳамда фуқароларнинг ахборот соҳасидаги конституциявий хуқуқларини тўлиқ таъминлашдан иборат.

Маълумки, ОАВнинг эркинлиги ва мустақиллигини янада мустаҳкамлаш муаллифлик хуқуқлари ва интеллектуал мулкни ишончли ҳимоя қилишнинг хукукий кафолатлари ҳамда механизмларини ишлаб чиқиш ва кучайтириш, ахборот соҳасига бозор механизмларини жорий қилиш билан бевосита боғлиқ. Ушбу вазифаларни амалга ошириш мақсадида 2005-2009-йиллар давомида «Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида», «Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида», «Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-куватлаш кафолатлари тўғрисида», «Жамоатчилик телевидениеси тўғрисида», «Кабель кўрсатувлари тўғрисида»ги қонунларни қабул қилиш, шунингдек, «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида», «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги ва бошқа қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш таклиф этилди.¹

Президентимизнинг 2010 йил 12 ноябрдаги Парламент палаталари қўшма мажлисида сўзлаган “Мамлакатимиз-

¹ Йулдошев А. Оммавий ахборот воситалари демократик қадриятларнинг ҳимоячиси сифатида. // “Адолат” газетаси. 2012 йил 13 январь.

Қаландаров Д. ОАВ фаолиятини ривожлантириш эркин фуқаролик жамиятини шакллантиришга хизмат қиласди. // “Inson va qonun” газетаси. 2012 йил 14 ноябрь.

да демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" номли маъruzасида таъкидланганидек, юртимиизда охирги 10 йил мобайнида оммавий ахборот воситаларини янада либераллаштириш, сўз эркинлигини таъминлашга қаратилган кенг қамровли ташкилий-хукукий чора-тадбирлар амалга оширилди. Ушбу давр мобайнида оммавий ахборот воситаларини эркин ва жадал ривожлантиришга, ахборот соҳасининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган 10 дан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилинди.¹ Бугунги кунда ушбу қонунлар ОАВ эркин фаолиятининг ҳукукий кафолати бўлиб, ахборот бозори иштирокчилари фаолиятининг самарадорлигини кучайтириш ва уларнинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, қўшимча иқтисодий преференциялар яратиш ва миллий ахборот маконини изчил ривожлантиришни таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишни назарда тутади. Таҳририятлар фаолиятига бозор механизмлари ва Интернет имкониятларини янада кенгроқ жорий этиш, ҳудудий нашрларнинг моддий-техник салоҳиятини мустаҳкамлаш, ёш журналист кадрларнинг малака оширишини янада кенгайтириш шулар жумласидан. Матбуот хизматининг роли ва ўрнини кучайтириш, веб-сайтлар фаолиятини замон талабларига мос ва миллий қадриятларимизга мувофиқ ташкил этишда ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш алоҳида аҳамиятга зга.

Бугун концепцияда белгиланган вазифалар ижроси

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлиси тўғрисида ахборот. / Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатаси расмий сайти: <http://www.parliament.gov.uz/uz/events/chamber/2550>

Мамлакатимиэда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2010 йил 13 ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъruzаси. // "Халқ сўзи" газетаси. 2010 йил 13 ноябрь.

юзасидан изчил ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, илгари сурилган янги қонунчиллик ташаббусларини рўёбта чиқариш, айниқса, нодавлат оммавий ахборот воситаларини модернизация қилиш жадаллаштирилмоқда. 2011 йилда мазкур соҳа моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳиятини мустахкамлаш мақсадида 19 та таҳририятнинг лойиҳалари молиялаштирилди, 100 га яқин нашрга грантлар ажратилди. Худудий нашрларнинг 350 нафардан зиёд ёш журналистлари пойтахтимиздаги етакчи таҳририятларда малака оширди.¹⁰

2011 йилнинг 30 декабрида Президентимизнинг “Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун кўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида”ги Қарори ҳам оммавий ахборот воситалари соҳасини ривожлантиришга қаратилган амалий чора-тадбирлардан бири бўлди.¹¹

Ушбу Қарор оммавий ахборот воситалари, нашриёт, полиграфия корхоналари ва матбуот тарқатувчи ташкилотлар фаолиятини янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва шу асосда оммавий ахборот воситалари мустақиллигини таъминлаш, ахборот соҳасини ривожлантиришда, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамият назоратини ўрнатишда уларнинг ролини оширишни назарда тутади. Жумладан, 2012 йилнинг 1 январидан бошлаб, оммавий ахборот воситалари таҳририятлари ва нашриётлар ижтимоий-сиёсий ҳамда болалар адабиётини, имкониятлари чекланган шахслар (кўзи оқизлар, кар-соқовлар ва бошқалар) учун адабиётларни сотишдан олинган фойдалан фойда солиги ҳамда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солигини тўлашдан,

¹⁰ Ўзбекистон нодавлат нотижкорат ташкилотлари миллий ассоциацияси расмий сайти: <http://ngo.uz/index.php?newsid=3924>

¹¹ Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси расмий сайти: http://www.lex.uz/Pages/GetAct.aspx?act_id=1931351

тахририятлар, нашриёт ва босмахоналар оммавий ахборот воситаларининг маҳсулотлари, китоб маҳсулотлари сотиш ва уларнинг нусхаларини кўпайтириш бўйича хизматлардан олинадиган даромадлар қисмида Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармасига ҳамда Таълим ва соғлиқни сақлаш муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмаларни тўлашдан озод этилиши белгилаб кўйилди.¹²

Мазкур Қонуннинг қабул қилинishi оммавий ахборот воситалари, нашриёт, полиграфия корхоналари ва матбуот тарқатувчи ташкилотларни янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар ва омилларни яратиш, бунинг асносида оммавий ахборот воситалари мустақиллигини таъминлаш, ахборот соҳасини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Умуман, мустақиллик даври оммавий ахборот воситалари ҳақида гап кетганда, яна шуларни таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда “Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари” тамойили ҳаётга изчиллик билан татбиқ этилаётган бир пайтда, фуқаролик жамияти институтлари соҳасига ҳам катта зътибор қаратилиб, улар фаолиятининг ҳукуқий-меъёрий ва ташкилий пойдевори яратилди ҳамда замон талаблари асосида такомиллаштирилмоқда.

2002 йилнинг апрель ойида бўлиб ўтган Олий Мажлиснинг Иккинчи чақириқ 8-сессиясида Юртбошимиз шундай деган эди: “Жамиятимизда нодавлат, жамоат ташкилотларининг, аввало, фуқаролик институтларининг ривожланишига кенг имкониятлар очиб бериш ва уларнинг фаоллигини оширишга кўмак ва ёрдам кўрсатиш даркор.

Барчамиз бир ҳақиқатни хаёлимиздан чиқармаслигимиз зарур. Яъни, ҳар қандай давлат тизими, унинг аппарати ва маъмурий органлари демократик андазаларга қан-

¹² Ўша манба.

чалик жавоб бермасин – барибир ўз кучини, қолаверса, ўз зўравонлигини ўтказишга ҳаракат қиласиган тизим бўлиб қолаверади.

Шунинг учун ҳам давлат идоралари, аввало, унинг маъмурий органлари ва ташкилотлари устидан жамият ҳамда фуқаролар назоратини ўрнатиш бутун дунёда қонунбузарликка, берилган ваколат ва вазифасини сунис-теъмом қилишга, коррупцияга қарши, айни вактда, барча ўзбошимчалик ва волюнтаристик қарорларни қабул килишининг олдини олишга қаратилган чора-тадбир, дебтан олинади.

Кенг жамоатчилик ўртасида мана шундай тушунтиришга ҳаракат қилиш ва биз учун мутаносиб қонун ва меъёрий хукуқларни бу йўналишда ишлаб чиқиш, уларни амалиётда кўллаш биз қураётган демократик жамиятнинг энг муҳим асосларидан бири бўлмоғи зарур.”¹³

Пировардида, нодавлат нотижорат ташкилотларининг жамиятда тутган ўрни ва таъсири тобора кучайиб бораёт-тир. Улар радио ва телевидение, нашриёт, аёллар ва ёшлар, экология, иқтисодиёт, таълим, ижтимоий-гуманинтар ва хукуқий йўналишларда самарали фаолият юритиб келаётгани фикримиз далили.

Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари Миллий ассоциация таркибида 400 дан зиёд ННТни бирлаштирган ҳолда “учинчи сектор”ни ривожлантиришда фаол қатнашмокда. Жумладан, у Президентимиз томонидан тақдим этилган “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”да илгари сурилган “Давлат ҳокимиёти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”, “Ижтимоий шериклик тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида”,

¹³ Усманов Г.И., Асьянов Ш.М. Ўзбекистон Республикасида нодавлат нотижорат ташкилотларни рўйхатдан ўтказиш ва уларнинг фаолиятига доир саволлар ва жавоблар (амалий қўлланма). Хукуқий муаммоларни ўрганиш маркази // “Санъат” журнали. – 2009 йил. 1-сон.

"Экологик назорат түғрисида"ти қонун лойиҳаларини тайёрлаш ва муҳокамаси жараёнларида фаол иштирок этапти. Шу билан бирга, Давлат дастуридан келиб чиқиб, "Мустаҳкам оила: ҳуқуқий мустаҳкам, маънавий бой, иқтисодий барқарорлик йўлида" номли давлат ижтимоий буюртмаси, "ННТ салоҳиятини ошириш" дастури амалиётга жорий этилмоқда.

Айни пайтда, ахборот соҳасини демократлаштириш борасидаги долзарб вазифаларни ҳал этишда фуқаролик жамияти институтлари фаол иштироки йўлга қўйилган бўлиб, уларнинг фаолияти ОАВни янада либераллаштириш, фуқароларнинг демократик ислоҳотлар жараёнларидаги фаол иштирокини таъминлашга қаратилган.

Ушбу йўналишда бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларни кўллаб-куватлаш Жамоат фонди, Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмаси, Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-куватлаш ва ривожлантириш Жамоат фонди, Ўзбекистон Миллий электрон ОАВ ассоциацияси, Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази фаол иш олиб бормоқда.

ОАВ фаолиятини эркинлаштириш ҳамда ННТ ролини ошириш асосида жамоат назоратини шакллантириш мамлакатнинг узоқ муддатли мақсадига, яъни унинг замонавий ривожланган, демократик давлатлар қаторидан ўрин эгаллаши, халқимиз учун муносаб турмуш даражаси ва дунё ҳамжамиятида муносаб ўрин эгаллашга эришиш энг муҳим вазифа сифатида белгиланмоқда. Айнан шу боис мустақил Ўзбекистон ҳал этган биринчи даражали вазифалар қаторида нафақат қонунчилик базасини яратиш, балки матбуотни одамлар юз берадиган воқеаларга ўз фикр ва ғоялари, нуқтаи назари ва муносабатини очик ифода этадиган эркин минбарга айлантириш учун кунда-

¹⁴ Худойшукуров З. Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва ОАВ. // "Халқ сўзи" газетаси. 2012 йил 28 июль.

лик ҳаётда реал имкониятлар яратиш, бу борадаги барча тўсиқларни бартараф этиш, бугунги кунга мос келмайдиган эскича қараш ва ёндашувлардан тўлиқ воз кечиш вазифаларини белгилади. Шу мақсадда Миллий матбуот маркази ташкил этилиб, фуқаролик жамияти асослари шаклланадиган Ўзбекистонда ОАВнинг жамият ва давлат манфаатларини уйрунлаштириш институти сифатидаги мақомини ошириш, жамиятда рўй берадиган ижтимоий-сиёсий аҳамиятта молик воқеаларни ОАВ вакиллари иштирокида таҳлил этиш, сиёсий институтлар, вазирликлар, йирик уюшма ва компаниялар ҳаётида юз берадиган янгиликларни кент жамоатчиликка етказиш унинг асосий вазифаси қилиб белгиланди.

Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, 2012 йил 27 июль куни Ўзбекистон босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш Жамоат фонди томонидан Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди билан ҳамкорликда “Фуқаролик жамияти институтлари тизимида ОАВ ўрни ва ролини ошириш масалалари” мавзусида анжуман ўтказилиб, ундан мақсад Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 27 июнь куни матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган табригида белгиланган янги жамият, янги ҳаёт барпо этиш, мамлакатни янгилаш ва модернизация қилиш, ишлаб чиқариш суръатларини ошириш, иқтисодиёт ривожига тўсиқ бўлаётган муаммоларни ҳал этиш, давлатимизнинг ички ва ташки сиёсатини амалга оширишда ОАВ роли ва аҳамиятини мустаҳкамлашга доир муҳим вазифаларни муҳокама этишдан иборат бўлди.¹⁵

Анжуман давомида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли демократик ислоҳотлар очиқлиги ва ошкоралигини таъминлаш, фуқаролар ҳукуқий мадани-

15 Бозорова Д. Фуқаролик жамияти институтлари тизимида журналистлар ўрни. // “Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш” газетаси. 2012 йил 12 апрель.

яти ва ҳуқуқий онгини юксалтириш, самарали жамоатчилик назоратини амалга оширишда ОАВ ролини янада кучайтириш ҳамда журналистлар касбий билимлари ва малакаси, тажриба ва маҳорати, масъулиятини ошириш ва уларнинг фуқаролик позициясини мустаҳкамлаш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Анжуман қатнашчиларининг умумий фикрига кўра, Ўртбошимиз томонидан ишлаб чиқилган “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси”нинг қабул қилиниши жамият ва давлатнинг принципиал жиҳатдан янги ривожланиш босқичида демократлаштириш ва модернизациялаш, ахборот соҳасини либераллаштириш ҳамда сўз ва ахборот эркинлитетини таъминлаш жараёнларига кучли ижобий туртки берди. У ОАВни реал тўртинчи ҳокимиятга айлантириш, аҳоли сиёсий фаоллигини ошириш, фуқаролар ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини юксалтириш учун муҳим дастуруламал бўлди.


Анжуман якунида 20 дан зиёд нодавлат босма ОАВ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятиятининг бошқа институтларини кўллаб-қувватлаш Жамоат фондининг “Мустақил оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, журналистларнинг касб маҳоратларини такомиллаштириш, мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотлар сиёсати ошкоралиги ва очиқлигини таъминлаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти, ҳуқуқий билимлари ва ҳуқуқий онгини юксалтириш” мавзусидаги 18-грант танлови голиблари деб топилиб, уларга 300 млн. сўмдан ортиқ грант маблағлари ажратилди.

Бугун мустақил ОАВни ривожлантириш ва кўллаб-қувватлашга берилаётган эътибор, сўз ва ахборот эркинлитетини таъминлаш бўйича комплекс ташкилий-ҳуқуқий чоратадбирлар амалга оширилиши натижасида нодавлат радио ва телестанциялар, босма нашрлар ва агентликлар

тармоги жадал ривожланди. Куйидаги диаграммаларда ахборот соҳасида юз берган ўзгаришлар рақамлар ва статистик кўрсаткичлар орқали яққол намоён бўлади.

1-диаграммага назар ташласақ, 2000 йилда республикада рўйхатга олинган милллий ОАВ сони 700 га яқин бўлган бўлса, бугун уларнинг сони 1292 етди. ОАВ умумий сонидаги нодавлат сектор улуши эса 14,2% дан 58,2%гача ўсди. Айниқса, худудий ОАВ орасида фаол ўсиш кузатилмоқда, уларнинг сони 2000 йилдан 2012 йилгacha бўлган даврда 2 баробарга кўпайди. Эътиборлиси шундаки, 1991 йилда давлатга қарашли битта телевидение ва радиодан бошқа бундай оммавий ахборот воситасининг ўзи мавжуд эмас эди.

1-диаграмма. Ўзбекистонда ОАВ сонининг йил сайин ортиши¹¹.




Ўзбекистон Республикасида оммавий ахборот воситалари фаолияти, ривожланиши, эркинлиги кафолатлари тўғрисида таҳлилий маълумот (01.07.2012 й. ҳолати). / Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг расмий сайтига: <http://www.api.uz/uz/content/statistics>

2008-2012 йиллар мобайнида мамлакатимизда фаолијат юритаётган нодавлат ОАВни кўллаб-қувватлаш мақсадида давлат бюджетидан давлат грантлари, ижтиомий буюртмалар ва субсидиялар шаклида 5,5 млрд. сўмдан ортиқ маблаг ажратилди.¹⁷

Бугун нашр этилаётган газета-журналларнинг 52 фоизини, эфирга узатилаётган телерадиоканалларнинг 87 фоизини нодавлат ОАВ ташкил этади (2- ва 3-диаграммалар). Уларнинг умумий улушкидаги нисбати эса 60 (нодавлат) га 40 (давлат) фоизни ташкил этади (4-диаграмма).

2-диаграмма. Давлат ҳамда нодавлат босма (газета, журнал, ахборотнома) ОАВ умумий миқдорининг фоиздаги нисбати (01.07.2012 ҳ.к.)¹⁸.




¹⁷ Фуқаролик жамияти институтлари тизимида ОАВ ўрни ва ролини ошириш масалалари. / Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини кўллаб-қувватлаш жамоат фонди расмий сайти: <http://www.fundingo.uz/uz/node/394>

¹⁸ Ўзбекистон Республикасида оммавий ахборот воситалари фаолияти, ривожланиши, эркинлиги, кафолатлари тўғрисида тахлилий маълумот (01.07.2012 й. ҳолати). / Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг расмий сайти: <http://www.api.uz/uz/content/statistics>


Ривожланган давлатлар тажрибасига эътибор берсак, нодавлат босма оммавий ахборот воситалари мустақил ижтимоий институт ҳисобланиб, ҳокимиият ва фукаролар ўртасидаги боғловчи сифатида фаол иштирок этади. Бир томондан, нодавлат босма оммавий ахборот воситалари давлат ҳокимиияти муассасалари томонидан чиқарилган қонун, фармон, қарор ва бошқа ҳукуқий-меъёрий ҳужжатлар кўринишидаги зарурий ахборотни етказишида энг самарали воситага айланган бўлса, иккинчи томондан, улар фукаролар давлат ҳокимиияти органларига ўз сўров ва таблари билан мурожаат қилишида, уларнинг фаолияти тўғрисидаги фикр-мулоҳаза ва таклифларини билдиришида ва, билан бирга, улар устидан жамоатчиллик назорати ўрнатишнинг энг мақбул воситаси ҳисобланади.

З-диаграмма. Давлат ҳамда нодавлат электрон (ТВ, радио, веб-сайт, АА) ОАВ умумий миқдори нисбати (01.07.2012 х.к.)¹³.




¹³ Ўша манба.

4-диаграмма. Давлат ҳамда нодавлат ОАВ умумий миқдори нисбати (01.07.2012 ҳ.к.).



Бугун республикада телеканал, радиоканаллардан ташқари веб-сайтлар ҳам ОАВ сифатида рўйхатдан ўтказилмоқда. Бир сўз билан айтганда, соҳада энг тез ривожланаётган тармоқлар ҳам айнан электрон ОАВ ҳисобига тўғри келади. Қўйидаги 5-диаграммада (01.07.2012 йил ҳолатига кўра) рўйхатга олинган умумий ОАВ сонида уларнинг тури бўйича улушкини кўриш мумкин.

5-диаграмма. Ўзбекистонда рўйхатга олинган ОАВнинг тури бўйича сони (01.07.2012 ҳ.к.)¹⁰



¹⁰ Ўша манба..

¹¹ Ўша манба..

Бундан кўриниб турибдики, электрон, яъни веб-саҳифалар орқали ахборот алмашиниувини ривожлантириш соҳасига эътибор қаратилаётганига қисқа вақт бўлганига қарамай, шу давр ичида ўзининг қулайлиги, тезкорлиги туфайли сони бўйича журналлар улушкига етиб олмоқда, шу билан бирга, ОАВнинг тез ривожланаётган турларидан бирига айланиб улгурди.

Ўзбекистонда сунъий йўлдош орқали телерадиодастурларни тарқатиш йўлга кўйилгач, дунёning 180 та мамлакатига 28 та йўналиш бўйича тўғридан-тўғри чиқадиган халқаро каналлар ташкил этилди. Юртимиз телерадиодастурлари Интернет тармоли орқали реал вақт режимида жаҳонга узатилмоқда. Яна бир аҳамиятли жиҳати шундаки, ҳозирда мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари ўз ахборот материаллари ва дастурларини 7 хил тилда нашр этиб, эфирга узатган холда, сиёсий-ижтимоий, иктисолдий, маънавий-маърифий, спорт каби 20 дан ортиқ ихтисосликларда фаолият олиб бормоқда. Ҳатто айрим таҳририятлар халқаро матбуот бозорига чиқишига ҳаракат қилмоқда. Булар нафақат Ўзбекистоннинг ийрик ахборот агентликлари, балки бир қатор газета ва журналларнинг таҳририятлари ҳамdir (масалан, "Uzbekistan Airways", "Деловой партнер Узбекистана", "Бизнес вестник Востока", "Uzbekistan Today"). Улар, аввало, аҳолисининг бир қисми ўзбекистонликлар бўлган МДҲ мамлакатларида ахборот харидорларини топишмоқда.

Ҳозирги вақтда "Миллий ахборот агентлиги" (ЎзА), "Жаҳон" ахборот агентлиги (Ўзбекистон Республикаси ТИВ), "Туркистон пресс" нодавлат ахборот агентлиги ва "Қорақалпоқ ахборот агентлиги" бошка барча ОАВлар учун журналистик ахборотни тайёрлашнинг турли йўналишларига ихтисослашган бўлиб, ушбу соҳа бозорида тижорат асосида муваффакиятли фаолият олиб бормоқдалар. Ўз фаолиятини бошлаганига кўп бўлмаган "Uzbekistan Today" ва "Регион Информ" ахборот хизмати ҳам шулар жумласидан.

Бундан ташқари, ОАВ соҳасида кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича Давлат дастурининг босқичмабосқич амалга оширилиши факат сўнгти 5 йил давомида миллий ОАВларни икки ярим мингдан ортиқ юқори малакали ёш журналистлар билан таъминлади, бу эса таҳририятлар салоҳияти, уларнинг глобал ахборот маконидаги рақобатбардошлигини сезиларли равишда ошириди.

Хулоса қилиб айтганда, бундай салмоқли ўзгаришлар соҳада қонунчилик механизмини янада такомиллаштириш, уларнинг эркин фаолият юритишлари учун зарур шартшароитлар яратиш лозимлигини тақозо этади. Шу мақсадда бугун мамлакатда демократик талаб ва стандартларга жавоб берадиган, ахборот соҳасини жадал, изчил ва эркин ривожланишини таъминлайдиган қонунчилик яратилган, унга бозор механизмлари жорий этилмоқда, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича узоқ муддатли лойиҳалар амалга оширилмоқда, ОАВ фаолиятига ахборот-коммуникация технологиялари татбиқ этилиб, юқори малакали кадрлар тайёрлашга қаратилган салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Булар, шубҳасиз, мазкур йўналишда олиб борилаётган ишларнинг самарали натижасидир. Шу билан бирга, Ўзбекистонда оммавий ахборот воситаларининг тўлақонли иқтисодий асосларини яратиш, ҳукуқий кафолатларини таъминлаш ва мустақил нашрлар фаолияти учун шартшароитлар яратиш миллий матбуот олдида турган энг долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Шунингдек, ривожланган демократик давлатлар тажрибасини ўрганиш, уларни амалда жорий қилиш, ахборот алмашинуви соҳасидаги муносабатларни янги босқичга кўтариш масалалари ҳам долзарб вазифадир. Булар эса, ўз

Фуқаролик жамияти институтлари тизимида ОАВ ўрни ва ролини ошириш масалалари. / Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси хуауридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди расмий сайти: <http://www.fundngo.uz/uz/node/394>

навбатида, мамлакатимизда демократик жараёнларнинг чукурлашуви, давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлашда ОАВ иштирокини замон талабига мослаштириш, мавжуд ахборот манбаларидан янада самарали фойдаланиш, матбуот эркинлиги ва мустақиллигини таъминлаш, фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини тўла қондиришга йўналтирилган кенг миқёсдаги тадбирларни амалга ошириш лозимлигини тақозо этмоқда. Муҳими шундаки, жамоатчилик ахборот ва матбуот соҳасини ривожлантирмай туриб, фуқаролик жамияти куриш ва инсон эркинлиги, ҳақ-ҳукуқларини таъминлаш мумкин эмаслигини англай бошлиди.

Жамоатчилик назоратини кучайтиришда давлат сиёсати таҳлили

**Зилола Хўжаниёзова,
Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги
Давлат бошқаруви академияси Илмий кадрларни
тайёрлаш бўлими бошлиғи**

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан сўнг собиқ Иттифоқ даврида жамиятнинг барча соҳалари устидан ёппасига назоратни амалга оширган давлат ҳокимияти идоралари тизимига барҳам берилиб, фуқаролар учун очик, жамоатчилик томонидан назорат қилинадиган давлат тузилмалари тизимини яратиш бўйича қатор ишлар амалга оширилди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, демократик жараёнларни чукурлаштириш давлат тузилмалари, мансабдор шахслар устидан жамоатчилик назорати ўрнатишни шартлаб қўяди. Президентимиз таъбири билан айттанда: “Мен шу ўринда илгари ҳам айттан бир фикримни такрорла-моқчиман. Шуни унутмайликки, биз давлатнинг назорат функцияларини қанча кучайтиrsак, назорат билан шуғулланувчи давлат тузилмалари ва органларини қанча кўпайтиrsак, амалдорларнинг зўравонлиги ва коррупция шунча авж олаверади. Шунинг учун биз жамоатчилик назоратини, давлат фаолияти, шу жумладан, унинг куч ишлатувчи тузилмалари фаолияти устидан ҳам жамият назоратини ҳар томонлама кучайтиришга алоҳида эътибор қаратишмиз лозим. Бу масалада бундан бошқа мұқобил йўл йўк”.

¹ Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11-ж. -Т. Ўзбекистон, 2003. 28 бет.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 2-моддасида давлат органлари устидан халқ назоратининг муҳим принципи ифодаланган: “Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар”². Бу коида давлат ҳокимияти идораларининг халқ олдида хисобдорлигини назарда тутади ва уларнинг фаолияти устидан жамоат назорати, шунингдек, барча соҳалардаги давлат фаолиятининг фуқаролар учун очиқ ва ошкора бўлишини шартлаб кўяди³.

Юксак сиёсий маданият соҳиблари бўлган фуқароларсиз, мустақил жамоат ташкилотларисиз фуқаролик жамиятини шакллантириб бўлмайди. Фуқаролик жамияти шароитида жамоат ташкилотлари умуммиллий масалалар бўйича қарор қабул қилиш жараёнини назорат қилиш ва уларга таъсир кўрсатиш имкониятига эга бўлади. Замонавий демократия учун “жамоатчилик назорати” тушунчаси муҳим саналади. Вакиллик демократияси-сайлов жараёнида барча учун тент имкониятлар яратиш, сайловларнинг рақобатли кураш шароитида ўтишини таъминлаш, фуқароларнинг ўз иродасини эркин ифода этиш билангина ифодаланмай, кейинчалик ҳокимият вакилларининг халққа хисобдор бўлиши, олиб бораётган сиёсати ва хатти-харакатлари учун жамият олдида масъул бўлишини ҳам назарда тутади.

Дунёдаги ривожланган давлатлар тажрибаси кенг қамровли, такомиллашган жамоатчилик назоратисиз фуқаролик жамияти мавжуд бўла олмаслигидан далолат беради. Бошқача айтганда, давлат органлари устидан кучли жамоатчилик назоратининг мавжудлиги демократиянинг муҳим шарти. Таниқли олим Р.Шмуллининг фикрича: “Ташки ва мустақил жамоатчилик назоратининг мавжуд бўлиши

² Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т.: Ўзбекистон, 2011, 4-бет.

³ Давлат сири сифатида сакланадиган ахборот бундан мустасно.

хукуматнинг фуқаролар олдидағи мастьуллигини таъминлашга интилаётган ҳар қандай давлат учун ниҳоятда муҳимдир”¹⁴.

Фуқаролик жамияти ривожида кишиларнинг фаоллиги, ижтимоий ҳодисаларга бефарқ бўлмаслиги, давлат органларида ишлаётган ҳар бир раҳбар ходим ўз фаолиятининг жамоатчилик назорати остида эканини чуқур ҳис этиши муҳим аҳамиятта эга. Демак, ҳаққоний ва реал жамоатчилик назорати ҳозирги даврда Ўзбекистонда вужудга келаётган адолатли фуқаролик жамиятининг ҳақиқатда мавжудлигини билдирувчи, унинг ажралмас белгиси сифатида эътироф этилмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов Иккинчи чакириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясидағи «Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари» дастурий маърузасида давлат назорат функцияларига нисбатан жамоатчилик назорати афзалроқ ва муҳимроқ эканини таъкидлаган эди.

Жамоатчилик назорати нафакат давлат ҳокимиюти ва бошқарув органлари фаолиятини, балки бутун давлат аппарати ҳамда нодавлат секторни ҳам қамраб олади. Демак, жамоатчилик назорати давлат назоратини амалга оширадиган органлар устидан ҳам юритилади, жамоатчилик назорати халқнинг ўзи томонидан амалга ошириладиган назоратdir.

Жамоатчилик қандай обьектлари фаолиятини ўз назоратига олиши мумкин? Юртбошимиз таърифича, жамоатчилик назорати: а) қабул қилинган қонунлар ва қонун ҳужжатлари ижроси; б) ҳокимият қарорлари қандай қабул қилиниши ва ижро этилиши; в) қонун ва бошқа қонун ҳужжатларининг тайёрланиш жараёни; г) давлат органлари ҳамда улар мансабдор шахсларининг фаолияти; д)

¹⁴ Шмуль Р. Подотчетность правительства и общественный контроль. Вопросы демократии. -М., 2000. <http://usinfo.state.gov/journals/itdhr/0800/ijdr/scmuhl.htm>

давлатнинг куч ишлатувчи тузилмалари фаолияти устидан олиб борилади.

Жамоатчилик назоратининг умумэътироф этилган субъектларига фуқаролар ҳамда уларнинг гурухлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, сиёсий партиялар ва оммавий ажборот воситалари киради. Мазкур субъектлардан ташкарияна шундай тузилмалар борки, улар ҳам жамоатчилик назорати олиб бориши мумкин. Улар давлат ҳокимияти ёки бошқарув органлари (вазирликлар, идоралар ва ҳ.к.) таркибида ташкил этиладиган жамоатчилик тузилмалари (кенгашлар, комиссиялар, гурухлар ва ҳ.к.) нодавлат нотижорат ташкилотларда тузилган жамоатчилик органларидан иборат. Нодавлат нотижорат ташкилотлар томонидан олиб бориладиган жамоатчилик назоратининг айрим кўринишларини Ўзбекистон Республикасининг «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Адвокатура тўғрисида»ги, «Ўй-жой мулкдорлари ширкатлари тўғрисида»ги қонунларида ҳам учратиш мумкин.

Сиёсий партиялар ҳам маълум маънода жамоатчилик назоратини амалга оширувчи тузилма (субъект) бўлиб, уларнинг бу борадаги фаолияти «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонуннинг 1-моддаси мазмунидан келиб чиқади. Унга кўра, сиёсий партия давлат ҳокимияти органларини шакллантиришда, жамият муайян қисмининг сиёсий иродасини рўёбга чиқаришда ҳамда ўз вакиллари орқали давлат ва жамоат ишларини идора этишда қатнашувчи фуқароларнинг кўнгилли бирлашмасидир.

Сиёсий партиялар жамоатчилик назоратини: а) сайлаб қўйиладиган давлат органларидаги ўз вакиллари орқали тегишли қарорларни тайёрлашда иштирок этиш; б) қонунда белгилаб қўйилган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президенти, давлат ҳокимияти органлари сайловларида иштирок этиш; в) Олий Мажлисдаги ўз фракциялари орқали тегишли равишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Спикери ва Се-

нат Раисига, Ўзбекистон Республикаси ҳукуматига, вазирларга, бошқа давлат органларининг раҳбарлари га сўровлар билан мурожаат этиш; г) маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларидағи партия гурухлари орқали маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига ҳамда уларнинг раҳбарлари га, шунингдек, тегишли худудда жойлашган корхона, муассаса ва ташкилотларнинг раҳбарлари га мурожаат этиш орқали амалга оширади.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда жамоатчилик назоратини том маънода юксалтириш учун ҳуқуқий асослар ҳам, уни амалга оширадиган субъект (тузилма)лар тизими ҳам, назоратга олинадиган фаолият (объектлар)нинг белгилантани ҳам ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг тамойили бўлган қонун устуворлигини таъминлаш кафолатининг амалда рўёбга чиқарилишини таъминлайди. Чунки қонун устуворлиги жамоатчилик назорати мукаммал қарор топган жамиятдагина ижтимоий адолатнинг асосий мезони бўлиши мумкин. Шу билан бирга, Конституция ва қонун устуворлиги тамойили кафолати, чинакам жамоатчилик назорати ҳар бир шахсга сиёсий ва маънавий куч бахш этади. Шундагина шахс ўзи яшаб турган жамиятда муносиб мавқега эга эканини ҳис этади. Фуқаро Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 2-моддасида таъкидланган ҳалқ иродасини ифода этувчи давлат унинг манфаатларига хизмат қилиши, давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ҳамда фуқаролар олдида масъул эканига аниқ ишонч ҳосил қиласди. Шахс мавқеининг устуворлиги унда мустақиллик, озодлик, ташаббус, ифтихор ва эгалик каби туйгуларни тарбиялайди. Фуқаронинг жамоатчилик назорати жараёнларидағи фаолияти унинг давлат ва жамият ишларида иштирок этишини таъминловчи ҳамда кафолатловчи омилдир. Жа-

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон, 2011, 5-бет.

моатчилик назорати қай даражада кучли бўлса, давлат, демак, жамият ҳам шунчалик халқчил, қурдатли бўлади. Шундай килиб, мамлакатимизда жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг мавжуд ҳукукий асослари, биринчидан, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонунга биноан туман ва шаҳар ҳокимликлари раҳбарларининг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига оид масалалар юзасидан ҳисботларини эшишиб бориш каби ваколатларини кафолатлайди.

Иккинчидан, «Нодавлат, нотижорат ташкилотлар тўғрисида»ги Қонун ҳам кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш шароитида қонун устуворлигини таъминлашга, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини рўёбга чиқариш юзасидан жамоатчилик назоратини кучайтиришга каратилган таъсирчан механизмларни назарда тутади.

Учинчидан, жамоатчилик назоратининг муҳим ҳукукий механизмларидан бири – сайловларга доир қонунчилигда ўз ифодасини топгани. Сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишига оид барча тадбирларда сиёсий партиялар, ҳокимият вакиллик органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, сайловчилар ташаббускор гурухларидан кузатувчилар, матбуот, телевидение ва радио вакиллари, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлар кузатувчиларининг иштирок этиши мумкинлиги ва уларнинг бир қатор ҳукуқлардан фойдаланиши бунинг исботидир.

Тўртинчидан, «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонун ва бошка бир қатор тегишли қонун ҳужжатларида оммавий ахборот воситалари орқали жамоатчилик назоратини амалга оширишга катта ўрин берилган. Улар жамоатчилик фикрини ифодалаш, шакллантириш ва йўналтириш орқали жамоатчилик назоратини амалга оширади.

Бешинчидан, «Прокуратура тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ прокурорлар халқ депутатларининг тегишли кенгашларига, зарур ҳолларда эса фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига қонунийлик ҳамда жиноятчилик-

ка қарши курашнинг ҳолати тўғрисида ҳар йили ахборот бериши лозим. Мазкур талаб ҳам, маълум маънода, жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг ўзига хос кўришиларидан биридир⁶.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрь куни бўлиб ўтган қўшма йиғилишидаги “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” номли маъруzasida давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамият, фуқаролик институтлари назоратини амалга оширишнинг тизимли ва самарали ҳуқуқий механизмини яратишга қаратилган “Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида” Қонун қабул қилиш таклифи илгари сурилди.

Хозирги кунда фуқаролик жамияти институтлари томонидан жамоатчилик назоратини амалга оширишга оид қоидалар 40 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз ифодасини топган. Уларда 70 дан ортиқ айнан жамоатчилик назоратига оид нормалар мавжуд.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг устувор қоидалари ўз ифодасини топган. Ҳусусан, Конституциянинг 2, 12, 35, 60 - моддаларида фуқаролик жамияти институтлари фаолиятига оид қоидалар акс этган. Ўзбекистон Республикасининг бир қатор қонунларида, ҳусусан, “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги (10-12-моддалар), “Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги (11-16-моддалар), “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги (16-модда), “Дехқон хўжаликлари

⁶ Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни.. -Т.: Адолат. 2001.

тўғрисида"ги (25-модда), "Таълим тўғрисида"ги (28-модда), "Ёнгин хавфсизлиги тўғрисида"ги (9-модда), "Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида"ги (7-модда), "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги (4, 6, 23-24-моддалар), "Ўзбекистон Республикасининг савдо-саноат палатаси тўғрисида"ги (13-модда), "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида"ги (3-модда), "Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ги (27-модда) қонуиларда ва Меҳнат кодекси (233-модда), Ҳаво кодекси (5-модда), Ер кодекси (84-модда), Уй-жой кодекси (6-модда) каби норматив-хукукий ҳужжатларда жамоатчилик назоратига оид алоҳида нормалар мавжуд.

Давлат назорати ва жамоатчилик назорати бир-биридан фарқ қиласи. Давлат назорати турли давлат органларининг қонунийликни таъминлашга оид фаолияти шаклларидан бири бўлса, жамоатчилик назоратининг хукукий табиатини тўла очиб берувчи тугал таърифни келтириш мушкул. Чунки у давлат назоратидан, энг аввало, ўзининг шакли, услуби, назорат олиб бориладиган объектларнинг чегараланмагани ва назорат олиб борувчи субъектларнинг ҳар хиллиги билан тубдан фарқ қиласи. Шунингдек, жамоатчилик назорати ўзига хос тамоилиларга эга эканини ҳам инкор этиб бўлмайди. Улар жумласига қуидагиларни киритиш мумкин:

- жамоатчилик назоратининг кент қамровлилиги, яъни у ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида, соҳаларида амалга оширилади;

- жамоатчилик назоратининг оммавийлиги, яъни ҳар бир фуқаро, фуқаролар гуруҳларининг бундай назоратда беистисно иштирок эта олиш имкониятининг таъминлангани;

- жамоатчилик назоратидаги ошкоралик, яъни уни амалга ошириш жараёни ҳам, якуний натижалари ҳам барча учун очик бўлиб, ҳамманинг нигоҳи ва кузатувида амалга оширилади;

- жамоатчилик назоратидаги ихтиёрийлик тамоилии,

яъни жамоатчилик назоратига ѡеч ким бошқа шахс томонидан мажбур килинмайди;

- жамоатчилик назоратига давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари иштирок этмаслиги, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига бевосита аралашмаслик ва ҳис.

Жамоатчилик назорати давлат назорати каби барқарор фаолият кўрсатувчи, қатъий тизимга эга бўлмагани боис, ҳар бир муайян ҳолатда турли шакл ва мазмун касб этади.

Шуни таъкидлаш жоизки, давлат органлари устидан жамоатчилик назорати фуқаролик жамияти барпо этилаёттан Ўзбекистонда демократик қадриятларни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Жамоатчилик назорати-нодавлат ташкилотлар, сиёсий партиялар, оммавий ахборот воситалари, вакиллик органлари томонидан давлат ҳокимияти идоралари, мансабдор шахслар фаолиятининг қонун доирасида бўлишини таъминлаш воситаси.

Шунингдек, фуқароларнинг давлат бошқаруви ва сиёсий жараёнлардаги иштирокининг асосий қисми фуқароларнинг давлат органлари фаолияти устидан амалга оширадиган жамоатчилик назорати жараёнларида намоён бўлади. Жамоатчилик назоратига фаол иштирок этаёттан фуқароларнинг сиёсий ва ҳуқукий маданияти ҳам юксалиб бориши туфайли, уларнинг давлат бошқарувини ҳалқчиллик асосида кечишинга таъсири ҳам кучли бўлади.

Ривожланган демократик давлатда оммавий ахборот воситалари сиёсий институт сифатида жамиятни бошқариш, тўғрироғи, уни маълум қонун-коидалар асосида бошқарувини ташкил этишда муҳим вазифани адо этади. У нафакат ахборот етказиш воситаси, балки жамиятда мавжуд муаммоларни бартараф этиш, ҳокимият томонидан қабул қилинадиган қарорлар ижроси, уларнинг фаолиятини назорат қилиш каби вазифаларни бажаради. Оммавий ахборот воситалари айнан шу функцияни бажарishi билан жамоатчилик назоратининг муҳим механизми вазифасини ўтайди. Оммавий ахборот воситаларининг

“тўртинчи ҳокимият” деб юритилиши ҳам бежиз эмас.

Жамоатчилик назорати ҳақида гап кетганда, оммавий ахборот воситаларининг нафакат иқтисодий жиҳатдан, балки ҳар томонлама мустақил бўлиши талаб этилади. Мутахассисларнинг фикрича, оммавий ахборот воситаларининг эркинлиги ва мустақиллиги уч омилга боғлиқ Биринчидан, маҳсус қонун ва қоидаларнинг мавжудлиги; иккинчидан, ахборот соҳасида бозор муносабатлари ва рақобат мухитининг амал қилиши; учинчидан, журналистларнинг касб маҳорати ва ўз сўзи учун масъулият даражаси.

Оммавий ахборот воситалари эркин ва мустақил бўлиши учун журналистлар профессионал мустақилликка, маъмурий иммунитетга эга бўлиши зарур. Зоро, оммавий ахборот воситаларининг мустақиллиги журналистлар ижодининг эркинлиги, мавзу танлаш ва фикр беришдаги мустақилликда намоён бўлади. Яъни, журналистнинг материал тайёрлашда ўз раҳбариятидан мустақил бўлиши ҳамда ўз ижоди намуналари учун фақатгина унинг ўзи масъул ва жавобгар бўлиши талаб этилади.

Жамият ҳаётида рўй берадиган муаммоли вазиятларни оммавий ахборот воситалари орқали кенг жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш ва шу тарикə унинг ечимини излашга уриниш фуқаролар кўз ўнгida сиёсий институтлар, улар қаторида оммавий ахборот воситаларининг ҳам обрў-эътибори ошишига сабаб бўлади. Агар оммавий ахборот воситалари ҳам, бошқа сиёсий институтлар ҳам озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт, юрт тинчлиги, халқ фарновонлиги ва ҳамжиҳатлигини олий неъмат сифатида қабул киласидиган бўлса, бу тоя ҳар қандай сиёсий институтлар фаолиятининг бош мезони сифатида англаб этилса, улар ўртасидаги муносабатлар талаб даражасига кўтарила олади. Ривожланган демократик давлатларда ҳокимият идоралари вакиллари билан оммавий ахборот воситалари ўртасидаги муносабатларда матбуот конференциялари ва брифинглар катта аҳамиятга эга.

Матбуот конференциялари давлат сиёсатини көнг жамоатчиликка етказишда, жамоатчилик фикрини шу сиёсат атрофида шакллантириш, жамият жипслигини таъминлашда давлат идораси учун энг қулай восита ҳисобланади. Матбуот вакиллари учун бундай анжуманлар сиёсий таҳлилларга янги манба вазифасини ўтайди. Матбуот конференциялари жамоатчилик билан алоқаларнинг бир тури ҳисобланади, у жамоатчилик назоратини ўрнатишда муҳим аҳамият касб этади. Бугунги кунда деярли барча давлатларда хукумат раҳбарларидан тортиб, сиёсий партиялар, сиёсий аҳамиятта эга бўлган концерн ва вазирликларда матбуот хизматлари мавжуд. Улар туну кун матбуот билан алоқа қилиш, жамоатчилик фикрига ўз манфаатлари нуқтаи назаридан таъсир ўтказишга интиладилар. Колаверса, ҳокимият идоралари устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишда шу каби тузилмаларнинг аҳамияти бекёс. Чунки бундай тузилмалар нафақат ахборот етказиш билан, балки инсонларга етказилаётган давлат идоралари фаолияти учун зарарли бўлган, нохолис ахборотларнинг салбий таъсирини камайтиришга ҳам хизмат қиласи. Бу ҳақда Р.Шмуль шундай ёзади: “Бугунги кунда сиёсий ҳаётта оид ахборотларни олиш имкониятининг анча кенглигига қарамай, оддий инсон учун бошкарув тузилмаларининг фаолияти ҳакида докладлар, янгиликларни таҳлил қилиш анча қийин кечади. Оммавий ахборот воситаларида шу қадар кўп ахборотлар бериладики, уларни ўзлаштиришга қийналган фуқаролар бошқа ахборот манбаларидан ҳам ахборот олишга интиладилар”¹⁷. Шундай экан, фуқароларга доимий ва тушунарли тарзда ахборот етказиш давлатнинг муҳим вазифаларидан биридир.

Оммавий ахборот воситаларининг давлат идоралари устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш уларнинг жа-

Шмуль Р. Подотчетность правительства и общественный контроль. Вопросы демократии. -М., 2000. <http://usinfo.state.gov/journals/itdhr/0800/ijdr/scmuhl.htm>.

моатчилик фикрини шакллантириш қобилияти билан боғлиқ. Сиёсий қарорлар қабул қилинишида жамоатчилик фикри устувор аҳамиятга эга бўлсагина оммавий ахборот воситаларига бўлган эҳтиёж кучаяди, матбуотнинг таъсир доираси ортади ва табиийки, давлат идоралари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишда оммавий ахборот воситаларининг аҳамияти ортиб боради. Айнан шундай шароитда оммавий ахборот воситалари ҳақиқий тўртинчи ҳокимият мақомига эришади, оммавий ахборот воситалари жамоатчилик фикрига таъсир кўрсата олади, уни шакллантирувчи кучга айланади. Демак, жамоатчиликнинг сиёсий қарорлар қабул қилишдаги иштироки сиёсий институтларнинг доимо фуқаролар дикқат-эътибори марказида туришга мажбур этади ва оммавий ахборот воситаларининг жамият ҳаётида муҳим аҳамият касб этиши учун замин яратади.

Юқорида таъкидланганидек, оммавий ахборот воситаларининг давлат идоралари устидан жамоатчилик назорати ўрнатишдаги аҳамияти уларнинг жамоатчилик фикрини шакллантириш қобилияти билан шартлангандир. Маълумки, “жамоатчилик фикри” тушунчаси факат мустақиллик йилларида гина ижтимоий-сиёсий аҳамият касб эта бошлади. Ваҳоланки, ҳалқимизнинг кўп йиллик тарихида омманинг фикрини ўрганиш, кенташ орқали сиёсат юритиш тажрибаси кенг қўлланилган. Зеро, ҳозирги замон ижтимоий таракқиётида жамоатчилик фикрининг ҳал қилувчи аҳамияти ортиб бораётгани бежиз эмас.

Давлат фаолияти устидан жамоатчилик назорати ўрнатишда оммавий ахборот воситалари ролини кучайтириш ушбу жараённинг ҳуқуқий жиҳатларига бевосита боғлиқ. Конун устуворлиги, ҳуқуқ ва масъулиятларнинг тўлиқ адo этилиши, белгиланган ваколатлар доирасида фаолият юритиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимояси фуқаролик жамиятининг асосий шарти ҳисобланиб, оммавий ахборот воситаларининг жамоатчилик назоратини ўрнатишдаги фаолияти мана шу асосларга қурили-

ши лозим. Бу ҳақда таниқли олим С.Ўлмасов қўйидаги-
ларни ёзди: «Оммавий ахборот воситалари томонидан
олиб бориладиган жамоатчилик назоратининг ҳуқуқий
асосларини “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги
қонунда кўришимиз мумкин. Мазкур қонуннинг З-модда-
си ҳар кимнинг оммавий ахборот воситаларида чиқиш,
ўз фикри ва эътиқодини ошкора баён этиш ҳуқуқига эга-
лигини, 9-модда эса журналист текширувини жорий
этишни кафолатлади. Ҳар бир фуқаро ва журналист ўз
фикрини ахборот тарқатиш воситалари (газета, эфир ва
х.к.) да эълон қилиб, ўзига хос таъсир кучи яратади. Бу
таъсир жамоатчилик фикрини вужудга келтириши, ҳоки-
мият ва бошқарув органларини тегишли қарор қабул
қилишга, бузилган ҳуқуқни тиклаш ёки ҳуқуқни ҳимоя
қилиш жараёнини амалга оширишга, кишиларда онг ва
маданиятни юксалтиришга асос бўлиши мумкин. Бундан
ташқари оммавий ахборот воситалари айрим сиёсий ва
ижтимоий жараёнларга, давлат ва жамият қурилиши
масалаларига қабул қилиниши лозим бўлган қонун лойи-
халарига ўз муносабатини билдириш орқали жамоатчи-
лик назоратини амалга ошириши мумкин»¹.

Фуқаролик жамияти асосларини барпо этиш давлат
фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш ва
уни ҳар томонлама кучайтиришни тақозо этади. Таъқид-
лаш жоизки, жамоатчилик назоратини ўрнатиш фуқаролик
жамияти ва албатта, демократиянинг ажралмас қис-
мидир. Бугунги кунга келиб, жамоатчилик назоратининг
турли замонавий механизмлари ишлаб чиқилган. Нодав-
лат ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва сиёсий парти-
ялар воситасида жамоатчилик назоратини ўрнатиш шу-
лар жумласидан. Айнан жамоат бирлашмалари, нодав-
лат ташкилотлар фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликла-
рини ҳимоя қилиб, давлат идоралари ва мансабдор шахс-

¹ Ўлмасов С. Фуқаролик жамиятининг кафолати.//Фуқаролик жамияти.
2004. 1-сон. 26-бет.

ларнинг фуқароларга нисбатан суиистеъмолчилик ва ўзбош имчалигини чеклаб туради. Фуқаролар манфаатларига зид равишда қабул қилинган қарорларни танқид қилиб, бу масалага жамоатчиликнинг эътиборини қаратади. Шу йўсинда давлат органлари устидан жамоатчилик назорати ўрнатилади. “Нодавлат ва ижтимоий, ўзини ўзи бошқариш ташкилотларининг ва фуқаролик институтларининг роли, ўрни ва моҳиятини уларнинг давлат корхоналари устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш зарур, - дея қайд этади Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов. - Биз бу йўналишда биринчи қадамларимизни қўймоқдамиз”^{*}.

“Кучли давлатдан - кучли жамият сари” олиб борилаётган ислохотлар жамоат ташкилотларининг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги ўрни ва ролини янада юксалтириши талаб этади. Зеро, жамиятнинг кучли бўлиши ҳам айнан жамоатчилик назоратига боғлиқ. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистонда жамоат ташкилотларининг давлат идоралари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтиришдаги ўрнини юксалтиришда бир қатор вазифаларни амалга ошириш лозим.

Биринчидан, жамоат ташкилотларини молиялаш масалаларини кўриб чикиш, уларни фаолияти учун зарур бўлган техник жиҳозлар билан таъминлашда давлат грантлари ажратиш мақсадга мувофиқ. Бу уларнинг иқтисодий мустақил бўлишлари, чет эл донорлари маблағларига эҳтиёжманд бўлиб қолишларининг олдини олади.

Иккинчидан, маҳаллий даражадаги қарорлар қабул қилишда, хусусан, тендерлар эълон қилиш ва унинг натижаларини кўриб чиқишда ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари вакилларини таклиф этиш зарур.

Учинчидан, давлат идоралари фаолиятининг “шаффофф”-лигини таъминлаш, идора, ҳудуд раҳбарининг фуқаро-

* Каримов И.А. Биз танлаган Йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11-ж. –Т.: Ўзбекистон, 2003, 26-бет.

лар, жамоат ташкилотлари вакиллари билан вужудга келган муаммоларни ҳал қилишга доир доимий учрашувларини ташкил этиш зарур. Яъни оддий фуқаролар билан мансабдор шахслар ўртасида ўтказиладиган доимий мулоқот ҳар қандай вазиятда муаммони ечишнинг энг мақбул ва самарали йўлларини ишлаб чиқиш, фуқароларнинг давлат органлари ҳақида тўлиқ ахборотга эга бўлишлари имкониятини туғдиради.

Тўртингчидан, маҳаллий даражадаги қарорлар қабул қилиш жараёнига фуқаролар, маҳалла фаоллари, жамоатчилик вакилларини жалб қилиш зарур. Бу нафақат, қарорларнинг самарали бўлишини, балки уларнинг кенг жамоатчиликка етиб боришига ҳам хизмат қилади. Шу билан бирга, сиёсий қарорлар қабул қилиш жараёнига фуқароларнинг жалб этилиши давлат идоралари ва мансабдор шахслар устидан жамоатчилик назорати ўрнатишга ҳам олиб келади.

Бешинчидан, давлат тузилмалари томонидан ишлаб чиқилган йиллик, ойлик ҳисботлар ҳақида манфаатдор фуқаролар, ташкилотлар ҳам хабардор бўлишини таъминлаш лозим. Бу эса давлат органлари фаолияти ҳақида атрофлича ахборот етказишга, уларнинг фаолиятидаги ўзгаришларни кузатиб боришига имкон туғдиради. Айнан жамоат бирлашмалари, нодавлат ташкилотлар фуқароларнинг ҳуқук ва эркинликларини ҳимоя қилиб, давлат идоралари ва мансабдор шахсларнинг фуқароларга нисбатан суистеъмолчиликлари ва ўзбошимчалигини чеклаб туради ҳамда жамоатчилик назорати тизимида муҳим бўғин вазифасини ўтайди.

Таҳлиллардан кўриниб турибдики, давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишида нодавлат ташкилотларнинг ўрни бекиёс. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, мамлакатдаги нодавлат ташкилотлар ичida фақат касаба уюшмалари фаолиятида давлат органларига нисбатан амалга оширилган жамоатчилик назоратини аниқ сезиш мумкин. Бошқа жамоат ташкилотлари ҳам

уни бу соҳанинг бошлангич даврида турибди. Шунинг учун ҳам нодавлат ташкилотлар низоми ва дастурларида жамоатчилик назоратига доир муҳим қоидаларни ҳаётда амалга ошириш жамоатчилик назоратини кенгайтиришининг муҳим омилидир.

Ўзбекистон Республикасининг миллий мустақилликка эришиши билан мамлакатда ҳукуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишга қаратилган ислоҳотлар чукурлашиб бормоқда. Президент Ислом Каримовнинг таъбири билан айтганда: «Жамиятда демократия қай дараҷада эканлигини белгиловчи камидаги учта мезон бор. Булар - ҳалқ қарорлар қабул қилиш жараёнларидан қанчалик хабардорлигидир». Дарҳақиқат, юксак сиёсий ва ҳукуқий маданиятга эга фуқароларсиз, шунингдек, давлатдан мустақил бўлган жамоат ташкилотларисиз фуқаролик жамиятини шакллантириб бўлмайди. Фуқаролик жамияти шароитидагина жамоат ташкилотлари умуммиллий масалаларга доир қарорлар қабул қилиш жараёнини назорат қилиш ва уларга таъсир кўрсата олиш имкониятига эга бўлади. Бундай шароитда фуқароларнинг жамоатчилик назорати демократлашириш жараёнининг муҳим омили сифатида намоён бўлиши мукаррар. Жамоатчилик назоратига бўлган эҳтиёж доимий равишда кучайиб бормоқда. Бунинг сабаби шундаки, фуқаролик жамияти шароитида ҳалқ давлат органлари фаолиятини назорат қилишга қобил бўлмаса, давлат ҳокимиюти ҳеч қачон ҳукуқий давлат унсурларини ўзида намоён қила олмайди. Шунинг учун ҳам ривожланган давлатларда жамоатчилик назорати демократик қадриятлардан бирига айланган.

Шунингдек, жамоатчилик назорати давлат назоратидан тубдан фарқ қиласи. У давлат назоратидан, энг авва-

Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳаёфсиэлика таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т.: Ўзбекистон, 181-бет.

ло, ўзининг шакли, услуби, назорат олиб бориладиган объектларнинг чегараланмагани ва назорат олиб борувчи субъектларнинг ҳар хиллиги билан ҳам фарқланади. Жамоатчилик назорати кенг қамровлилик, оммавийлик, ошкоралик, ихтиёрийлик каби тамойиллар билан уйғун ҳолдагина амал қиласи. Башкача айттанды, жамоатчилик назорати бирон-бир шахс томонидан мажбур қилинмайды, жамоатчилик назоратида давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари ҳам иштирок этмайды. Жамоатчилик назорати айнан шу жиҳатлари билан ҳам ўзининг демократик табиатини сақлаб қолади.

Жамоатчилик назорати давлат назорати каби барқарор фаолият кўрсатувчи, қатъий тизимга эга бўлмагани боис ҳам ҳар бир муайян ҳолатда турли шакл ва мазмун касб этади. Шунингдек, жамоатчилик назорати амалдаги қонунларимизда, миллий қадриятларимиз асосида ўз аксини топган. Лекин шу билан бирга, бирор меъёрий ҳужжатда “жамоат назорати” тушунчасига мукаммал таъриф берилмаган. Шу боис, бу тушунчанинг мазмун-моҳияти турлича талқин қилинмоқда. Шу нуқтаи назардан ёндашганда, Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назоратининг ҳуқуқий асосларини яратишга, унга аниқ ва мукаммал таъриф беришга эҳтиёж сезилмоқда. Шу нуқтаи назардан, бугунги кунда нодавлат нотижорат ташкилотлари, жамоат бирлашмаларининг, касаба ушмаларининг жамият сиёсий ҳаётидаги ўрни ва ролини янада юксалтириш, уларнинг мустақил фаолиятини кафолатловчи ҳуқуқий механизmlарни янада такомиллаштириш мақсадга мувофиқ Президент Ислом Каримовнинг куйидаги фикрларига алоҳида эътибор бериш зарур: “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамият, фуқаролик институтлари назоратини амалга оширишининг тизимли ва самарали ҳуқуқий механизмини яратишга қаратилган «Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида»ги Конунни қабул қилиш фурсати етди. Конунда жа-

моатчиллик назоратининг турлари, шакллари ва субъектларини, назорат предметини, уни амалга оширишнинг ҳукукий механизмларини, шунингдек, мазкур соҳада амалдаги қонун ҳужжатларини ижро этмагани учун мансабдор шахсларниң жавобгарлиги шартларини белгилаб қўйиш зарур.”¹¹

Мамлакатда ижро ҳокимияти идоралари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг энг самарали механизмларидан бири - халқ вакиллиги органлари томонидан амалга ошириладиган жамоатчилик назоратидир. Ўзаро мувозанат ва ҳокимиятларниң бир-бирини тийиб туриш тамойиллари ҳам айнан ҳокимиятларниң бир-бирини назорат қилишини таъминлайди. Яъни, маҳаллий вакиллик органлари томонидан ижро ҳокимияти органларини назорат қилиш ҳам жамоатчиликнинг билвосита назоратини, шунингдек, назоратниң энг самарали усулини ўзида ифода этади. Фикримизча, вакиллик органлари томонидан амалга ошириладиган назоратниң ҳукукий механизмларини янада такомиллаштириш, хусусан, халқ депутатлари Кенгашларининг ҳоким ижроия маҳкамаси фаолиятини назарот қилишдаги ўрни ва ролини кучайтириш мақсадга мувофиқ Зеро, вакиллик органлари (парламент, халқ депутатлари Кенгашлари) аҳоли-нинг карорлар қабул қилиш жараёнидаги, қонунлар ижроси устидан назоратни амалга оширишдаги билвосита иштирокини таъминлайди, сайловчиларниң манфаатларини ўзида ифодалайди.

Хулоса қилиб айтганда, давлат идоралари устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишни йўлга қўйиш, давлат ва жамият бошқарувида ундан самарали фойдаланиш – ислоҳотларни янада чуқурлаштиришнинг му-

¹¹ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовниң Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруzasи(12.11.2010 й).

хим кафолатларидан бири. Бундан ташқари, сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари, оммавий ахборот воситалари, ҳокимиятнинг вакиллик органларининг мустақил равищда жамоатчилик назоратини амалга ошира олиш кобилиятини шакллантириш зарурияти сезилмоқда. Бунинг учун ҳуқукий ва ташкилий механизмлар ишлаб чи-киш, уларни ҳётта тўлақонли татбиқ этиш лозим.

* * *

Публицистиканинг сиёсий жараёнлардаги роли

Оммавий ахборот воситалари ва унинг илғор жанри бўлган сиёсий публицистика ёш авлод сиёсий маданияти ва дунёқарашини шакллантирувчи асосий воситалардан бири ҳисобланади. ОАВ сиёсий онг ва сиёсий ахлоққа бевосита таъсир кўрсатади. Сиёсий жараён иштирокчилари оммавий ахборот воситаларининг кент захиравий имкониятларидан фойдаланар экан, ёшларнинг сиёсий фаолиятда иштирок этишдан мақсади ўз шахсий сиёсий-ижтимоий манфаатларини амалга ошириш эканини ҳисобга олмайди. Бу, бир томондан, сиёсий қониқмасликни вужудга келтирса, иккинчи томондан, ёшларнинг сиёсатдан йироқлашишига, ўз мақсад ва интилишларига мос келмайдиган сиёсий жараёнлардан ўзини четта олишига олиб келади. Демак, ёшларни сиёсий муносабатлар ва сиёсий алоқалар доирасига жалб этишда уларнинг қизиқишлини ҳам ҳисобга олиш зарур.

Давлат ва фуқаролик жамияти институтларининг муҳим вазифаси Ўзбекистонда демократиянинг шаклланиши ва тараққий этишида фаол иштирок этиши учун

ёшларга шарт-шароит яратишдан иборат. Зоро, Юртбосимиз таъкидлаганидек, “Биз юртимизда очик ва эркин демократик жамият куриш вазифасини ўз олдимизга қатъий мақсад қилиб қўйганимиз ва бу йўлдан ҳеч қачон қайтмаймиз”¹.

Бу вазифани амалга оширишда оммавий ахборот во-ситаларининг ўрни бекиёс ОАВ сиёsat субъектлари фаолиятига танқидий ёндашиш, ёшлар манфаатларининг идентификациялашишида ҳамда ўз сиёсий манфаатларини ҳимоя қилиш заруриятини англашида қўмаклашишга кодир воситадир. Лекин ОАВ ҳар доим ҳам ўз вазифасини тўлиқ бажармокда, дея олмаймиз. Сиёсий матбуотнинг аксарият холларда доктриклиги, ясама кўтариинкилиги, ОАВ соҳасида асосий майдонни “сарик матбуот” эгаллаб бораётгани, таҳририятларининг муассислар ва ҳомийлар таъсир доирасидан чиқа олмаётгани, молиявий қарамлик, публицистика соҳасида кадрлар тайёрлашнинг талаб даражасида эмаслиги сингари қатор муаммолар мавжуд ва улар ёшларнинг сиёсий онгини шакллантириш жараёнида матбуот иштирокини қийинлаштиради.

Мазкур ҳолатлар ОАВ, хусусан, публицистиканинг Ўзбекистон ёшлари сиёсий қадриятлари, эътиқоди ва қарашлари шаклланиши ҳамда уларнинг сиёсий ҳаётда фаол иштирок этишига таъсирига оид мавзууни тадқиқ этиш долзарблигини кўрсатади.

Ёшларнинг сиёсий онги эркин фикрлаш орқали тако-миллашади. Сиёсатшунос олим А.Эркаев таъкидлаганидек: “Демократик ва эркин жамият куришнинг мухим фундаментал шартларидан бири тафаккур эркинлигита кенг йўл очишдир”.² Фуқароларнинг онгли фаолияти оқибатнотижада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг, жумладан, жамиятни демократлаштириш самарадорлигини белгилайди. “Шу боис баъзи Farb сиёсатчилари ва сиёсий

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч –Т.: Маънавият. 2008, 114-б.

² Эркаев А. Маънавият ва тараққиёт. – Т.: Маънавият, 2009, 41-бет.

доираларининг Ўзбекистонда ва бошқа янги мустакил давлатларда демократлаштириш оқсаётганлигининг сабабларини фақат раҳбарият ва ҳокимият фаолиятидан излаши ўта бирёзламаликдир. Матбуот ва сўз эркинлиги масаласидаги кўпчилик камчиликларнинг илдизи ҳам маргиналликка бориб тақалади. Цензура бекор қилинганига қаралмасдан, аксарият журналистлар, муҳаррирлар “ички тақиқ”ни, ички ҳадисирашни секин енгигб ўтайдирлар”.

Таъкидлаганимиздек, ёшларнинг сиёсий онгига таъсир кўрсатувчи механизмлардан бири оммавий ахборот воситалари ва улардаги етакчи жанр бўлган публицистика. Публицистика – долзарб ҳодисаларнинг индивидуал баҳоланиши ва оммавий ахборот воситалари, адабиёт, санъат, тарих, театр воситасида ифодаланиши. Публицистика учун тадқиқот, назария ҳамиша муайян мақсадга – амалий хулосага етакловчи восита. Айтиш мумкинки, публицистика жамият ва давлат ҳақидаги фанга алоқадор, у фандаги умумлашмаларни олиб, улардан даъваткор йўриқларни яратади. Публицистика ўқитмайди, ўргатади, шунчаки хабар қилмайди, ижтимоий фикр аталмиш сиёсий қудратга таъсир ўтказади. Публицистика соҳаси фақат долзарб, ҳаётта реал таъсир этувчи масалаларга эътибор қаратади.

Ижтимоий ҳаётнинг шиддатли ривожланиши публицистикада шубҳа ва иккиланишларга ўрин қолдирмайди, ундан фақат тайёр фикр кутади.

Игорь Дедковнинг фикрига кўра, публицистика журналистиканинг энг юксак туридир. У ҳамиша баҳсга тайёр, янги ғоялар учун курашга даъват этилган. Ҳозирги даврда публицистиканинг аҳамияти бекиёс. У жамоатчилик фикрига таъсир ўтказади, уни керакли-кераксиз томонга модификация қиласи.

Публицистика асосида ахборот ётади. Ахборот ҳар доим ҳокимият вазифаларини самарали амалга оширишнинг муҳим ресурсларидан бири бўлган. Ҳокимият доимо

Ўша маиба. 42-бет.

фуқароларга ўз иродасини ўтказиб бошқаради. Айнан ахборот мукобил ва реалистик мақсадларни белгилаш, мақсадга эришиш учун оптимал стратегия ва тактикани танлаш имконини беради. Аксинча, ахборотнинг тақчиллиги ёки объектив эмаслиги бошқарув ва сиёсатдаги хатоларга олиб келади.

Яқин даврларгача ахборот муаммолари миллий давлатлар чегаралари ичida айланар, мамлакатлардан назорат этиладиган жузъий ахборотларгина ташқарига чиқарди. Бугунги технологиялар, глобаллашув жараёни ахборотларнинг трансчегаравий оқимини шиддатли тус олдирди.

Бундай шароитда ўз миллий ва маънавий қадриятларини асраш, ўз сиёсатини юргизиш вазифаси янада дол зарблашади. Сиёсий фанлар доктори И.Эргашев ёзганидек: “Айни пайтда дунёда глобаллашув жараёни тезлашмоқда. Дунё ҳалқлари ва давлатлар ўртасида ўзаро алоқалар кучаймоқда. Бундай мұхит ҳалқаро ахборот тизими, Интернет, ОАВ, реклама, турли хил кино күрсатувлари билан бөглиқ асарлар ёшлар маънавий ҳаётига таъсир күрсатиши, турли хил қадриятларнинг кириб келишига шароит ҳозирлайды. Унинг қайси жиҳатларидан фойдаланиш ёки фойдаланмасликни ёшлар яхши билишлари лозим”⁷.

Замонавий демократия учун турли ахборотнинг ўзи етарли эмас, инсонда юксак сиёсий маданият ва заковат бўлиши, у ахборотни тўғри қабул қилиб баҳолай олиши, шу асосда керакли қарорга келиши, сиёсий танловни амалга ошира олиши керак.

Бир томондан, сиёсатда, бошқарувда самарали фаолият юритиш учун кўп ҳажмли ахборотни баҳолаш, таҳлил этиш, талқин қилиш керак ва бунда янги ахборот технологиялари кўмак беради. Аммо, иккинчи томондан, бундай маълумотлар “уммонига гарқ бўлган” сиёсатчи,

⁷ Эргашев И. Ҳаётнинг ҳар они фалсафа. – Т.: Академия, 2011, 19-бет.

бошқарувчи, фуқаро учун олинаётган ахборотни текшириш ва баҳолаш қийин, шунинг учун у бу ахборотни түгри, деб қабул қиласи. Ахборотнинг кўплиги инсонни ундан бегоналаштиради, узоклаштиради.

Кейинги вактларда ёшлар сиёсий онги ва қарашларини шакллантиришда публицистиканинг аҳамияти муаммоси хорижлик олимлар томонидан ҳам кенг муҳокама қилина бошлади. Мисол учун, россиялик сиёсатшунослар ушбу мавзуга оид муҳим фикрларни билдиришмокда. 2008 йил ноябрь ойида Козон Давлат университетининг Баҳс клубида “Хозирги ривожланиш босқичида бизга публицистика керакми?” мавзусида сұхбат бўлиб ўтди. Унда сиёсатшунос олимлар, ёш тадқиқотчилар ва кенг жамоатчилик иштирок этиб, мазкур масала атрофлича муҳокама қилинди. Эксперт, профессор И.Дзялошинский-нинг фикрича, XX асрнинг 60-80-йиллари давомида “жамиятда публицист сўзи онгни шакллантиришда энг кучли таъсир кўрсатувчи инсонни англатар эди”. Бозор иқтисадиёти шароитида – XX асрнинг 90-йиллари охиридан бошлаб публицистика примитив (оддий хабарлар мажмуи) тарзда тушунила бошлади ва натижада, “жамиятнинг ижтимоий-сиёсий онги ҳам заифлашди”. И.Дзялошинскийнинг бу фикри Ўзбекистондаги публицистика муаммосини ҳам ифодалайди. Аммо, Ўзбекистондан фарқли ўлароқ, Россияда XX асрнинг 90-йиллари охиридан хозирги кунгача И.Бунич, Ф.Бурлацкий, А.Солженицин ва А.Панарин каби сиёсатшунос-публицистларнинг дунё тан олган публицистик асарлари нашр қилингани маълум. Россиялик сиёсатшунос олимлар бундан қониқмайди. Чунки улар публицистикани, энг аввало, “ҳаққоний маънодаги мафкура воситаси” деб қабул қилишади. Шу маънода, миллий гоя ва мафкура, миллий манфаатларни ёшлар сиёсий онгига таркиб топтиришда публицистик асарлар энг кучли тарғибот куроли бўлиб хизмат қиласи.

Демак, публицистик асарларга замонавийлик, хозиржавоблик, тарғиботчилик, тушунтириш ва руҳлантириш каби хусусиятлар хос. Публицистик асарлар бундай ху-

сусиятларга эга бўлиш билан икки муҳим вазифани ба-
жаради: биринчидан, жамиятнинг талаб ва эҳтиёжлари-
ни кенг тарғиб қиласди; иккинчидан, инсоннинг ижтимо-
ий-сиёсий онгини давр талаби асосида шакллантиради.
Шу маънода, публицистика “Жамиятни турли салбий
ҳодисалардан сақлайди ва турли хил носоғлом ғоялар,
қарашларнинг олдини олишга ёрдам беради”. Негаки, пуб-
лицистика сиёсий фаолиятнинг оммавий турларидан би-
ридир.

Шу билан бир қаторда, публицистик асарларнинг фа-
қат расмий фикр-мулоҳазаларни ифодаловчи воситага
айланниб қолишидан сақланиш лозим бўлади. Чунки бу бир
ёқлама ёндашув бўлиб, публицистиканинг таъсир кучи-
ни йўқотади, уни дорматик ғояларнинг ташувчисига ай-
лантириб қўяди.

МУНДАРИЖА

Сўз боши.....	3
Кириш.....	7
А.Жалилов. Жамоатчилик назоратига назарий ёндашув.....	9
А.Бегматов. Жамоатчилик назорати, ижтимоий шериклик ва оммавий ахборот воситалари.....	31
У.Муҳаммадиев. Жамоатчилик назорати – фуқаролик жамиятигининг муҳим институти.....	45
Н.Бектемирова. Оммавий ахборот воситалари: назария ва амалиёт.....	63
А.Қамбаров. Ўзбекистонда оммавий ахборот воситалари фаолиятининг хуқуқий асослари ва жамоатчилик назорати.....	81
З.Хўжаниёзова. Жамоатчилик назоратини кучайтиришда давлат сиёсати таҳлили.....	99
Публицистиканинг сиёсий жараёнлардаги роли.....	117

7200 с

Ахтам Жалилов, Абдуллајон Бегматов,
Улугбек Мухамадиев, Наргиза Бектемирова,
Акмал Қамбаров, Зилола Хўжаниёзова

Оммавий ахборот воситалари ва жамоатчилик назорати

«Akademiya»
Тошкент 2013

Муҳаррир Г. Абдуллаев
Мусаҳҳиҳ М. Абдуллаев

Дизайнер Л. Тўйчиев
Техник муҳаррир К. Ҳакимов
Нашр учун масъул Д. Қабулова

Нашр. лицензия № 232, 16.11.2012 й.

Боситига рухсат этилди . 22.02.2013 й.

Бичими 84x108 $\frac{1}{32}$. Офсет босма. Шартли босма табори 7,8
Нашриёт хисоб табори 7,5. Адади 150.
Тошкент, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 45

МЧЖ «YOSH KUCH PRESS MATBUOTI»
Манзил: Тошкент шаҳар. Сўталли ота 5-й.